**Учинчи гурух.** Сурилишни бузилиши билан белгиланади. Уларга сийдик тош касаллиги, ут тош касаллиги, анемия, кон ивишни бузилиши киради. Сийдик тош касаллиги оксалатларни меъеридан ортик сурилиш натижасида пайдо булади, улар нормада ичак ичида кальций билан богланишади. Ёғ сурилишини бузилиши натижасида кальций ёғ кислоталари билан осон богланади ва совун хосил килади. Пайдо буладиган гипероксалатурия буйракларда тошалр пайдо булишга сабаб булади. Ут тош касаллиги ёнбош ичак жарохатланганда ут кислоталарини энтерогепатик циркуляцияси бузилганда пайдо булади. Бундан ташкари Крон касаллигида сийдик чикариш канали, найчаларини инфилтратлар билан сикилиб колиши натижасида гидронефроз пайдо булиши мумкин. Яна бу гурухга иккиламчи амилоидоз ҳам киради. Куп холларда ингичка ичакнинг юкори кисмини жарохатланиш натижасида темирни сурилиши бузилганда ёки сурункали кон кетишларда темир танкислиги анемияси пайдо булади. Енбош ичакли катта кисми жарохатланганда В<sub>12</sub> витаминини сурилиши бузилади ва макроцитар анемия вужудга келади. Сульфасалазин билан узок вақт даволаш натижасида фолиевый кислотани сурилиши бузилади ва гемолиз пайдо булади бу эса анемияга сабаб булади.

Ёгда эрувчи витаминларни сурилишини бузилиши натижасида купгина салбий холатлар пайдо булади: организмда А витамини танкислиги хисобига куриш бузилади, гипокальциемия (Д гиповитаминоз) ва протромбинни камайиши хисобига кон кетишлар давомийлиги ошади (К гиповитаминоз).

**Лабаратор текширувлар.** Клиник кон анализларида темир танкислиги анемияси: ёки В<sub>12</sub> – танкислиги анемияси, кон кетиш давомийлигини бузилиши, протомбитни камайиши аникланади. Латологик жараён ингичка ичакда содир булганда кон зардобида оксил микдорини камайиши кузатилади, кучли эксудатация натижасида.

**Ташхис.** Крон касаллигини утқир формаси билан огриган беморларда ташхис одатда утқир аппендицит деб тахмин килингандаги лапаратомия вақтида куйилади. Операицьяда ичакнинг зичлашган гиперемияланган кисми, ичак туткич деворини катталашган лимфа тугунлари ва асоратлар (перфорация, абсцесс, стеноз) кузга ташланади. Бундай холларда ирсинозни олдини олиш максатида серологик текширувлар утказиш керак.

Диагностика учун одатда рентгенологик текширув фойдаланилади. Ирригоскопияда нафакат йугон ичак жарохатланишини балки терминал имит белгиларини ҳам куриш мумкин: нотекис рельеф ва енбош ичакнинг торайиши.

Ингичка ичакнинг тутилиши белгилари йук булгандагина ошкозон ва ингичка ичакнинг рентгенологик текширишини утказиш мумкин. Касалликнинг бошлангич вақтларида ташхис куйиш кийнрок, лекин барий клизмаси ёки сульфат барийни силжиши буйлаб юзадаги аорат ва чизиксимон яраларни куриш мумкин.

Рентгенологик методлар ердамида Крон касаллигини 3 та морфологик боскичларини белгилаш мумкин.

**1 б о с к и ч** (эрта узгаришлар). Бурмаларни шишиш натижасида калинлашуви ва текисланиши, куп сонли диаметри 0,1-0,2 см булган яраларни мавжудлиги, ичак девори эластиклигини саклаб қолади.

**2 б о с к и ч** (оралик узгаришлар). Нодуляр рельеф, изъязвления, ичак туткич чеккаларини ригидтиги, псевдодивертикул шаклида уларни чикиб қолиш билан фарк қилади. Ичак девори калинлашган.

**3 б о с к и ч.** (аник намоён булган узгаришлар). Шиллик каватнинг язва- нодуляр рельефи, чуқур ериксимон уймаларнинг борлиги. Петлялар орасидаги масофа узоклашган, деворлар калинлашган, таранглашган.

Крон касаллигининг активлик даражаси алохида индекс ёрдамида аникланади [Best W. Et al., 1976].

### БЕСТ индекси. Крон касаллигининг активлик даражаси.

1. Хафта давомидаги неформмный дефекациялар сони	x 2 = .....
2. Хафта давомидаги кориндаги огрикларнинг интенсивлиги (0-грик йук; 1- энгил огрик, 2- билинарли, 3- кучли огрик)	x 5 = .....
3. Хафта давомидаги хоалти (0- яхши, 1- коникарли, 2- ёмон, 3- жуда ёмон)	x 7 = .....
4. Куйидаги формула буйича хисобланадиган тана вазнини танкислиги: 1- тананинг фактик вазни, кг тананинг керакли вазни, кг	x 100 = .....
5. Пальпация вақтида корининг тортилиши (0- йук, 2- шубхали, 5- бор)	x 10 = .....
6. Диареяни симптоматик даволашни зарурлиги (0- йук, 1- бор)	x 30 = .....
7. Гематокрит, мавжуд ва нормадаги орасидаги фарк (эркакларда норма 1, аёлларда 42)	x 6 = .....
8. Крон касаллигини бошка симптомлари (хар бир симптомнинг борлиги- 1, йуклиги-0) бугимлардаги огрик, артрит иридоциклит, увеит тугунли эритма пиодумма афтоз стоматит анал оқма, параректол абсцесс оқма ва абсцесслар бошка жойлардаги хафта давомида тана харорати 37 <sup>0</sup> С дан юкори Мусбат симптомлар йигиндиси	x 20 = .....
Активлик индексини йигиндиси	йигиндиси - п 1-8

Соглом одамларда активлик индекси 0 га тенг, катта булмаган активликда у 1 дан кам, катта активликда 1 дан куп.

**Дифференциал ташхис.** Крон касаллигини клиник симптомлари жуда куплиги сабабли тгри ташхис касаллик бошлангандан бир неча йил утгандан сунгина куйилади.

Касалликни уткир формаси бор касалларда серсиниоз ва бошка уткир ичак ва паразитар касалликларни йук қилиш керак. Крон касаллиги билан касалланган пуманал свицлари ва



ериклари, иситмаси, тугунчали эритмаси ва сабаби аникланмаган артрити бор касалликларда дифференциал ташхис утказиш керак.

Крон касаллиги билан ухшаш булган рентгенологик белгилар кур ичак ролида, корциноидда лимфосаркомада радицион энтеритта ва туберкулезли имотерлитда булиши мумкин.

Шуни эътиборда тутиш керакки корнинг патски квадратдаги огриклар аёлларда бачадон ташкарисидаги хомиладорликда, тухумдон киста, ва усмаларда булиши мумкин.

**Даволаш.** Касалликлар тулик жисмоний ва рухий тинчлик булиши керак. Бунинг учун седатив даволаш тавсия килинади.

Жараёни патологик активлик даражасига караб даволаш олиб борилади. Активлик катта булмаганда яхши эффектлари содир булганда гармонлар белгиланади ва порентерал озикланишга утказилади. Баъзи холатларда касалларга оператив чоралар зарур булади. Даволашни эффективлигини кузатиш максасида Бест индексида фойдаланиш кулай.

**Пархез.** Касаллик активлиги 1 баллдан хам булган беморларга №4 диета тавсия килинади. Ундан унга нисбатан торантлиги пасайган махсулотлар чикариб ташланади. Активлик даражаси юкори булганда (1 баллдан юкори) кисман парантерал озикланиш белгиланади. Касаллар №4 диета шлакларни йук булган махсулотлар билан олишади (парталак виосорб, сурвимед) уларнинг таркибида калта – ва урта занжирли ёглар осон кабул килинади оксиллар булади. Препаратлар дозаси калорияга булган мухтожликга боглик булган. Кабул килишни кичик дозалардан бошлаш керак. Одатда бошида бир ош кошик препарат 200 мл литр сувда эритилган холда тавсия килинади. Агар кун давомида касал бу дозани яхши кутара олса унда кунига бу дозани 3-4 марта кабул килиши мумкин. Шкалсиз озукани ёмон тъмли булгани сабабли назогастрал зонд оркали томчилаб жунатиш мумкин.

Парентериал озукани холи хам белгиланади хар куни 0 мл дан аминокислоталар эритмаси (аминосол, альвезин) 1-1,5 литр микдорида 10 % глюкоза эритмаси кунига 0 мл дан ёгли эмульсиялар (интралипид, липофундит).

Сурилишни бузилиши синдромида ва ингичка ичак жарохатланганда ёгда эрувчи витаминлар фоливая кислота ва В<sub>12</sub> тавсия килинади. Уларга Fe, K, Mn, Zn препаратларини кушимча килиш керак. Ишта ёмон булганда агар ингичка ичакда сурилиши бузилмаган булса кисман энтерал озукани берилади.

Касалларда ингичка ичакнинг 100 мл ли резекцияларидан сунг стеаторея пайдо булади, ут кислоталарини сурилишини бузилиши натижасида бундай холларда ёг микдори кам булган диет тавсия килинади. Кушимча килиб урта занжирли тугунчалар буюрилади, бунга сабаб улар ут кислоталарни сурилишини талаб килмайди.

Крон касалликни даволашда яллигланишга карши хусусиятга эга булган препаратлар, антибиотиклар ва симптоматик воситалар кулланилади.

**Яллигланишга карши воситалар:** сульфасалазин, писалазин (солофальк) ва кортикостероидлар.

**Сульфасалазин** – яллигланиш жараёни йугон ичакда ва имоцекал сохада жойлашганда, унинг активлиги катта булмаганда (1 баллдан оз) эффектив хисобланади. Препаратни 3-6 ч/сут, 2 хафтага белгиланади. Яллигланиш жараёндари камайиши билан суткаси дозани 1-1,5 г гача камайтиради.

Доза билан боглик муаммолар (иштаха йуколиши, кунгли айниши, бош огриши) дозани камайтириш билан йукотилиши мумкин.

Аллурия, иситма, тери тошмалари сингари ножуя таъсирларни проблар утказиш билан олди олинади. Лекин агранулоцитоз, массив гемолиз, гепатит ва упкадаги асоратлар каби асоратларни олдини олиш мушкул.

Месалазин (салофалья, лисакол, солозинал) таблеткасини сувда эрувчи кобиги 15-30% 5-АСК борлиги сабабли у ёнбош ичакда эрий бошлади. Асосий актив кисми (60-75%) таблеткадан йугон ичакда ажралади.

Йугон ва ингичка ичакнинг дистол кисмидаги Крон касаллигини рецидивларини частотасини камайтириш учун салофальс кулланилади. Аччик ичакдаги жойлашувига эса пентаса кулланилади.

Юкори активликда (1 баллдан юкори) 5- АСК препаратларидан фойда булмаса хам преднизалон кулланилади.

**Преднизолон** – Крон касалиги ингичка ичакда содир булганда фойда беради. Касаллик уртага огир ва огир кечаётган беморларга бериледи.

Кунлик дозаси касалликни огирлашигига боглик булиши керак, яна тана вазнинига 1,0 мг/кг булиши керак. Кортикостероидлар огир холатларида катта дозаларда томир ичига жунатилади. Агар Крон касаллиги тугри ичакда жойлашгана булса, кортикостероидлар клизма шаклида хар куни 2 мартадан жунатилади.

Кортикостероидлар билан узок даовлаш натижасида системали асоратлар ва ножуя таъсирлар пайдо булади- диабет, артериал гипертнезия, остеопороз, кон кетиш, 3-4 хафтадан сунг препарат дозасини хафтасига 5 мг килиб камайтирилади.

5- АСК сульфасолазин ва преднизалон препаратлари билан даволаш узок вакт давом этиши керак, каса стационалардан чиккандан сунг поликлиника терапевти кузатувида давом эттирилади. Ойлар давомида бемор кабул килиши мумкин булган минимал суткалик дозалар: лисазлазин- 0,5-1 г, сульфасолозин- 1-1,5 г; преднизолон 5-10 мг.

Буденофальк асосан чамбар ва енбош ичакдаги енгил ва урта огриклардаги уткир боскичидаги Крон касаллигида тавсия килинади, ошкозон ва ингичка ичакнинг юкори кисмларидаги Крон касаллигида кулланилмайди. Бугим, куз, теридаги касалликда хам таъсир килинмайди, чунки у махалий таъсирига эга.

**Антибиотиклар.** Иккиламчи инфекция кушилганда, йирингли асоратлар пайдо булганда, корин бушлигида инфилтрат хосил булганда касалга антибиотиклар тавсия килинади.

Хар бир 4-6 соатда мускул еки томир ичига 0,5-1г дозоларда ярим синтетик пенициллинлар (ампициллин, пентрессия) кулланилади. Огир диабактериоз пайдо булиш хавфи борлиги учун даволаш курси 2 хафтадан ошмаслиги керак. Бир вақта кунига 1-1,5 г дн метронидазол хам куллаш мумкин.

Метронидазол Крон касаллигида эффектив альтернатив дори хисобланади: айникса куп вактларда у перионал, имоцекал кисмларда, йугон ичакда жойлашганда кулланилади.

Метронидазол дозаси суткасига 10-20 мг/ кг ни ташкил килади. Лекин яхши кучли таъсир 4-6 хафтадан кейин сезилади. Препарат организмга ёмон таъсир курсатмайди, лекин узок вакт кулланилганда парестезия каби ножуя таъсир пайдо булади, дори кабул килиш тухтатилганда одатда йуколиб кетади.

**Симптоматик воситалар.** Огрик, диарея вактида симптоматик восита сифатида дифеноксилат, имодиум ва кодеин фосфат кулланилади. Имодиум томчиларда кунига 1-2 марта 25 томчидан ёки капсулада кунига 2-3 марта 2 мг дан кулланилади. Фосфат кофеин кунига 3-4 махал 0,015 г дан.

Шуни эътиборга олиш керакки юкорида санаб утилган дорилар чиакдаги босимни ошириб юборишади, шу сабабли хавфли хисобланади, чунки токсик дилотацияни ёки ичак перфорациясини келтириб чикариши мумкин. Шунинг учун касалликни уткир даврида бу дориларни куллаб булмайди. Уларни факат стационар даволашни охирги боскичларида ремиссия вактида амбулатор шароитларида симптоматик восита сифатида куллаш мумкин.

Агар ичак тутилишини белгилари йук булса, диареяни камайтириш максатида смекта ёки олма гель куллаш мумкин. Касалларда ёнбош ичакнинг катта жарохатларида ёки унинг резекциясидан сунг хам стиралин тавсия килинади, у йугон ичакда сув ва электролит секрециясини чикарувчи ут кислоталарини боглайди.

Препаратни кунига 3 махал овкатдан 40 минут олдин 1 чой қошиқдан сув билан кабул килинади. Даволаш курси 7 кундан 14 кунгача.

Ёнбош ичак жарохатланганда В<sub>12</sub> – танкислик анемияси пайдо булиши хавфи тугилади., олдини олиш максатида хар 6-8 хафтада мускул ичига 600 мкг ционокоболалин жунатилади.

**Кулловчи даво.** Крон касаллигини ремиссияси бошланганда кортикостероидлар тухтатилади. Дорилар қабул қилишни секин 1 маромда тухтатиш керак (хар 14 кунда 2,5-5 мг куп эмас) ва кулловчи даволашга қолдирилади (хар куни 5-15 мг преднизолон) ой- йил давом этади.

**Рецидивлар профилактикаси.** Хамма касалар гастроэнтерологни динамик кузатувида булишлари керак, улар доимий даволашга мухот булишади, патогенетик ва симптоматик таъсирга эга булган препаратлар билан даволаш зарур. Профилактика симптоматик воситалар билан амалга оширалади.

Сурункали диареяни даволаш учун узок вақт давомида холитирамин қабул қилиш керак. Бундай ҳоларда одатда сувли диарея тухтатиб қолади. Шу вақтнинг узида холитираминни узок вақт қабул қилиш натижасида стеаторея ҳосил булади бунга мицеллолар пайдо булишида ут кислоталарни иштирок этмаслиги сабаб булади.

**Прогноз.** Уткир грануломатозли имитдон кичик тулик тузалишга эришиб булмайди. Исриниозли имитдан сунг тузалиши мумкин.

Сурункали Крон касаллиги ҳаёт давомидаги қайталаниб туради. Буйнинг усмай қолиши кузатилмайди, агар касаллик ёки янаям кечроқ пайдо булса. Ичакнинг жарохатланган қисмини резекциясидан сунгги рецидивлар, операция қилинмаган касаллардагига нисбатан ҳам урчайди. Ичак тугилиши ичак перфорацияси, сепсис, оизб кетиш ёки ичак ракиннинг пайдо булиши қаби асоратлар прогнози қийнлаштиради.

**4 – мавзу: Гепатомегалияда қиёсий ташхислаш. УАВ тактикаси.  
Гепатит ва циррозларни замонавий даволаш услублари ва  
профилактикаси.**

**4.1.Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони : 18-36 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза.
Маъруза режаси	Гепатомегалия тушунчаси, унинг сабаблари Гепатомегалия билан кечувчи касалликлар Гепатомегалия турлари, уларнинг диагностикаси Вирусли гепатитлар, диагностикаси Аутоиммун гепатитлар, диагностика Гепатитларнинг давоси ва диспансеризацияси Жигар циррози, сабаблари, диагностикаси Жигар циррозини даволаш принциплари Гепатомегалияда УАВ тактикаси
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Гепатомегалия синдромини ташхислашни урганиш ва гепатомегалия синдроми билан кечувчи касалликларни қиёсий ташхислашни урганиш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Машғулот услуби	Ахборотли сухбат, маъруза ва х.к.
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

**4.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти.</b>	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
Тайёргарлик босқичи (10 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	Талабалар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1. Мавзу мақсади ва вазифаси билан таништиради 2. Мавзу бўйича саволлар беради.	Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар
2. Асосий босқич (55дақиқа)	1. Мавзунини тушунтириб беради, слайдлар намойиш қилиш 2. Кўргазмалар плакатлардан фойдаланади	Тинглайдилар Тинглайдилар
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами 90 дақиқа (2соат)		

## Маъруза матни

Гепатомегалия – жигар улчамларининг катталашуви булиб, клиник жихатдан у куйидаги бир канча касалликларнинг сабаблари булиши мумкин.

Гепатомегалия сабаблари:

- Жигарнинг ёгли дистрофияси (гепатозлар)
- Уткир ва сурункали гепатитлар
- Жигар циррози
- Жигар фибрози
- Жигар кисталари
- Жигар паразитар касалликлари (эхинококкоз ва альвеококкоз)
- Жигар усмалари
- Унг қорича етишмовчилиги

Сурункали гепатит – 6 ойдан купрок давом этадиган жигарнинг полиэтиологик диффуз яллигланиш жараёни билан характерланади.

(Рим, 1988; Лос-Анджелес, 1994 –гастроэнтерологларнинг Европа ва Бутунжаҳон конгресслари)

Тарқалиши ҳар 100 000 аҳолига -60 кишини ташкил қилади. Катта ёшли аҳоли орасида 5%ни ташкил қилади. □Сурункали гепатитлардан улим 15-25%ни ташкил қилади. Дунёда 300 000 000 дан ортик гепатит В вирусини ташувчилар бор.

### Лос-Анджелес классификацияси 1994 йил

#### α1-антитрипсин етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган жигарнинг сурункали касаллиги

Этиологияси	Активлик даражаси	Фиброз даражаси
1. Сурункали гепатит В	Минимал активликдаги сурункали гепатит	Фиброз йук
2. Сурункали гепатит С		Суст ривожланган фиброз
3. Сурункали гепатит D		
4. Сурункали аутоиммун гепатит	Суст ривожланган активликдаги сурункали гепатит	Уртача ривожланган фиброз
5. Дорили гепатит		Огир даражали фиброз
6. Криптоген гепатит	Уртача ривожланган сурункали гепатит	Жигар циррози
	Огир даражали сурункали гепатит	

Оксил метаболизмнинг аутосом-рецессив типдаги бузилишига олиб келадиган кон зардобида α-антитрипсин ферментининг етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган жигарнинг сурункали касаллиги ҳисобланади.

#### Сурункали гепатит В

Уткир ВГВ соғлом одамлар орасида 5-10% ҳолатларда сурункали формага утади.

Иммунитетида узғариш булган одамлар орасида бу курсаткич 20-% ни ташкил қилади.

Сурункали гепатитнинг 30-40% и жигар циррозига утади.

Диагностикаси:

Кон зардобида гепатит В вирусининг маркерлари:

HBsAg – юза (superficialis) оксил-антиген;

HBsAg (HBcoreAg) – факат гепатоцитлар ядросида жойлашадиган ва конда аникланмайдиган антиген аникланади.

**Сурункали гепатит D** Сурункали гепатит D вирусли гепатит B маркерлари ташувчилар уткир вирусли гепатит D билан касалланган пайтида суперинфекция курунишида кечади. HDV-нинг сурункали формага утиш частота 60-70% ни ташкил килади.

Сурункали гепатит D циррозоген хусусияти купрок (14-15%), ва ВГВ га нисбатан 10-15 олдин ривожланади. ВГД огир утади, ракка айланиш эхтимоли камрок, чунки леталлик курсаткичи юкори, купчилик беморлар касаликнинг ракка утгунига кадар яшамайди.

Иммунология: Т-супрессорлар сони камайди, иммуноглобулинлар микдори ортади. Кон зардобади анти-HDV IgM топилади.

Морфология: некроз, лимфоид инфильтрация.

УЗИ и радиоизотоп текшириш жигар ва талокнинг диффуз катталашуви **Сурункали гепатит C** Уткир вирусли гепатитнинг сурункали формага утиши 75-80%ни ташкил килади.

Дунёда HVC билан инфекцияланган кишилар ахолининг 10% ни ташкил килади. □ Сурункали гепатит C купинча латент ва симптомсиз кечади. Циррозга утиши 20-25%, гистологик текширувларда % . Белгилари чарчаш иштаха пастлиги ва ориклаш

Иммунология: Т-супрессорларнинг камайиши, иммуноглобулинлар ва конда айланиб юрувчи иммун комплекслар ошади. HCV-инфекция маркерлари: HCV-РНК, анти-HCVcore IgM топилади.

УЗИ ва радиоизотоп текширувда гепатоспленомегалия аникланади.

### **Сурункали вирусли гепатитларнинг диагностик критерийлари (B, C, D)**

#### **Цитолитик синдром**

А) Клиник белгилари

Иситма, ориклаш, жигар хиди келиши, тери ва склера саргайиши

Б) Лаборатор белгилари

трансаминазаларнинг ошиши (АлТ, АсТ), албумин ва протромбин камайиши, билирубиннинг ошиши

#### **Мезенхимал-яллигланиш синдроми □**

А) Клиник белгилари:

иситма, артралгия, васкулит, спленомегалия, лимфоаденопатия

Б) Лаборатор белгилари:

γ-глобулин, иммуноглобулин А, М, G, LE – хужайра пайдо булиши

#### **Холестатик синдром**

А) Клиник белгилари:

сариклик, тери пигментацияси, тери кичиши, ксантелазма,

Б) Лаборатор белгилари:

холестерин, билирубин (конюгирланган), ишкорий фосфатаза

#### **Геморрагик синдром**

А) Клиник белгилари:

терида геморрагиялар, милкдан ва бурундан кон кетиши

Б) Лаборатор белгилари:

тромбоцитопения, кон ивиш факторлари синтези камайиши

#### **Астеновегетатив синдром**

Тез чарчаш, холсизлик, ориклаш, иш кобилиятининг пасайиши, невроз ва ипохондрия белгилари

#### **Диспептик синдром**


Кунгил айниши, иштахасизлик, эпигастрал сохада огрик, кекириш, корин дам булиши, кабзият.

**Аутоиммун гепатит** Аёлларда куп учрайди 1:3 нисбатда, ёш буйича 10-30 ёшда куп учрайди.

**Аутоиммун гепатитнинг диагностик критерийлари**

- ✓ кучли астено-вегетатив белгилар.
- ✓ сариклик.
- ✓ геморрагик тошмалар.
- ✓ гепатоспленомегалия.
- ✓ жигар хужайра етишмовчилиги
- ✓ лимфа тугунларнинг катталашуви жигардан ташкари аутоиммун зарарланишлар (пневмонит, васкулит, ярали колит, гломерулонефрит, тиреоидит, миокардит, артралгия, синдром Рейно, синдром Шегрена, эндокрин бузилишлар).
- ✓ урта ёшдаги аёллар куп касалланади.
- ✓ анемия, тромбоцитопения, лейкопения, СОЭнинг жуда баланд булиши.
- ✓ жигар хужайра етишмовчилиги, цитоллиз, ва яллигланиш белгиларининг яккол намоён булиши.
- ✓ Т-супрессорларнинг конда ошиши зардобда антителлар аникланиши: (ANA), (анти-LKM), (SLM), (SLA) (LP), (LM).
- ✓ HLA A1, B8, DR3 ва DR4.нинг аникланиши
- ✓ глюкокортикостероидлар ва иммунодепрессив терапиянинг самарадорлиги. вирусли гепатит маркерларининг йуклиги.

**Жигар катталашуви булган беморларни текшириш дифференциал диагностика дастури**



Жигар соҳасига физиотерапия мумкин эмас.

**Диета стол № 5** - оксил –100 г, углевод – 4 г, ёғлар - 80 г. Ёғсиз гушт маҳсулотлари (куён, товук, балик гушти) овқат кичик порцияларда 4-5 марта.

Вирусга қарши препаратлар

✓  $\alpha$ -интерферонларни қуллаш керак,– интрон А, реаферон, роферон ва б. Интрон 5 млн МЕ дан ҳафтада 5-7 марта ёки или по 10 млн МЕ дан ҳафтада 3 марта, даво курси 4-6 ой. дори воситаси мушак орсига ёки тери остига юборилади

✓ Реаферон 3 млн МЕдан ҳафтада 3 марта 3-4 ҳафта давомида

✓ Видарабин – суткасига 7,5-15 мгдан 3 ҳафта давомида

✓ Рибавирин - суткасига 1000-1200 мг (2 марта ичиш учун) 3-4 ҳафта давомида

**Самарали даволанганлик критерийлари**

➤ гепатита В маркерларининг йуқолиши;

➤ конда трансaminaзаларнинг нормаллашуви

➤ жигар гистологик картинасининг яхшиланиши

**Қарши курсатма**

✓ декомпенсация босқичидаги жигар циррози

✓ қандли диабет

✓ оғир буйрак упка ва юрак қон-томир касалликлари

✓ алкоғолизм.

**Иммунодепрессив терапия**

1. Глюкокортикостероид препаратлар.

2. Ногормонал иммунодепрессантлар (цитостатиклар).

✓ Преднизолон бошланғич дозаси суткасига 20-30 мг дан 3-4 ҳафта кейинчалик дозаси ҳар 7-10 кунда 2,5 мгдан қамайтириб борилади

✓ Глюкокортикоидлар ва цитостатиклар комбинацияси - преднизолон азатиоприн билан бирга берилади. преднизолон 15-25 мг ва азатиоприн -100 мг суткада, кейинчалик саклаб турувчи дозаси 10 мг ва мг. Деллагил – иммунодепрессив препарат 0,25–0,5 мг дан 10-15 мг преднизолон билан бирга берилади. Кейинчалик преднизолон 5 мг гача қамайтирилади ва охирида фақат деллагил берилади. Курс давомийлиги 1,5 - 6 ой

**Диспансеризация**

1 йилда 4 марта курик

Гастроэнтеролог и онколог куриги курсатма билан.

Функционал проблар (билирубин, холестерин, АЛТ, АСТ, умумий оксил,) 1 йилда 1 марта

УЗИ, маркерларни текшириш – курсатма билан

**Жигар циррози**

Жигар циррози – жигарнинг сурункали диффуз, полиэтиологик ушиб боровчи касаллиги булиб, гепатоцитлар сонининг қамайиши, ушиб боровчи фиброз, жигар цитоархитектоникаси ва ангиоархитектони-қасининг бузилиши ва оқибатда жигар етишмовчилиги ва портал гипертензия келиб чиқиши билан характерланадиган патологик ҳолат.

**Этиологияси**

✓ Вирусли гепатитлар

✓ Сурункали алкоғол интоксикацияси

✓ Моддалар алмашинувининг генетик бузилиши ( $\alpha_1$ -антитрипсин, галактозо-1-фосфат-уридилтрансфераза, амила-1,6-глицозидаза еишмовчилиги)

✓ Гемохроматоз ва гепатоцеребрал дистрофия

✓ Химиявий токсик моддалар ва дори воситалари

✓ Жигардан ташқари ва жигар ут йуллариининг обструкцияси

✓ Жигарда узок веноз димланиш



## **Жигар циррози классификацияси** (А. С. Логинов, Ю. Е. Блок, 1987)

Этиологик вариантлари

Морфологик вариантлари (макро ва микронодуляр)

Портал гипертензия стадиялари

Жигар хужайра етишмовчилиги боскичлари

Активлик фазалари

Кечиши

Асоратлари курсатилиши керак

### **Жигар циррози асоратлари**

- Жигар комаси ва энцефалопатия
- Кизилунгач ва ошкозон веналаридан профуз кон кетиш
- Гемороидал веналардан кон кетиш
- Дарвоза венаси тромбози
- Иккиламчи инфекция кушилиши (пневмония, сепсис, перитонит).
- Усиб борувчи ЖХЕ.
- Жигар ракига трансформацияси

### **Даволаш уз ичига олади:**

Этиологик даво (вирусга карши воситалар)

Даво режими

Диетатерапия.

Гепатоцитлар метаболизмни ошириш.

Аутоиммун жараёнларни секинлаштириш (патогенетик даво).

Преднизолон бошлангич дозаси 15-20 мг, юкори активликда – 20-25 мг. Максимал доза 3-4 хафтада бошланади. Преднизолон дозаси аста-секин камайтирилади, хар 14 кунда 2,5 мг дан 1,5-2,5 ойдан кейин саклаб турувчи дозага (7,5-10 мг) утилади. Даво давомийлиги 3 ойдан бир неча йилгача. Аутоиммун циррозда преднизолон 30-40 мг дан бошланади.

фуросемид (лазикс), 40 мгдан бир марта хафтада 2-3 марта, хар куни 100-1 мг альдактон билан бирга бериледи.

Дезинтоксикацион терапия АКБ ва пульс назорати остида бериледи (1-1,5л суткасига) 5%ли глюкоза ва 0,9% натрий хлорид

Дарвоза венасига босимни камайтириш учун нитропрусид натрий (нанипрус) бериледи

### **Госпитализацияга курсатма:**

1. Кизилунгач ва гемороидал веналардан кон кетганда
2. Жигар комаси ва энцефалопатияси
3. Биринчи марта пайдо булган асцит
4. Амбулатор даво фойда бермаса

### **Диспансеризация**

УАВ врачл томонидан 1 йилда 4 марта курилиши керак.

Курсатма билан гастроэнтеролог, нарколог, невропатолог, инфекционист куриги

Умумий кон анализи, биохимиявий анализлар 1 йилда 2 марта, курсатма булганда купрок

Жигар УЗИ текшируви 1 йилда 1 марта

## 5– мавзу: Сарикликда қиёсий ташҳислаш. УАВ тактикаси.

### 5.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони : 18-36 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза.
Маъруза режаси	Талабаларни сариклик синдроми билан кечадиган касалликлар билан таништириш. Айнан жигар фаолиятининг фундаментал асосларидан бошлаб, пигмент алмашинуви, сарикликнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириш; Сариклик синдромида қиёсий ташхисотни аниқлаш; Сариклик синдромидаги УАВ тактикаси;
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Сарикликнинг келиб чиқиш сабаблари, сариклик синдромида қиёсий ташхисотни аниқлаш ва УАВ тактикаси; Сарикликнинг асосий турлари ва таснифини тушунтириш; Сарикликнинг келиб чиқиш сабаблари, патогенези, таснифи, клиник куралишлари ва даволаш принципларини тушунтириш.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Машғулот услуби	Ахборотли сухбат, маъруза ва х.к.
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

### 5.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи (5 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1. Мавзу мақсади ва вазифаси билан таништиради 2. Мавзу бўйича саволлар беради.	Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	1. Мавзунини тушунтириб беради, слайдлар намойиш қилиш 2. Кўргазмалар плакатлардан фойдаланади	Тинглайдилар Тинглайдилар
3. Яқуний босқич (10 дақиқа)	1. Яқунловчи хулоса қилади 2. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади
4. мустақил таълим учун топшириқлар (5 дақиқа)	Мустақил иш беради	Ёзиб олади
Жами 90 дақиқа (2 соат)		

## Маъруза матни

### Кириш.

Жигар касалликлари бир неча асрлардан буён бутун дунё олимлари, табиблари ва мутафаккирларини кизиктириб келмокда. Бу борада килинган куп изланишлар, чукур текширишлар хозирги кунга келиб уз меваларини бермокда. Буюк тиббиёт олимлари Гиппократ, Гален, Абу Али ибн Синолар уз асрларида жигар касалликлари хакида куп ёзиб колдирганлар.

Асримизнинг 60-70 йилларига келиб гепатология фани алохида ажралиб, унинг морфологик ва иммунопатогенетик йуналишлари юксалиб кетди. Рационал терапия ишлаб чикариш учун зарур булган маълумотлар жигар биопсия тукумасини урганганда гистокимиявий, гистоэнзимологик натижа-ларга асосланмокда. Бу эса уз навбатида сариклик патогенезида гепатоген концепцияни изохлашни, холестазда жигарда структур компонентларни узгаришини, фиброз, коллагеноз жараёнлари, жигарнинг токсик ва меди-каментоз зарарланиш холатларини, гипоксия холатида жигарда циркулятор бузилишлари ва экскретор функциясининг бузилишларини кузатиш учун катта йул очиб берди.

1970 йилларга келиб гепатология сохасида иммунопатогенетик концепция тулик тасдикланиб ва у асосида жигар касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чикилди. Бу усуллардан гемосорбция, гемокарбоперфузия, дориларни трансумбикал юборишга катта ахамият бе-рилмокда. Бундан ташкари замонавий гепатологияда жигар структураси ва функциясининг организмнинг бошка касалликларида зарарланиши, хусусан юкумли касалликлари, сил касаллиги, коллагенозларда урганишга кара-тилган.

**Жигарнинг анатоми – физиологик хусусиятлари.** Жигар - инсон танасининг ягона ва энг катта аъзоларидан бири булиб, овкат хазм килиш, моддалар алмашинуви, зарарсизлантириш, кон хосил килиш ва бошка бир канча жараёнларда иштирок этувчи мухим ахамиятга эга орган.

**Анатомияси:** - жигарнинг огирлиги ёшга боглик холда булиб, катта ёшдаги одамларда 1300-1800 гр. гача етади. Чакалоқдаги ва 1 ойлик болаларда жигар корин бушлигининг  $\frac{1}{2}$  ёки  $\frac{1}{3}$  кисмини ташкил килади.

Жигар корин парда билан хамма томондан уралган аъзо булиб, факат дарвозаси ва орка юзасининг бир кисми бундан мустасно. Жигар паренхимаси юпка глиссон капсуласи билан уралган.

**Склетотопияси:** - жигар гипохондрал сохада диафрагманинг бевосита остида жойлашган булиб, унинг маълум бир кисми урта чизикдан чапга утиб туради. Орган ёки тана аъзо суякларига нисбатан аник жойлашишига эга. Юкори чегараси меъёрий нафас чикарганга, унг - L. medioclavicularis буйича 4 – ковурга оралигига тугри келади, чап - жигар булагининг юкори чегараси L. parasternalis sinistra буйича 5- ковурга оралигига тугри келади. Жигарнинг юкори кирраси бир оз кийшик холатда туради, яъни унг томон 4 - ковургадан то чап томон 5 - ковурга тогаигача келади. Жигарнинг олдинги пастки чегараси унг урта култик чизиги буйича 10-ковурга оралигига тугри келади. Жигарнинг олдинги киргогининг аниқлаб билиш жуда куп касалликларда катта ахамиятга эга. Жигарнинг орка юкори чегараси 9-кукрак умурткасининг пастки киррасига, пастки чегараси эса 11-умуртканинг уртасига тугри келади. Жигарнинг жойлашиши тана холатининг узгариши билан боглик. Масалан: тананинг вертикал холатида жигар бир оз осилиб пастга тушади. Горизонтал холатга эса у кутарилади. Чукур нафас олганда жигарни пайпаслашимиз мумкин. Энг мухими алохида ахамият беришимиз мумкин булган холатлардан яна бири бу тананинг саггитал текислигига нисбатан жигарнинг кай холатда жойлашишидир: 2 хил жойланиш тафовут килинади:

1. Унг томонлама жойлашиши
2. Чап томонлама жойлашиши

Унг томонлама жойлашишида жигар вертикал холатни эгаллайди. Унг булагини нисбатан катта булади, чап булагини нисбатан кичик булади. Айрим холларда орган чап томонга утмай

колади. Унг томонлама жойлашишида жигар горизонтал текисликда ётади, чап булаги нисбатан ривожланган булади.

**Жигар сегментлари:** - ташки куринишига караб жигар бир-бирига тенг булмаган иккита: чап ва унг булакларга булинган. Бу иккита булакни уроксимон бойлам ажратиб туради. Бунинг ташкари квадрат ва думли булаклари ажратилади.

Квадрат булаги, думли булаги, ут пуфаги ва дарвоза венаси стволи жигар остида Н харфига ухшаш харфни хосил килади. Жигарнинг вицерал юзасида, ут пуфаги чукурчасида, ут пуфаги жойлашган. Чукур жойлашган кундаланг эгатда эса жигар дарвозаси жойлашган. Жигар дарвозасидан жигар артерияси, портал вена, нервлар кириб, жигар ут йули лимфа йуллари чикади. Жигарнинг кон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа айланиши ва ут ишлаб чикариш системасига караб, у сектор ва сегментларга булинган.

Жигар ички архитектоникасига биноан жигар 2 та булак – унг ва чап; 5 та сектор ва 8 та сегментдан иборат. **Сегмент** - деб жигар дарвозаси атро-фидаги радиусида жойлашган сохага айтилади, жигар дарвозаси билан боглик булмаган алохида сохалар эса **сектор** дейилади.

**Жигарнинг кон билан таъминланиши:** Кон 2 та томирдан келади. - Дарвоза венасидан: коннинг  $\frac{2}{3}$  кисми

- Жигар артериясидан коннинг  $\frac{1}{3}$  кисми

**Ут ажратиш системаси:** Бунинг бошланиш жойи хужайраларо ут каналчалари икки ва ундан ортик гепатоцитнинг полюсида ишлаб чикарилади. Ут каналчалари уз деворига эга эмас. Бу вазифани гепатоцит плазматик мембранаси бажаради. Хужайраларо ут йуллари жигар булакчаси перифериясида кушилиб. перилобуляр ут йулларини, терминал дуктула холангиолаларни хосил килади. Улар терминал пластинкадан утгач перипортал зонада булакчаларо ут йулларига утади (дукти, холанге) олдинги перилобуляр ут йуллари кубсимон хужайралардан иборат булса, булакчаларо ут йуллари бириктиривчи тукимадан иборат, каттарок томирлари эса силлик мушаклардан хам тузилган. Жигарнинг пастки кисмида кундаланг эгатдан унг ва чап ут йуллари бир бирига кушилиб умумий жигар ут йулини хосил килади. Бу эса уз навбатида ут йуллари билан кушилиб умумий ут йулларини хосил килади. Унинг узунлиги 8-12 см. ни ташкил килиб, ун икки бармокли ичакнинг катта сургичига очилади.

**Жигар физиологияси.** Жигар организмда химиёвий гомеостазнинг марказий органи булиб, оксил, углеводларнинг алмашинувида асосий алмашинув ва энергетик асос хисобланади. Хозирги вақтда жигарнинг 0 дан ортик функцияси аниқланган булиб, шулардан - оксил, ёг, углевод, липид, фермент, витаминлар алмашинуви:

- пигмент алмашинуви
- ут ишлаб чикариш
- детоксикацион функцияси ва бошқалар

Жигарда буладиган хамма жараёнлар жуда катта энергия хисобига амалга ошади. Бу энергия Кребс цикли ва нуклеотид хисобига бажарилади.

**Пигмент алмашинуви:** Жигар кон таркибидаги эритроцит гемоглобинни парчаланиши натижасида хосил буладиган билирубин алмашинувини бош-каради ва билирубин алмашинувида жигар куйидаги 3 фазани бажаради.

- Жигар хужайралари томонидан кондаги билирубиннинг ушлаб оли-ниши.
- Бу билирубиннинг глюкурон кислотаси билан богланиши.
- Богланган билирубиннинг жигар хужайраларидан ут капиллярларига утказилиши.

**Жигарнинг ташки секреция функциясига** ут ишлаб чикариш функцияси киради.

**Детоксикацион функцияси:** Бизга маълумки жигар хужайра метаболизми натижасида хосил булган турли хилдаги эндоген токсик махсулотларни ва ташкаридан тушган ёт моддаларни зарарсизлантириш хусусиятига эга.

Асосий токсик махсулотлар бу аминокислота алмашинув мах-сулотлари – фенол, крезол, скатол, индол, аммиакдир. Детоксикация реакцияси силлик эндоплазматик ретикуляр ва митохондрия ферментлари асосида амалга оширилади.

**Гепатомегалия ва унинг сабаблари.** Гепатомегалия - жигарнинг катталашуви булиб, куйидаги холатларда юзага келиши мумкин:

1. Гепатоцитларининг дистрофияси туфайли (гепатоз, тезауризмоз).

2. Лимфо - микрофагал инфильтрация (уткир ва сурункали гепатитлар).

3. Регенератор тугунлар ва фиброзлар ривожланиши (цирроз).

4. Кон димланиши туфайли (юррак етишмовчилиги, жигар веналари эндофлебити, констриктив перикардит)

5. Холестаз:

а) жигар ичи холестази - бирламчи жигар циррозида.

б) жигардан ташкари холестаз - иккиламчи билиар циррозида.

6. Учокли узгаришлар (усма, кисталар, эхинококкоз, альвеококкоз, абсцесслар).

Жигарнинг кичрайиши кам холларда кузатилади. Гепатомегалия сплено-мегалия, сариклик ва асцит билан кушилиб келади.

**Жигарнинг катталашиш сабаблари.**

- Жигар эхинококкози
- Жигар раки (бирламчи)
- Гепатома
- Холангиома.
- Жигар раки
- Жигар циррози.
- Сариксиз, субклиник гепатит.
- Жигар ёгли дистрофияси.
- Жигар кистаси.
- Жигар яхши сифатли усмаси
- Гемангиома.
- Аденома.

**Хатоликка йул куйиш мумкин булган сабаблар:**

Беморни пайпаслаб курганда унг буйрак усмаси, кундаланг ва чамбар ичак усмаси ёки катталашган ут пуфагини пайпаслаш мумкин ва уларни жигар деб нотугри хулоса килиниши мумкин. Жигар касалликларининг энг ёркин клиник белгилари бу гепатомегалия, сариклик, гипертензия ва жигар комаси.

Сариклик синдромининг келиб чикиш механизми

Сариклик конда билирубин концентрациясининг ошиши туфайли тери ва шиллик каватлар сарик ранга буялишидир. Сариклик билирубин хосил булиш тезлиги, унинг экскрецияси ва элиминацияси тезлигидан юкори булганда ривожланади. Кондаги билирубин микдори 34 - 43мл моль/л булганда тери ва склера саргайди. Склера эластинга бойлиги туфайли билирубинни тез узига сингдириб олади ва терига нисбатан тез саргайди. Сариклик табъийи ёругликда яхши куришиб, яккол сарикликда бир кисм билирубин оксидланиб биливердинга айланиши туфайли тери ранги яшилрок ранга буялади. Бу купинча жигар циррозида кузатилади. Уни каро-тинодермиядаги саргайишдан фарклаш керак. Каротинодермиянинг узи куп микдорда сабзи, ковок, манго ва папай истеъмол килганда ва гипотиреоз билан огриганда кузатилади. Склера ранги узгармайди.

**Сарикликнинг энг куп учрайдиган сабаблари:**

- Вирусли гепатит
- Ут – тош касаллиги
- Ошкозон ости беши раки
- Жигар циррози
- Панкреатит
- Дори препаратларининг ножуя таъсири.

**Сариклик билан кечувчи хавфли касалликлар:**

➤ Сурункали фаол гепатит билан касалланган беморларда кузатиладиган жигар хужайраси раки

➤ Кари ёшдаги беморларда ошқозон ости беши раки

➤ Сепсис, пневмония ва операциядан сунги холсиз беморларда паренхиматоз сариклик кузатилади

➤ Унг коворга остида огрик, сариклик ва тана харорати кутарилганда холангитга гумон килинади

#### **Киёсий ташхис:**

1. Карияларда кечадиган ут тош касаллигининг огриксиз формаси билан.

2. Жильберг ва Криглер – Найра синдроми билан. Бунда кон зардобида глюкуронил трансфераза ферменти етишмовчилиги натижасида боғланмаган билирубин хисобида сариклик келиб чиқади. Жильберг синдромида билирубин микдори 3 мг% дан ошмайди. Сариклик инфекцион касалликлар (грипп) ва очлик пайтида ривожланади. Жильберг синдромининг оқибати яхши булиб, даво талаб қилмайди. Криглер – Найра синдроми Жильбергга нисбатан кам учраб, огир кечиши билан характерланади.

3. Унг коворга остида огрик ва сариклик белгилари юрак етишмовчи-лигида ҳам кузатилади. Сурункали юрак етишмовчилигида секин-аста, уткир етишмовчилигида эса жуда тез ривожланади.

4. Дубин - Джонсон ва Ротор синдромлари – гепатоцитлар экскретор функцияси бузилиши билан кечади.

5. Гемохроматоз (кандли диабет, жигар етишмовчилиги)

6. Сурункали фаол гепатит.

7. Бирламчи билиар цирроз.

8. Бирламчи склерозланувчи холангит.

Билирубин алмашинуви

➤ Умумий билирубиннинг микдори конда 5- 17 мк моль/л булиб, шундан 96 % боғланмаган, 4 % глюкурон кислотаси билан боғланган билирубин булади.

➤ 80% билирубин эритроцитлар парчаланишидан хосил булади. Эрит-роцитлар макрофаглар томонидан парчаланиб, хосил булган гем оксидланиб, темир сарфланиб билирубин биливердинга айланади.

➤ Жигарда билирубин метаболизми 3 фазада кечади: камраб олиш, конъюгация ва ут билан экскрецияси.

➤ Билирубин алмашинувининг ичак фазасида - боғланган билирубин ут билан 12 – бармокли ичакка тушади, узгармаган билирубин ёки бактериялар таъсирида уробилиногенга айланиб ахлат билан чиқарилади. Уробилиноген ингичка ичак ва йугон ичакда сурилиб, дарвоза венасига тушади. Уробилиногеннинг бир қисми жигарда сакланиб, бир қисми ут билан қайта ичакка тушади. Қолган қисми сийдик билан чиқарилади. Нормада уробилиногеннинг сийдик билан экскрецияси 4 мг / сут ошмайди.

Билирубин алмашинуви бузилиши механизмига караб:

✓ хосил булишнинг бузилиши,

✓ камраб олишнинг бузилиши,

✓ конъюгациянинг бузитлиши,

✓ ут билан экскрецияси бузилиши тафовут килинади.

Сариклик этиологиясига караб ҳам таснифланади:

- гемолитик

- паренхиматоз

- механик

Бу тасниф тасдиқланган булса ҳам, одатда сариклик ривожланишида бир нечта механизм иштирок этади Масалан: жигар циррозида гепатоцитлар функцияси бузилганда гемолиз кузатилади (паренхиматоз сариклик).

Билирубиннинг камраб олиш фазаси бузилиши: эркак папоротник экстракти ишлатилганда ва Жильберг синдромида кузатилади.

### **Билирубин конъюгацияси бузилиши:**

Билирубиннинг ут билан экскрециясининг бузилишида кон зардобда бог-ланган билирубин концентрацияси ошади ва билирубинурия кузатилади.

**Холестазага сабаб булиши мумкин:** Хлорпромазин, анаболик стероидларни кабул килганда, алкогольли гепатит ва жигар ёгли дистрофиясида, хомиладорликнинг уч ойлигида (хомиладорлик холестази), операциядан кейин, яхши сифатли рецидивловчи жигар ичи холестазида, Дубин - Джонсон ва Ротор синдромида, вирусли ва аутоиммун гепатитларда кузатилади.

**Ут йуллари обструкцияси.** Конда, ут йулларининг жигардан ташкари обструкциясида богланган билирубин ошиб, яккол билирубинурия булади ва ахлат окаради. Бунда билирубин микдори 5- 680 мкмоль/л ёки 30 мг% га, босим эса 2 мм.см. уст.га ошади. Бу билирубиннинг ут билан экскрециясини бузиб, сариклик ривожланишига сабаб булади.

**Дори воситаларидан кейинги сариклик:** метилдофа, салицилатлар, тетрациклин, МАО ингибиторлари, яллигланишга карши ностероид воситалар, сульфаниламидлар купинча сарикликни келтириб чикаради. Масалан: гепатоксик препаратларини кабул килганда холестаза, гепатоцитлар некрози, гранулёмалар хосил булиши кузатилади. Узок вақт кабул килинганда сурункали фаол гепатит, жигар циррози, жигар раки ва окклюзион вена синдромларини келтириб чикаради. Баъзи препаратлар (метилдофа) гемолизга олиб келади. Гемолитик анемияда сариклик ва гемоглобин микдори камаяди, ахлат ва сийдикда узгариш кузатилмайди. Гемолиз куриниши хар хил булиб, асосан огир гемолитик кризлар куринишида кечади.

Гемолитик анемия тугма ва орттирилган булади. Тугма гемолитик анемия (микросфероцитоз, талассемия) куп учрайди. Эритроцитлар хаётийлигининг кискариши ва спленомегалия – гемолитик анемияда кузатилади. Гомосексуализм, наркомания сариклик билан кечувчи касалликлар хавфини оширади.

### **Гепатомегалия билан кечадиган касалликлар. Уткир гепатит.**

Хозирги вақтда уткир вирусли гепатитнинг купгина турлари аникланган: А, В,С,Д, Е,Ф ва бошқалар. Улар куп холларда хеч кандай субъектив белгиларсиз утиши мумкин. Бундай холатларда жигарнинг катталаниши энг асосий ва ягона клиник белги булиши мумкин.

**Эпидемиология.** Бемор одам вирусли гепатит вирусининг асосий манбаи булиб хисобланади. Гепатит А - асосан фекал - орал йул оркали юкади.

Гепатит В - парентерал инъекция, операция, кон куйиш ва жинсий йул оркали утиши мумкин. Уткир вирусли гепатит икки хил типда бошланиши фаркланади. Биринчи холатда касаллик бирдан бошланиб, беморни умумий холсизлик, бош огриги, баъзида тумов, йутал безовта килади. Тана харорати нормал ёки 1-2 кун орасида субфебрил даражада сакланиши мумкин. Иккинчи холатда диспепсик синдромлар: иштаханинг йуколиши, кориннинг дам булиши, кунгил айнаш, кусиш, баъзида кучсиз миалгиялар, артралгиялар асосий урин тутади. Эпидемиологик анамнез тулик йигилмаганда, юкоридаги белгилар уткир респиратор инфекция ёки енгил овкатдан захарланиш деб ташхис килиш мумкин. Объектив курганда жигар бироз катталашган. Пайпаслаганда жигар сохасида огрик аникланади. Бундан ташкари уткир вирусли гепатитлар нафакат сарикликнинг булмаслиги балки хеч кандай субъектив белгиларсиз утиши мумкин. Вахоланки шу пайтда жигарнинг катталаниши ва кон зардобда аминотрансферазалар фаоллигининг ошиши, касалликнинг энг кузга куринган белгилари булиб келади. Л.Бианки, Х.П.Спихтин (1983йил) маълумотларига кура, 70% уткир гепатитлар сарикликсиз утади. Уларнинг субклиник формаларда кечиши аникланган. Хулоса килиб айтганда, уткир вирусли гепатитларни ташхислаш учун субъектив белгилардан ташкари эпидемиологик анамнез хамда пальпация, перкуссия катта ахамиятга эга. Лаборатор анализлар эса хусусан кондаги билирубин, АЛАТ, АСАТ микдори, вирусли гепатит маркерлари, антителалар ташхисни асослайдиган далиллар булиб хисобланади.

**Сурункали гепатитлар.** Сурункали гепатитлар жигарнинг диффуз касаллиги булиб, паренхимасини узига жалб этади. Уткир гепатитнинг 6 ой ва ундан ортик давом этиши натижасида ривожланади. Бьюгер Кавицкий айтиши буйича сурункали гепатит 100 000 аходидан 40-60 000 тасига тугри келади.

**Этиопатогенези:** Вируслар А,В,С,Д,Е,Ф ва бошқалар. Хозирги пайтда вирусли гепатитлар барча сурункали гепатитларнинг 60% ини ташкил қи-лади:

1. алкоголь истеъмол қилиш. Унинг таркибидаги метаболит ацетоаль-дегид бевосита жигарга таъсир қилади.
2. юрак, буйрак, ошқозон ости беши касалликлари.
3. захарли моддалар билан сурункали мулоқотда бўлиш.
4. моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида: Fe, Cu, канд алмашинувининг бузилиши.
5. медикаментоз сурункали гепатитлар.
6. ут пуфаги ва ут йуллари касалликлари.

**Клиникаси қараб 4 хил бўлади:**

1. Сурункали фаол гепатит.
2. Сурункали липоидли гепатит (аутоиммун)
3. Сурункали персистирловчи гепатит.
4. Сурункали холестатик гепатит.

**1. Сурункали персистирловчи гепатит.** 70-80% умумий аломатлар: кам қувватлик, дармонсизлик, тез чарчаш, озиш, психоэмоционал бузилишлар билан кечади. Огрик синдроми - огрикнинг давомийлиги ёки даврий тумтоқ, баъзида огирлик хиссиёти, эпигастрал соҳада огрикни қуриш мумкин.

**Диспептик синдромлар:** овқатланишдан кейин қунгил айниши, хусусан ёгли овқатлардан, алкоголь истеъмол қилингандан кейин огирлик, қорин шиши, газ чиқиши бузилиши, ич кетиш ёки қабзият қузатилади. Жигарга хос узғаришлар йук. Гепатомегалия урта умров қизигидан ташқарида бўлиши мумкин. Спленомегалия кам учрайди. 30% ҳолларда у ёки бу маркерларни аниқлаш мумкин. 40-60 % ҳолларда Нbs антигени аниқланади. Жигар синамалари 15-20% ҳолларда нормада бўлади. Қуп ҳолларда қонда АЛАТ ошади. ХПГда сариклик қузатилмайди, йиллар давомида безовта қилмаслиги мумкин.

**2. Сурункали фаол гепатит.** Қупрок эрқакларда 15- ёшда учрайди. Қасаллик авж олган вақти юқумли ҳисобланади. Қасаллик секин бошланади.

1. Астенизация симптомлари намоён бўлади.
2. Огрик.
3. Диспепсик.
4. Геморрагик симптомлар: бурун, ошқозондан қон кетиши.
5. Сариклик симптоми қузатилади.
6. Иситма симптомлари қузатилади

Беморнинг териси, склералари саргайган, қичик белгилар: пальмар эритема, қсантома, гинекомастия, телеангиоэктазияларни қуриш мумкин. Физикал текширишда гепатоспленомегалия белгилари қурилади, АЛТ, АСТ, ГГТ фаоллиги ошади, гипербилирубинемия, тимол синамаси «+», глобулин микдори ошади. Қасаллик 3-15 ойгача давом этиши мумкин, % ҳолларда циррозга утади.

**3. Сурункали аутоиммун гепатит.** Қупинча 15 ёшдан 25 ёшгача, 45 ёшдан 9 ёшгача бўлган аёлларда қуп учрайди. Сурункали фаол гепатитга хос бўлган белгилардан ташқари беморлар тана хароратининг қутариллиши, бугимларда, қоринда огриклар, терида тошмаларга шикоят қилади. Объектив қурганда беморнинг ранги оқарган, жигар ва талок қатталашган, шишларнинг борлиги аниқланади. Биокимиёвий таҳлилларда гиперферментемия юқори даражада, гипергаммагло-булинемия, тимол синамаси «+», антителалар титри ошган, баъзида ЛЕ хужайралар топилади.

**4. Сурункали холестатик гепатит.** Бу узок вақт давомида сариклик ва терининг қичиши, қуп холатларда билиар цирроз билан яқунланадиган қасаллик. Бунда жигар ичи ут йуллари зарарланиши ва жигар ичи холестази қузатилади.

**Этиология.** Сурункали холецистит ут-тош қасаллиги, ут йуллари диски-незияси, аллергиял холецистит натижасида ривожланиши мумкин.



**Эпидемиология.** Сурункали холестатик гепатит билан касалланган бемор-лар асосан ёши 60 дан ошган, атрофдагилар учун юкумли эмас.

**Клиникаси:** Сариклик, тери кичиши, тана хароратининг кутарилиши, корин сохасида огрик, дискомфорт, умумий холсизлик, иштахасизлик, ксантелаз-малар, талок катталашини хам учрайди. Лаборатор тахлилларида конда холестерин, боғланган билирубин, ишкорли фосфатаза ошади. Сийдикда ут пигментлари топилади, ЭЧТ (эритроцитлар чукиш тезлиги) ошиб, лейко-цитоз кузатилади. АЛТ, АСТ нормага якин булиши мумкин.

**Жигар циррози.** Жигарнинг сурункали диффуз касаллиги булиб, жигарда кушувчи тукима усиб, унинг нормал архитектоникаси бузилади. Биринчи марта Лаэннек томонидан аниқланган.

**Таркалиши:** хар 100 000 ахолига 20-30 та цирроз ривожланади. Бутун дунеда 10-15 % ни ташкил килади.

**Этиологияси:** сурункали гепатитлар этиологиясидек. Галактеземия, жигар ичи ва жигардан ташкари ут йуллари обструкцияси натижасида билиар цирроз ривожланади. Кон айланиш бузилиши натижасида келиб чиқадиган циррозлар Пик цирроз дейилади.

**Морфологияси:** жигарда узок давом этувчи диффуз яллиғланишнинг эволюцион финали булиб, регенерация тугуни хосил булиши хисобланади.

Таснифи (Мексикада кабул килинган):

1. Макронодуляр
2. Микронодуляр
**Кардия етишмовчилиги** – ошқозон бушлигида босимни ошишида овкат регургитацияси юзага келади, яра, сил, эзовагит невростеникларида кузатилади. Рентген текширишларда кардиянинг тусиксиз утказиши аникланади. **Даволаш:**

Уткир эзофагит ривожланганда:

а) бир неча инфекцион касалликлардан кейин кайсики инфекцион жараён ютишда пастки кисмларга таркалиши мумкин булган;

б) ёт жисмлар билан механик жароҳатланишда;

в) ута совук ёки ута иссик овкатлар билан шилликнинг таъсирланишидан.

**Клиника** – дисфагия, туш орқасида огрик баъзида кусиш.

Эзофагоскоп шиллик каватнинг гиперемиясини курсатади.

**Сурункали эзофагит** – веноз димланиш асосидаги актиномикозда яра касаллигида секин, уткир, лекин бирламчи ривожланиши мумкин. **Коррозив гастрит** – таъсирловчи моддалар, ишкорлар, уксус кислота ва б.к. билан кимёвий куйиш оқибатида ривожланади. Коррозив моддалар букиши, оксиллар коагуляцияси билан куйишни чиқаради. **Клиника** – ютишда кучли огриклик туш орқасида куйдирувчи огрик, конли, шилликли кусиш, температура, уткир йирингли медиастенит. **Даволаш** – пархезли физиотерапевтик, медикаментозли. **Сурункали гастрит** – ошқозон шиллик каватининг сурункали яллигланиши булиб, структурасининг қайта тузилиши ва секретор, мотор, инкретор функцияларининг бузилиши билан ошиб борувчи атрофияланиши билан характерланади. Хозирги вақтда сурункали гастритнинг тарқалган классификациясини (1973) қайсини сурункали гастритнинг А типини – аутомимунли ва сурункали гастритнинг В тип – катта кисми компиобактерия билан инфекцияланишга боглик – инфекционли турлари кабул қилинган.

**Сурункали гастрит А** – бу аутоиммун гастрит. Купрок В 12 дефицити анемия учун характерли классик аутоиммун касаллик ошқозон шиллик каватидаги копловчи хужайраларга аутоантителло ишлаб чиқариш билан намоён булади. В 12 – дефицит анемия билан боглик булмаслиги ҳам мумкин. А гастрит турида гастрин ишлаб чиқарувчи б – хужайралар сони ошади. Ошқозон ширасида ва конда гастритнинг ошиши ошқозон шиллик каватининг НС 1 билан атрофияланишини билдиради. Гастрит продукцияси ошишининг коида буйича қайта богланиши йук.

**Сурункали гастрит В** – купрок пилорик компилобактериялар билан инфекцияланишига боғлиқ. У антрал кисмини заралайди, кейинчалик йундао кисмига жараён таркалиши мумкин. В гастритнинг 2 та формаси ажратилади: - касалликнинг антрал эрта боскичи, секретор етишмовлигисиз ва диффуз, кечки боскичи секретор етишмовчилиги билан.

Сурункали гастрит классификацияси (Т.Я. Григорьев, Э.П. Вдовенко (1990)

I.Морфология:

1.Сурункали гастрит А типи.

2.Сурункали гастрит В типи.

Антрал формаси, диффуз формаси.

3.Сурункали гастрит, аралаш А+В атрофияли.

II.Кислота хосил килувчи функционал холати:

1.Сурункали гастрит юкори ва нормал секрецияси билан.

2.Сурункали гастрит секреция етишмовчилиги билан

1. уртача

2. умуман

III. Касаллик фазаси –

1. Кузиш.

2. Ремиссия

#### СУРУНКАЛИ ГАСТРИТНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

(С.М. Рысс. (1974), А.Л. Гребень (1981)

1.Этиологик белгиси

А) бирламчи экзогенли (алиментар зарарликлар – алкоголь ичиш ва чекиш, касб зарарликлари),

Б) иккиламчи эндогенли – рефлексор. Нейроэндокрин, токсикометаболик, метаболик.

II Морфологик белгиси:

1.Юза - атрофиясиз, безлар шикастланиши Билан

2.Атрофик.

3.Гипертрофик.

III. Жойлашиши:

- таркалган

– чегарали

IV. Функционал белгилари:

- секреция сакланган ёки ошган:

- секреция етишмовчилиги билан:

- уртача ифодаланган.

V. Клиник белгиси:

А) Компенсацияли:

Б) декомпенсацияли

VI. Алохида турлари:

- ригидли,

- гигантли,

- гипертрофик,

- полипозли,

- эрозивли.

VII. Сурункали гастритнинг бошка касалликлар билан кечиши.

1990 йил Сиднейдаги гастроэнтерологлар халқаро конгрессида сурункали гастритнинг куйидаги классификацияси қабул қилинди:

1. Эндоскопия: эритематозли экссулативли гастрит – шиллик каватида догсимон гиперемия. Шиллик эрозив гастрит – эрозияларнинг қуриниши, атрофик гастрит, ичак метапоазияси булиши мумкин, геморрагик, гиперпластик.

II. Гистология: шиллик узгаришлари, яллигланиш типи, атрофия активлиги, компилобактерия иштирокидаги ичак метаплазияси бахоланади.

III. Топография:

антрумда.

танада жойлашиши.

IV. Этиология - аутоиммун кампилобактериялар алохида формаси.

Экзоген омиллар: овкатланиш режимининг бузилиши, жуда иссик, совук, механик ва химик таъсирловчи овкатларни истеъмом килиш, чекиш, алкоголь истеъмом килиш, овкатни ёмон аралашини, ошкозонни таъсирловчи дориларни узок истеъмом килиш. Ностероид яллигланишга карши воситаларни, глюкокортикоидлар, силга карши воситалар кабул килиш. Касб зарарликлари, нерв-психик стресс, овкат аллергияси, даволанмаган уткир гастрит. Эндоген факторлар: корин аъзолари касалликлари, бурун халкум сур, инфекцияси, эндокрин системаси касалликлари, моддда алмашинувининг бузилиши, подагра, семириш, темир дефицити, тукима гипоксияга олиб келувчи сурункали упка-юрак, ихтиёрый генезли кон айланиш етишмовчилиги, аутоинтоксикация, кетоацидозли кандли диабет, СБЕ, генетик омил. Клиника ва диагностика. Сурункали гастрит секрет етишмовчилиги билан. Огирлик таранглашиш, корин сохасида бугик огрик, кунгил айриши, пиорексия, огизда ёкимсиз хид, сассик кекириш, корин гулдурраши, ич кетиш, стоматит, соч тукилиши, тилнинг намланиши, поли- гипо витаминоз симптомлари, терининг куруклиги, тирнокларда трофик узгаришлар, озиш, демпинг – синдромининг кучсиз ифодаси, куп терлаш, сутни ёмон утказилиши, тез-тез панкреатит, иккиламчи гепатит, холецистит, энтероколит. Ошкозон шираси – базал секреция HCL 0,8 ммоль/с, максимал гистаминли секреция 10 ммоль/с гача. Рентген текширишда шиллик кават рельефи силликлашган, тонус ва перистальтикаси суст, ошкозон таркиби эвакуациясининг ошиши аникланади. ФГДС: шиллик каватнинг диффуз учокли юпкалашиши, ранги оклиги, конли томирлар куришган холатда. Даволаш: Этиологик даволаш, режимни ва овкатланиш характерини, МНСси функционал холатини нормаллаш, касб зарарликларини йукотиш, корин аъзолари касалликларини даволаниш.

Патогенетик даволаш.

1. Ошкозоннинг узгарган шиллик каватига таъсис этиш.

2. Ошкозон секрецияси бузилишини коррекциялаш.

3. Бузилган мотор функциясини коррекциялаш.

4. Бузилган ичак овкат хазм килишини коррекциялаш.

Асосий патогенетик факторлар.

Яллигланиш жараёни ривожланиши билан ошкозон шилли кавати ва безларнинг шикастланиши.

Дифференциация жараёни устидан пролиферация жараёни устун булиши билан ошкозон эпителийси регенерация жараёнининг бузилиши, СГ да хужайралар котиб колади, тез улади. Узининг махсус хусусиятларини йукотади, НС, пепсин ишлаб чикариш хусусиятидан махрум булади (безли хужайралар сони камаяди).

Простогландин метаболизми ва гастроинтестинал гормон ишлаб чикарилиши бузилиши билан боглик без секрециясининг регуляция узгариши.

Махаллий микроциркуляцияни бузилиши.

Ошкозонда дуоденал таркиб регуляциясининг, мотор-эвакуатор функцияси регуляциясининг бузилиши.

ОНТ (ЖКТ) шиллик кавати хужайраларига аутоантитело пайдо булиши билан иммунологик бузилиши, HCL ишлаб чикариши СГ нинг А типи учун хос.

Клиника ва диагностика. Сурункали гастрит нормал ёки ошган секреция, куйиш нордан кекириш, огирлик. Овкатлангач коринда бугик огрик. Баъзида очликда, тунги, кабзиятга мойиллик, коринда пальпацияда огрик. Ошкозон шираси: HCL базал секрецияси нормал ёки 10 ммоль/с гача ошган, максимал гистаминли секеция 35 ммоль/с гача. Рентген текшириш – гиперсекреция белгилари зичлашган катламда билан шиллик кават рельнфининг таркалган



кайта курилиши тонус ва перистальтикасининг бузилиши. ФГДС - кизариш, катламлар гипертрофияси, шиш, шиллик борлиги.

## ИНТЕРФАОЛ УСУЛ

### “РУЧКА –СТОЛ МАРКАЗИДА” иш ўйинини ўтказиш усули:

#### Иш учун зарур:

1. Алоҳида варақларда босилган саволлар.
2. Тоза қоғоз варақлари, ручкалар.
3. Иш дафтари.

#### Ишнинг бориши:

1. Жами талабалар қуръа бўйича 4 та кичик гуруҳга 2-3 тадан бўлиб бўлинадилар.
2. Барча кичик гуруҳ вакиллари алоҳида столга ўтириб, тоза варақ ва ручка тайёрлайдилар.
3. Қоғоз варағида сана, гуруҳ рақами, факультет, талабаларнинг Ф.И.Ш. (иш ўйининг номи) ёзилади.
4. Ҳар бир гуруҳга аниқ бир саволга жавоб бериш шarti қўйилади.
5. Ҳар бир талаба варақда ўз фамилияси ва 1 та тўғри жавоб варианты ёзиб қўшнисига узатади, ўз ручкасини эса стол марказига суриб қўяди.
6. Педагог кичик гуруҳ ишини ва талабалар қандай қатнашаётганликларини назорат қилади.
7. Тўғри жавоб вариантини берган талабалар оғзаки қисм учун мах. рейтинг баллининг 100% - 100 олади,  
2 – ўринни эгаллаган талабалар 80%-80 балл.  
3 – ўринни эгаллаганлар 60% -60 балл оладилар.
8. Жавоб ёзилган вараққа домла балл ва имзо қўяди.
9. Талабалар олган баллар жорий баҳода назарда тутилади.
10. Жариданинг пастки қисмида иш ўйин ўтказилган кун белгиланиб, гуруҳ сардори ўз имзосини қўяди.

**5 – мавзу: Қоринда огрик билан кечувчи ошқозон-ичак йўллари патологияси билан боғлиқ бўлмаган қиёсий ташхиси: абдоминал эпилепсия, даврий касаллик, ревматизм, геморрагик иситмалар, геморрагик васкулитлар, антикоагулянтларни назоратсиз қабул қилиш, безгак, порфирия, тугунчали периартериитлар.**

**5.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 5 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси	Амбулатор шароитда қориндаги огриклар билан кечувчи ошқозон-ичак йўллари патологияси билан боғлиқ бўлмаган касалликлар қиёсий ташхисотини талабаларга ургатиш Амбулатор шароитда абдоминал эпилепсия, даврий касаллик, ревматик иситма, геморрагик васкулитлар, безгак, порфирия, тугунчали периартрит каби касалликларнинг қиёсий ташхисотини ўрганиш. УАВ тактикасини аниқлаш
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Амбулатор шароитда қориндаги огриклар билан кечувчи ошқозон-ичак йўллари патологияси билан боғлиқ бўлмаган касалликлар қиёсий ташхисотини талабаларга ўргатиш. УАВ тактикасини аниқлаш.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

**5.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси.**

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (15 дақиқа)	1. Аудитория тозалигини назорат қилади 2. Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун такдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	
2 – асосий босқич 150-дақиқа	1.Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради. «Ручка-стол марказида» иш уйинини ўтказиш усули Бутун гуруҳга топшириқ берилади. Ҳар бир талаба вазифани ёзади ва ёнидаги талабага узатади, ручкани стол ўртасига қуяди. Ўқитувчи талабани текширади ва талабалар тўғри жавобларни ўз	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга

	дафтарларига кўчирадилар, бунда талабанинг назарий билими баҳоланилади 2. Кўргазмали плакатлардан фойдаланади 3. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади 4. Даволаш ишларини олиб боради 5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди	жавоб берадилар
3. Якуний боскич (45 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами (225 дақиқа) (5 соат)		

### Мавзу баёни

**Абдоминал эпилепсияда** юрак нуқсонининг шаклланган муҳитида, аксарият аорта нуқсонида, инфекциян эндокардитни инкор қилиш керак. У ҳолда яқин анамнездаги бактерияли инфекцияни-инфицирланган жароҳатларни, йирингли инфекцияларни ва бошқаларни (инобатга) олиш керак. Инфекционли эндокардитда беморлар кескин ҳолсизликка, ориқлашга, эт увишишига, суякларда ва мушакларда оғрикка, кучли артралгия ёки кўчиб юрувчи (мигрирующий) артритга шикоят қиладилар. Инфекцион ар-тритга куйидаги белгилар хос: эт увишиб, терлаш билан узоқ давом этувчи ремиттирли, гоҳида интермиттерли иситма, тери қатламларини бўзариши, тирноқлар соат ойнаси, бармоқлар учи эса «ноғора чўпи» шаклида ўзгариши, тромбоземболияларга мойиллик, диффузли гломерулонефрит, васкулитлар ва гепатоспленомегалия ривожланиши, жадаллашувчи анемия, ревматоид омилларни аниқлаш, кескин гипергаммаглобулинемия, бактеримия катта ташхисий аҳамиятга эга.

**Тугунчали периартрит (ТП)** бошаланиши даврида ревмокардит симптомларига ўхшаш кўринишда ривожланади. ТПни ревмокардитдан фарқлаш учун баъзи ички аъзолар (бўғимлар, юрак, перикард, ўпка, буйрак, талокнинг специфик шикастланишини инобатга олиш лозим. ТПда ревматизмдаги ўзгаришлардан фарқли ўлароқ тери зарарланиши - «корин огриги» симптоми, лейкопения, анемия, ЭЧТ кескин ошиши, фармол синамаси мусбатли, , картикостероид давонинг самарадорлиги кузатилади.

**Ревматик васкулит** кўп қиррали (полиморфли) – жараён ўткирлигига, шикастланган аъзо ва системалар сони ва табиатига (характерига), касаллик бошланишида беморнинг тиббий ёрдамга мурожат қилган даврига, даволаш натижаларига боғлиқ. Ревматизм одатда стрептококкли томок, бурун инфекцияси билан касалланишдан(ангина, сурункали тонзиллит, гайморит) 1,5-4 хафта ўтгач бошланади. Қайта хуруж қилишда (рецидивда) бу муддат киска (1-2 кун) бўлади. Хасталик иситмалаш (харорат кўтарилиши аксарият 37,5—38,5°C, кам холларда 39-40°C), титроксиз терлаш билан кузатилади. Ревматизмда энг кўп зарарланадиган аъзо юрак ҳисобланади. Ревматикли жараён юракнинг ҳамма қаватини шикастлайди, лекин асосан эндомиокардит (ревмокардит) типиди ривожланади. Ревмокардит бирламчи (биринчи хуруж) ва қайталанувчи (такрорланувчи хуружлар), шаклланган қопқоқ нуқсонлари ёки уларсиз бўлади.

**Геморрагик васкулит.** Аутоиммун жараёнлар таъсирида тож артериялар яллиғланиши (ревматикли коронаритлар) майда ўчоқли миокард инфарктини чақиритиши мумкин. Мия артерияларининг ревматизм билан зарарланиши ўткинчи парезларни ёки менингоэнцефалит синдромини вужудга келтириши мумкин.

**Баъзи холларда** қайталанувчи, кўпинча, чўзилувчан кориндаги огрикни миокардитнинг оғир, жадаллашувчи Абрамов-Фидлер тури билан фарқлаш керак. Бунда тери қатламлари бўзарган, цианотик кулранг, юз кериккан (салкиган). Юрак соҳасидаги доимий кучли оғрик,

кескинлашувчи хансираш, ҳолсизлик, дори-дармонлар таъсирининг са-марасизлиги, жадаллашувчи қон етишмовчилиги беморда ваҳима, кўркув ҳолатини вужудга келтиради. Текширилганда тахикардия, гипотония, юрак ҳажмининг катталаш-ганлиги, юрак товушларининг бўғиқлашганлиги аниқланади. Мушакли систолмк шовқин билан бир қаторда баъзи беморларда мезодиастолик шовқин, от дупури ритми, эк-страсистолия эшитилади.

### **ИНТЕРФАОЛ УСУЛ**

**“РУЧКА –СТОЛ МАРКАЗИДА” иш ўйинини ўтказиш усули:**

#### **Иш учун зарур:**

4. Алоҳида варақларда босилган саволлар.
5. Тоза қоғоз варақлари, ручкалар.
6. Иш дафтари.

#### **Ишнинг бориши:**

8. Жами талабалар қуръа бўйича 4 та кичик гуруҳга 2-3 тадан бўлиб бўлинадилар.
  9. Барча кичик гуруҳ вакиллари алоҳида столга ўтириб, тоза варақ ва ручка тайёрлайдилар.
  10. Қоғоз варағида сана, гуруҳ рақами, факультет, талабаларнинг Ф.И.Ш. (иш ўйининг номи) ёзилади.
  11. Ҳар бир гуруҳга аниқ бир саволга жавоб бериш шарти қўйилади.
  12. Ҳар бир талаба варақда ўз фамилияси ва 1 та тўғри жавоб варианты ёзиб қўшнисига узатади, ўз ручкасини эса стол марказига суриб қўяди.
  13. Педагог кичик гуруҳ ишини ва талабалар қандай қатнашаётганликларини назорат қилади.
  14. Тўғри жавоб вариантини берган талабалар оғзаки қисм учун мах. рейтинг баллининг 100% - 100 олади,
- 2 – ўринни эгаллаган талабалар 80%-80 балл.
- 3 – ўринни эгаллаганлар 60% -60 балл оладилар.
8. Жавоб ёзилган вараққа домла балл ва имзо қўяди.
  9. Талабалар олган баллар жорий баҳода назарда тутилади.
  10. Жариданинг пастки қисмида иш ўйин ўтказилган кун белгиланиб, гуруҳ сардори ўз имзосини қўяди.

**6 – мавзу: «Ўтқир қорин» клиникасини тасвирловчи кўкрак қафаси аъзолари касалликларининг ташхиси ва қиёсий ташхиси: миокард инфаркти, перикардит, крупоз зотилжам, плеврит. Тез ёрдам. Шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалар.**

**6.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 7 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси	утқир қорин билан кечадиган кукрак қафаси органлари касалликларини ташхис қилиш ва биринчи ёрдам беришни ўргатиш.
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Талабаларга утқир қорин билан кечадиган кукрак қафаси органлари касалликлари хақида маълумот бериш.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

**6.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси.**

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (10 дақиқа)	1. Аудитория тозалигини назорат қилади 2. Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	Тинглайдилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	Тинглайдилар Ёзиб оладилар
2 – асосий босқич 245-дақиқа	1.Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради.  <b>ИНТЕРФАОЛ УСУЛ</b> <b>“МУАММОНИНГ ЕЧИМИ” иш ўйини:</b>  <b>Иш учун зарур:</b> .Алоҳида варақда чоп этилган топширик вариантлари ва вазиятли масалалар тўплами. .Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар сонига қараб, қуръа ташлаш учун сонлар. Ўйинни оғзаки утқизиш мумкин. (ёзма ҳам утқизиш мумкин.).  2. Кўргазмали плакатлардан фойдаланади 3. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади 4. Даволаш ишларини олиб боради	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар

	5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди	
3. Якуний босқич (45 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами:		

### Мавзуга оид саволлар:

1. «Ўткир қорин» клиникасини тасвирловчи кўкрак қафаси аъзолари касалликларининг ташхиси ва қиёсий ташхиси: миокард инфаркти, перикардит, крупоз зотилжам, плеврит.
2. Тез ёрдам.
3. Шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалар
4. Ўткир қорин синдроми билан кечувчи касалликларни профилактикаси ва реабилитацияси.

### Мавзунинг баёни

Ўткир қорин хирургик шошилиш холат бўлиб ушбу симптомлар билан характерланади:

1. Кориндаги оғрик
2. Корин пардаси таъсирланиш симптомлари
3. Диспептик бузилишлар

Миокард инфаркти. Тож томирлардан бирининг тромб билан бекилиши ёки торайиш натижасида миокарднинг бир қисми озикланмасдан некрозга учраши туфайли содир бўлади. Клиник қуриниши миокардни канча қисми зарарланганлигига боғлиқ. Касаллик купрок гипертониялар, атеросклероз, ортикча ёғ босиш ва кучли стресслар билан боғлиқ.

Миокард инфаркти кечишида 5 давр ажратилади.

I. Эрта давр бўлиб, стенокардия хуружлари тутиб туриши билан тавсифланади.

II. Ута ўткир давр-миокарднинг ўткир ишемиясидан то некроз ўчоки пайдо бўлишининг илк белгиларига қадар давом этади (0, 5-2 соат). Бу даврда тўш суяги оркасида кучли оғрик пайдо бўлиб, чап ва ўнг кўкрак соҳаси бўйлаб тарқалади. Атипик турида хатто қорин бўшлиқига ҳам тарқалиши мумкин. Беморда юрак ритми бузилиши, холсизланиш, кўнгил айниши, кайт килиш, хаво етишмаслиги, артериал босимнинг кескин тушиб кетиши, эс-хушини йўқотиш кузатилади.

III. Некроз ўчоки шаклланиши даври (давомийлиги 2-10 соат). Бунда ҳам оғрик сақланади, беморнинг умумий аҳволи оқирлигича қолади. Бунга сабаб юрак етишмовчилиги ва кон босимининг пастлигидир. Бу даврда некрозланган миокард юмшайди (миомаляция) ва ўта нозиклашиб қолади. Бемор юрак ёрилиши (тампонада) аритмиялардан ёки оғрик натижасида келиб чиқадиган кардиоген шокдан халок бўлиши мумкин.

Бу давр миокард некроз соҳалари ялликланиши билан кечгани сабабли тана харорати кўтарилиши, нейтрофил лейкоцитоз, ЭЧТ ошиши кузатилади.

IV. Чандикланиш даври. Оғрик йўқолиб, ялликланиш белгилари сусаяди.

V. Инфарктдан кейинги давр.

БТЕ. Тўқри ёрдам кўрсатиш учун миокард инфарктини стенокардиядан фарқлай олиш лозим. Инфарктга хос белгилар оғрик узок давом этиши, юрак томир фаолиятининг сусайиши, нитро препаратлар ва валидол таъсирида босилмаслиги, ЭКГ курсаткичларининг узгаришидир.

Миокард инфарктида шошилиш ёрдам тадбирлари қуйидагилар:

1. Беморни зудлик билан махсус кардиологик бригадани чақириб шифохонага жўнатилади. Улар етиб келгунича юрак ва нафас фаолияти бузилган тақдирда уларни тиклаш лозим бўлади. Беморни ҳаракатлантириш мутлақо ман этилади.

2. Беморга зудлик билан оғрик қолдириш учун наркотик анальгетиклар-морфин, омнопон, пантопон ва б. қилинади, оқир холларда азот (I) оксиди хидлатилади.

3. Конни суялтириш учун гепарин 70-10000 ТБ да 200 мл изотоник эритма билан венага томчилаб юборилади. Бунда протромбин кўрсаткичини назорат қилиш лозим.

4. Аритмия кузатилганда аритмияга карши –новокаинамид, анарилин, этмозин, лидокаин, аймалин ва б. берилади.

5. Юрак гликозидлари-строфантин, коргликон адонис препаратлари берилади.

6. Кардиоген шок ривожланса мезатон, норадреналин, натрий хлорид ёки глюкоза эритмаси ишлатилади.

7. Юрак тўхтаб колса адреналин юборилади, бу хам ёрдам бермаса, дефибрилляция ўтказилади.

Миокард инфарктини ўтказган одамга спорт билан шукулланиш, рационал овқатланиш, рухий сикилишдан сакланиш, профилактика учун аспирин ичиш тавсия этилади. Миокард инфарктининг атипик шакллари - 20 фоиз инфаркта кузатилади. Гастралгик шакли купинча уткир корин клиникаси билан кечади. Гастралгик (абдоминал) тури - огрик хуружи қорриннинг юқо-ри қисмида (эпигастрия соҳасида) вужудга ке-лиши ёки шу соҳага тарқалиши билан характерланади. Хасталикнинг мазкур тури кўпинча чап қоринчанинг орқа девори ёки орқа ён деворининг пастки қисмида жойлаш-ган миокард инфарктида кузатилади ва ўткир миокард инфарктининг 2-3 фоизини ташкил қилади. Тўш суяги орқасидаги ёки юрак соҳасидаги оғрик эса, аксарият, чап қоринчанинг олдинги ёки олдинги -ён девори миокард инфарктида юз беради. Бир вақтда диспепсик шикоят-лар: ҳаво билан кекириш, ҳиқичоқ тутиш, кўнгил айниши, қусиш, қориннинг дам бўлиши, ич кетиш вужудга келади. Қоринни пайпаслаганда эпигастрия соҳасида огрик мавжудлиги, мушак қаватининг тарангланиши аниқла-нади. Баён қилинган меъда-ичак фаолиятининг бузилиш-лари, меъда яра ёрилиши, ўт касаллиги хуружи, ўткир панкреатит ва холецистит ёки овқат билан захарланнш нотўғри ташхис қўйишга олиб келиши мумкин; шу билан бирга бу хасталикларда ҳам ҳарорат кўтарилиши ва лей-коцитоз аниқланади. Ташхис қўйишда янглишмаслик учун ҳар хил корин оғриғида ЭКГ текширишини ўтказиш шарт. Миокард инфаркти гастралгик турининг корин бушлигидаги купчилик аъзолар касаллик-лари (уткир гастрит, меъда ва ун икки бармок ичак яраси тешилиши, уткир панкреатит ва холецистит) билан ухшашлигининг мавжудлиги ташхисни кийинлаштиради. Бу вазиятда анамнез маълумотларини синчиклаб урганиш (олдинги йилларда ўтказилган касалликлар-ни, мазкур хасталикни бевосита вужудга келтирувчи сабабларни аниқлаш), Ўтибор билан беморни текшириш, ЭКГ ва лаборатория курсаткичлари муҳим аҳамият кашф этади. Корин бушлиги аъзолари касалликларига кучли ва давомли огрикнинг типик жойлашиши ва тарқалиши, такрорланувчи қусиш, метиоризм характерлидир.

### КРУПОЗЛИ ЗОТИЛЖАМ

Таърифи. Крупозли зотилжам - упканинг бутун булаги ёки унинг 1-2 сегменти зарарланиши, цикл билан кечиши ва жараёнга упкани ураб турган плевра варакаларининг тортилиши (плевропневмонит), ҳамда упка алвеолалари ва майда бронхлар сатхини коповчи фибринли экссудат ривожланиши билан кузатиладиган касаллик.

Крупоз зотилжамида асосий узгаришлар нафас аъзолари, юрак, кон томир ва нерв тизимларида кузатилади. Касаллик клиник 3 боскичда кечади.

Хасталикнинг бошлангич даври - патанатомияда куйилиш даврига тугри келади.

Пайпаслаганда овоз титрашининг кучайиши аниқланади.

Перкуссияда - бугикрок тимпаник товуш эшитилади.

Аускултакияда - упка тукумаси эластиклиги ва алвеола деворлари таранглашишининг пасайиши, ҳамда алвеолалар ичида яллигланиш экссудати тупланиши туфайли везикуляр нафас сусайган.

Нафас олиш чуққисида бошлангич крепитация (crepitacio in dux). содир булади.

Плевра варакаларининг ишқаланиш шовқини эшитилади.

Касалликнинг шаклланган (авж олган) даври паталогоанатомик кизил ва кулранг боскичига мос келади.

Пайпаслаганда упканинг зарарланган соҳасида товуш титраши кучаяди.

Перкуссияда бугик товуш ифодаланган (якколлашган).

Аускультацияда - упка тукумаси зичлашганлигини курсатувчи бронх нафаси эшитилади.

Тузалиш даври - паталогоанатоллик сурилиш боскичи экссудат суюклаша бошлаши билан алвеолаларга хаво кириши натижасида:

□ Пайпаслаганда товуш титраши меъерига келади.

□ Перкуссияда - бугик товуш пасайиб, билинар-билинемас тимпаник охангда ялигланиш бутунлай сурилиб кетганда упка товуши эшитилади.

□ Аускултацияда - бронх нафас сусаяди, кейинчалик везикуляр нафасга утади, охирги даврда крепитация редукс (сгеритасіо гедукс) пайдо булади, кейинчалик йуколади, экссудат сурилиши натижасида майда пуфакчали жарангли нам хириллашлар эшитилади.

**КИЁСИЙ ТАШХИС:** Крупозли зотилжамни уткир бронхит, кайталанган сурункали бронхит, учокли зотилжам, экссудатли плеврит, огизсимон сил зотилжами, упка абцесси ва инфаркти билан киёсланади.

· Учокли кушилган (сливной) зотилжамдан фарки крупозли зотилжам уткир бошланади. Учокли зотилжамда эса касалланишдан олдин бронхит белгилари намоён булади. Бундан ташкари бронх нафаси, зангсимон балгам, бурун ва лаб четларидаги тошмалар, юкори нейтрофилли лейкоцитоз, пешобда уробилин, конда фибриноген микдорининг купайиши купрок крупозли зотилжамга тааллуclidир.

Экссудатли плевритда, катта хажмли крупоз зотилжамдан фарки, овоз дириллаши, бронх нафаси ва лейкоцитозлар кузатилмайди; кукс оралиги аъзолари карама карши томонга силжийди, рентген текшируви ва плевра пункцияси плевра бушлигида суюклик борлигини аник курсатади, гемограмма одатда узгармайди. Огизсимон сил зотилжами билан крупоз зотилжамининг умумий белгилари (тана хароратининг кутарилиши, упканинг юкори булаклари зарарланиши, интоксикациянинг ифодаланганлиги, зангсимон балгам, бронх нафаси, нам хириллашлар) ухшаш. Кукрак кафасини рентген текширувлари, балгамда Кох таёкчасининг топилиши ва умумий антибиотиклар давосининг самарасизлиги огизсимон силни тасдиклайди. Крупоз зотилжам носпецифик даво воситалари таъсирида 1,5 хафта ичида тузалса, сил жараёни специфик даво таъсирида хам бундай тезликда тузалмайди. Упка инфарктида курак кафасидаги огрик, кон аралаш балгам ажралиши, перкутор товушни бугиклашганлиги, аускултацияда дагал везикуляр ёки бронх нафаси, жарангли нам хириллаш, плевранинг ишкालаниш шовкиннинг эшитилиши крупоз зотилжамни эслатади. Бундай холатда рентген текшируви тугри ташхис куяди.

## ПЛЕВРИТЛАР

Плеврит - плевра варакаларининг ялигланиши булиб, плевра сатхида фибринсимон налет содир булади ёки унинг бушлигида экссудат йигилади. У одатда иккиламчи касаллик - упкадаги купгина патологик жараёнларнинг ёки кам холларда плевра бушлигига якин турувчи бошка орган ва тукималар (курак кафаси, кукс оралиги, диафрагма, диафрагма ости майдони) касалликларнинг синдроми ёки асорати хисобланади. Бирламчи плеврит жуда кам учрайди ва шикастланиш ёки плевра мезотелиомаси окибати хисобланади. Курук (фибринсимон) ва экссудатли (нам) плевритлар фаркланади.

### КУРУК ПЛЕВРИТ.

Клиник куруниши. Касаллик тусатдан бошланади.

Шикояти. Асосий белгиси огрик. Кукрак кафасининг шикастланган тарафининг олдинги ва ён бош сохаларида жойлашади. Купинча буйинга ва елкага караб таркалади. Чукур нафас олганда, йуталганда, кучанганда, сог томонга энгашганда кучаяди, жарохатланган томонга ён бошни босиб ётганда камаяди.

· Йутал курук ёки жуда кам микдорда балгам ажралиши билан кузатилади.

· Яна эт жунжикиши, тана хароратининг кутарилиши, бехоллик, лохаслик, иштаха пасайиши безовта килади.

Куздан кечирганда тери копламлари бузарганлиги, лаб кукариши, нафас олишнинг тезлашганлиги, юзакилиги, курак кафасининг нафас харакатидан оркада колиши кайд килинади. Пайпаслаганда зарарланган томонда мушаклар огриши ва таранглиги аникланади. Перкуссияда упка тукумасида инфильтрация булмаса узгариш кузатилмайди. Аускультацияда хасталикнинг асосий белгиси - плевранинг ишкालаниш шовкини аникланади. Везикуляр нафас




яллигланиш соҳасида сусайган. Рентген текширишида диафрагманинг юкори туриши ва нафасдаги харакатининг чегараланганлиги аникланади. Кон синамасида одатда узгаришлар кузатилмайди, кам холларда нейтрофилли лейкоцитоз, ЭЧТ ортади.

Кечиши. Курук плеврит ёшларда енгил кечади, одатда 1-3 хафтада согайиш билан тугайди. Гоҳида упкада сил жараёнининг фаоллигини тасдикловчи рецидивлар кузатилиши мумкин. Плевра бушлигига суюклик йигилса, курук плеврит экссудатли турига утади.

Ташхиси. Кукрак кафасида чукур нафас олганда ва йуталганда кучаядиган огрикка, плевранинг игшкालаниш шовкинига асосланиб куйилади.

Киёсий ташхиси. Курук плеврит крупозли зотилжам, спонтанли пневмоторакс, кобиргалар аро невралгия, нейромиозитлар, перикардит, корин бушлигининг уткир касалликлари (уткир холецистит, аппендицит) билан фаркланади. Курук плеврит чап томонда булганда уни стенокардия ва миокард инфарктидан ажратиш керак. Ташхис касалликнинг клиник манзарасига, ЭКГ ва лаборатория белгиларига караб куйилади. Курук плеврит диафрагманинг усти соҳасига жойлашганида диафрагма ости абсцесси ёки аппендицитдан фарклаш керак. Таккослаганда огрикнинг нафас олиш билан богликлиги, тана хароратининг ва кон синамасининг деярли узгармаганлиги, плевранинг ишкालаниш шовкинининг эшитилиши курук; плевритни тасдиклайди. Кукс оралиги плеврасининг яллигланишида плевра ишкालаниш шовкинини перикарднинг ишкालаниш шовкинидан фарклаш керак. Перикард шовкини юракнинг маромли кискариши билан боглик булса, плевранинг ишкланиш шовкини эса нафас олиш билан богликдир. Кобиргалараро невралгиядан ва миозитдан фарки курук плевритда сог томонга энгашганда, яллигланган плевранинг чузилиши хи-собига огрик кучаяди. Кобиргалар орасини пайпаслаганда мио-зитда ва невралгияда огрик кучли, курук плевритда эса уртача.



## ИНТЕРФАОЛ УСУЛ

### “МУАММОНИНГ ЕЧИМИ” иш ўйини:

#### Иш учун зарур:

1. Алохида варақда чоп этилган топшириқ вариантлари ва вазиятли масалалар тўплами.
2. Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар сонига қараб, куръа ташлаш учун сонлар.
3. Ўйинни огзаки утказиш мумкин. (ёзма ҳам утказиш мумкин.)

#### Ишнинг бориш тартиби:

1. Гуруҳдаги барча талабалар куръа ташлаш йўли билан ҳар бирида 3(2) талабадан бўлган 3 (4) кичик гуруҳга бўлинади.
2. Ҳар бир кичик гуруҳ алохида стол атрофига ўтиради
3. Варақда сана, гуруҳ сони, факультет, мазкур кичик гуруҳ иштирокчи – талабаларининг исми, фамилияси ва иш ўйинининг номи ёзилади.
4. Кичик гуруҳлар иштирокчиларидан бири қонвертдан топшириқ вариантини олади ва бу топшириқ барча кичик гуруҳлар учун қўлланилади.
5. Ҳар бир кичик гуруҳ талабаларидан бири вараққа топшириқни кўчириб оладилар
6. Кичик гуруҳнинг ҳамма талабалари биргаликда топшириқни муҳокама қиладилар, сўнг улардан бирортаси унинг ечимини ёзади.
7. Топшириқ ечимига 15 дақиқа вақт ажратилади.
8. Ўқитувчи ишнинг боришини кузатиб боради.
9. Вақт тугагандан сўнг огзаки равишда жавоб берадилар.
10. Ўйиннинг барча иштирокчилари натижаларни муҳокама қиладилар, энг тўғри бўлган ечимни танлайдилар ва ўнга максимал балл қўйилади.
11. Муҳокамага 15 дақиқа ажратилади.
12. Талабалар жавоб учун баллни машғулотнинг назарий қисми учун ажратилган рейтингдан оладилар.
13. Энг тўғри жавоб берган кичик гуруҳ машғулотнинг назарий қисми учун ажратилган максимал баллдан – 100% ни, 2 – ўрин олган кичик гуруҳ рейтингнинг 80% ни, 3- кичик гуруҳ рейтингнинг 60% , 4-ўринни олган гуруҳ эса 40% ни олади.
14. Жавоб варақларида ўқитувчи балларни ва ўзининг имзосини қўйади.
15. Талабалар томонидан олинган балл машғулотнинг жорий баҳосини қўйишда эътиборга олинади.
16. Жарийданинг пастки бўш қисмида иш ўйинининг ўтказилганлиги ҳақида белгиланади ва гуруҳ сардори имзо қўяди.
17. Талабаларнинг ишлари ўқитувчида сақланади.

**7 – мавзу: Оператив даво талаб қилинмайдиган қорин бўшлиғи аъзолари қорин парда орти, қорин девори касалликлари ташхиси ва қиёсий ташхиси: ўткир ва сурункали гастрит, Шенлейн-Генох касаллиги, буйрак касалликлари, Крон касаллиги, абдоминал пурпура, антикоагулянтларни назоратсиз қабул қилиш, қорин парда орти гематомаси, аорта аневризмасини ёрилиши, дисменореяни қиёсий ташхиси. Тез ёрдам кўрсатиш. Госпитализацияга кўрсатмалар.**

**7.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 7 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси: 1.Оператив даво талаб қилинмайдиган қорин бўшлиғи аъзолари, қорин парда орти, қорин девори касалликлари хақида маълумотга эга бўлиш. 2.Ўткир ва сурункали гастритлар, Шенлейн-Генох касаллиги, буйрак касалликлари, Крон касаллиги, абдоминал пурпура, антикоагулянтларни назоратсиз қабул қилиш, қорин парда орти гематомаси, аорта аневризмасини ёрилиши, дисменореяларни узига хос клиникасини урганиш 3.Тез ёрдам курсатишни урганиш. 4.Госпитализацияга курсатмаларни аниқлаб олиш	Оператив даво талаб қилинмайдиган қорин бўшлиғи аъзолари, қорин парда орти, қорин девори касалликлари хақида маълумотга эга бўлиш. Ўткир ва сурункали гастритлар, Шенлейн-Генох касаллиги, буйрак касалликлари, Крон касаллиги, абдоминал пурпура, антикоагулянтларни назоратсиз қабул қилиш, қорин парда орти гематомаси, аорта аневризмасини ёрилиши, дисменореяларни узига хос клиникасини урганиш.Тез ёрдам курсатишни урганиш. Госпитализацияга курсатмаларни аниқлаб олиш
Ўқув машғулотнинг мақсади:  Талабаларга оператив даво талаб қилинмайдиган қорин бўшлиғи аъзолари, қорин парда орти, қорин девори касалликлари ташхиси ва қиёсий ташхиси йулларини ургатиш. Ўткир ва сурункали гастрит, Шенлейн-Генох касаллиги, буйрак касалликлари, Крон касалликлари, абдоминал пурпура, антикоагулянтларни назоратсиз қабул қилиш, қорин парда орти гематомаси, аорта аневризмасини ёрилиши, дисменореяни клиникаси ва ташхис қуйиш учун асосий мезонларни такрорлаш. Тез ёрдам курсатиш. Госпитализацияга курсатмаларни аниқлаб олиш.	Қисқа аннотацияси:  Талабаларга оператив даво талаб қилинмайдиган қорин бўшлиғи аъзолари, қорин парда орти, қорин девори касалликлари ташхиси ва қиёсий ташхиси йулларини ургатиш. Ўткир ва сурункали гастрит, Шенлейн-Генох касаллиги, буйрак касалликлари, Крон касалликлари, абдоминал пурпура, антикоагулянтларни назоратсиз қабул қилиш, қорин парда орти гематомаси, аорта аневризмасини ёрилиши, дисменореяни клиникаси ва ташхис қуйиш учун асосий мезонларни такрорлаш. Тез ёрдам курсатиш. Госпитализацияга курсатмаларни аниқлаб олиш.

Таълим бериш усуллари	Кўрғазмали, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жихатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

## 7.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси.

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (10 дақиқа)	1. Аудитория тозалигини назорат қилади 2. Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	
2– асосий босқич 245-дақиқа	1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради. <b>“ЗАИФ ҲАЛҚА” иш ўйинини ўтказиш усули:</b> Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради. Бу усулни қўллашда гуруҳ талабалари гўё бир халқга тизиладилар, улар олдиндан тузиб қўйилган саволларга қисқа ва лўнда жавоблар билан фикр билдирадилар. Бунда талаба ва ўқитувчи ўртасида тескари алоқа боғланади. Тескари алоқа бу кўзланган бирор мақсадга эришилдими йўқми, шу тўғрисидаги ахборотни қўлга киритишдир. Бевосита боғланадиган тескари алоқа таълим самарадорлигини оширади: ўқувчи материални яхши ўзлаштириб олиши учун дарҳол рағбатлантирилади. Бу усулда талаба хатога йўл қўйишга «ҳаққи йўқ», акс холда у халқадан четлатирилади ва ечилмаган муаммони ундан кейинги талаба ечади. Халқ эса тораяди. Саволлар енгилдан-оғирга тартибида тузилган бўлиб, турлича ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган талабаларнинг барчаси ўзларини синашга муваффақ бўладилар. Бундан ташқари нотўғри тушунчалар кейинги хатола манбаи бўлиб қолмайди. 2. Кўрғазмали плакатлардан фойдаланади 3. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади 4. Даволаш ишларини олиб боради 5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар

3. Якуний босқич (45 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами 315 дақиқа 7 соат		

### Мавзу баёни:

**Кириш.** Корин огриги куплаб касалликларнинг аломатидир, клиник ахамияти ута кенг диапазонига эга у хаётга тахдид килиб кечувчи холатларни хамда яхши кечиш билан ифодаланувчи функционал табиатга эга булган бузилишларни куруниши булиб белги беради. УАВ амалиётида тез-тез учраб турадиган, аксарият холларда УАВ биринчи маротаба тукнаш келадиган бу синдром УАВ имконияти ва нуктаи назардан келиб чиқадиган муқобил ташхисий стратегияни талаб этади.

Ташхислаш учун умумий коидалар:

- Корин огригида аввало хирургик усул билан даволашни такозо этадиган корин бушлиги касалликларни истисно килиш лозим (чин корин синдроми).

- Умуман уткир, нимуткир, сурункали ва рецидивланиб куруниш берувчи огрикларни ажратиб олиш лозим ва муқобил ҳаракат олиб борилиши даркор.

- Корин огриги хирургик, гинекологик, психик ва аксарият ички касалликларда кузатилади: уткир аппендицитда (31 фоиз), ичак буйрак ва ут санчикларида (29 фоиз).

- Ҳазм аъзолари юкори кисмлари касалликларида огриклар эпигастрияда, куйи кисмлари касалликларида - гипогастрияда жойлашиб куриш беради.

- Такрорий кайд килиш билан биргаликда ифодаланувчи тулгоксимои огриклар ин-гичка тикилишига хос булади.

- Коринни симметрик ифодаланиб кабзиятланиши (таранг тортиши) ва корин соҳасида тулгоксимон огрик булиши - йугон ичак утгазувчанлиги бузилишига хос булади. Уткир хирургик касаликларда доимо аввал огрик кейинрок кайд килиш кузатилади.

- Бемор ёши уткир булиб, атеросклероз ёки титрок аритмияси билан хасталанган булса ёки сал илгарирок миокард инфарктини бошидан утказган булса-ю, унда корин огриги пайдо булса мезентериал кон айланиши бузилганлиги гумон килиниши даркор.

- Корин огриги куйидаги симптомлар билан кушилишиб ифодаланган такдирда, корин бушлиги аъзолари уткир касалликлари шубҳа килинади: бош айланиш, кайтни кайталаниб туриши, кориннинг дам булишини кучайиши, корин огригини кучайиши, кучли холсизлик, апатия, окаринкираш, совук терга ботиш, артериал гипотония, титрок аритмия ёки тахикардия, иситма, Щеткин-Блюмберг симптоми, корин олдинги девори мушакларини таранглашуви, дефекация пайтида хушдан кетиб қолиш (кориндан ички кон кетиш белгиси) ва олигуриялар кабилар билан.

Корин огригини баҳолашда хушёр булиш керак. Чунки бир катор холатлар булади-ки, огрик нотугри талкин килинади ёки унга эътиборсизлик туфайли диагноз кеч куйилади. Хусусан, корин огригида ташхисий чалгишларни аксарият сабабчилари куйидагилар булиб хисобланадилар:

1. Бачадондан ташкари хомиладорликни ташхислашда хатога йул куйилади.

- Перорал контрацептив дорилар ичиб юрган аёлларда, хомила булиб қолиши мумкинлигини мутлако инкор қила беришлари натижасида.

- Киндан конли аралашмалар ажралиб туриши туфайли (улар менструаль кон деб қабул килинади).

2. Ичак тутилишида корин девори нуфуз кисмлари нотулик текширилиши натижасида.

3. Купчилик холларда шифокор бир нарсани унитиб куядилар: аппендикс ва ошқозон ёки 12-бармокли ичак яраси тешилиб кетганидан кейин бир мунча вақт бемор ахволи яхшиланади. Унга ишониб, огрик нотугри баҳоланади.

4. Кексалар ва кортикостероидлар истеъмол килиб юривчиларда (огрик сезиш нисбатан камаяди) перфорацияни ташхислаш кечнади.

5. Мезентериал кон айланиши бузилишини ташхислашда йул куйиладиган хатолар: кексаларда булади ва киндик худудида кучли тугруксимон огрик булиши билан ифодала-нади.

6. Айрим холларда корин сохасида буладиган огриклар сийиш ва сийдикни тезлашуви билан кушилиб куришиш берадилар. Бундай вазият доимо хам сийдик йуллари касалликлари учун ута хос симптом булиб хисобланмайди чунки у дивертикулитда, аппендицитда (таз сохаси жойлашувида), сальпингоофоритда ва бачадон найи ёрилиб кетишида хам кузатилиши мумкин. Буни билмаслик ташхисий хатога олиб боради.

Корин огриги булганда, унинг характери кандай булишлилигига карамасдан ва табиатидан катъий назар УАВ куйидаги текширувларни утказиши лозим:

- анамнестик маълумотларни (нафакат бемордан, у билан алока килиш кийин булган огир холатларда якинларидан олинган булиши керак) синчковлик билан тахлил килиш. Бунинг учун махсус суровномадан фойдаланиш мумкин ёки узвийликда катор саволлар оидинлаштирилади: истеъмол килинган дорилар (алкогол эритромицин, аспирин, вальпроев кислотаси, имипрамин, кортикостероидлар, ИПВС, никотин, темир препаратлари, феинтони, цитостатиклар), огрик хусусиятлари, бошдан утказилган касалликлар ёки операциялар, менструация цикли хакида маълумотлар ва х.к. лар.

Физик текширувлар (умумий ахволига бахо бериш, огиз бушлигини куриш; пульсии, иситмани, КБ ва нафас частотасини бахолаш; юрак ва упкани мукамал текшириш; ётказилган холда коринни куриш, пальпация, перкуссия ва аускультация килиш; корин девори буш худудларини урганиш, сон артериясида пульсни текшириш, курак ва бел остеохондрозини истисно килиш, эркаларда-ректал ва аёлларда гинекологик текширув утказиш; сийдикни - лейкоцитларга, эритроцитларга, глюкозаларга, кетон таначаларига ва порфиринларга текшириш ва ниҳоят, алохида перитонеал симптомларни излаш).

- Алохида ташхисий ахамият касб этувчи вазиятларни урганиш: корин огрик кам жойдан бошлаб эҳтиёткорлик билан пальпация кшшнади, корин пардаси таъсирланганда огрик муайян худудда жойлашиб аникланади (бемор буни аник курсатиб бера олиши мумкин), ички касалликлар хасталанганда (висцерал огрик) огрик ёйилиб аникланади ва бемор бу худудга кафтини куйиб курсатади (аник курсата олмайди).

- Алохида лаборатория текширувларида куйидагиларга эътибор бериб урганилади: анемия, лейкоцитоз, ЭЧТ ни ортиши, зардоб амилазасини бир неча маротабага ортиши (панкреатитда, хомилдорлик бачадондан ташкарида руй бериши тухтатилгандан кейин яра тешилганда, ут пуфаги ёки корин аортаси аневризмаси ёрилганда), гематурия, лейко-цитурия, билирубиния, кетонурия, сийдикда газ пайдо булиши (ичак окма яраларида), ах-латда кон пайдо булиши (мезентериал кон айланиши утқир бузилганда, ичак инвагина-циясида ит узуми шаклига кирган ахлат аникланади), йугон ичак ракида, дивертикулитда, крон касаллигида.

- Корин бушлиги аъзолари рентгенографияси.

- Корин бушлиги ультратовушли текшируви.

- Экскретор урография.

- Ирригоскопия.

- Холесцинтиграфия.

-Эндоскопик текширувлар (ЭФГД, ректороманоскопия, колоноскопия).

- Эндоскопик ретроградли холангиопанкреатография.

- ЭКГ.

Мазкур текширувларни уз вақтида утказилиши натижаларини тугри бахоланиши ва эрта эътиборга олинishi огригини биринчидан тула табиатини очиб беради ва иккинчидан, «чин» хамда «ночин» абдоминаль синдроми мукамал тарзда оидинлаштириб беради, демак «мулжалли» УАВ тактикасини утказишга пойдевор куйилади-ки, унга бемор хаёти бевосита боғлиқ булади.

Корин сохасида утқир ва сурункали огрикларда УАВ учта нарсани хал этиши даркор:

- Зудлик билан касалхонага ётказиш масаласи.

- Режали тарзда ётказиш масаласи.
- Амбулатория шароитида даволаш ва кузатиб бориш масаласи.

Бундай тактика чизма ва жадвалларда акс этдирилганидек олиб борилади (чукур изох берилди). Юкорида айтиб утган ва изохлаб берганимиз огрик синдроми сизларга маълум адабиётларда яхши ёритилган деса булади. Аммо лекин корин аортаси асосий қисми шахобчалари ва мезентериал томирлар атеросклерози билан алоқадор «корин огриклар» хақида маълумотлар мужассамлаштириб ёритилмаганлигини биз алоҳида таъкидлаб утмоқчимиз.

Бу огриклар хазм аъзолари ишемия касаллигида (ишемик абдоминал висцеропатия) да кузатилади, асосий сабаби корин аортаси атеросклерози. Бу икки хил куринишда руй беради:

1. Корин санчиги.

2. Хазм аъзолари фаоликларининг бузилишлари (ишемик гипоацид гастрит), сурун-кали ишемик яра касаллиги, уткир атеросклерози ошқозон яра касаллиги («ошқозон ин-фаркти»), ишемик энтероколит ёки колонопатия, ишемик сурункали панкреатит ёки пан-креатопатия кабилар.

Узига хос куйидаги симптомлар билан ифодаланади (мукаммал жадвалда ёритилган, изох бериб утилади) уни ташхислаш тактикаси учта босқичда (жадвалда курсатиб куйилганидек, изох берилди) УАВ шароитида утказилади ва ташхис куйилади. Ташхис буйича консерватив ёки хирургик йул билан даволаш тавсия этилади, назорат олиб борилади.

### **Кориндаги огриклар сабабининг клиник классификацияси (Almeyda, 19)**

#### **А. Органик сабаблар:**

1. Корин деворидаги патологик узгаришлар

а) корин деворини узини яллигланиши (чурралар, яра, яллигланиш, фиброзит)

б) суяклар ва кушувчи туқималар яллигланиши (ревматоид артрит, остеоартрит ва хоказо)

в) нерв системаси жарохатланиши (радикулит, герпис, миелит, скинная сухотка).

2. Корин бушлигида патологик узгаришлар:

а) висцерал (ошқозон-ичак, буйрак, ут копчаси, овқат хазм тракти, эрозлар, усмалар, дискинезияси, органлар яллигланиши, жигар, ут пуфаги, талок, буйрак, сийдик кончаси, бачадон, мезентериал кон томирлар тромбозия, ичаклар тутилиши)

б) перитонит (уткир ва хроник яллигланиш, корин парда усмаси, чандиклар, юмалок органлар тешилиши).

3. Кукрак кафаси органлари патологияси:

а) юрак кон-томирлар касалликлари (ИБС, перикардитлар, аорта аневризмаси)

б) нафас тизими касалликлари (пневмония, диафрагмаль плеврит ва поддиафрагмал абсцесс).

4. Кон касалликлари: (капилляротоксикоз, эритремия, гемолитик сариклик ва хоказо).

5. Болаларда урта кулок ва юкори нафас органлари касалликлари (мехотимпанит, бодомчалар ва бурун-тамоқ яллигланиши).

#### **Б. Психик сабаблар:**

(истерия, невроз, ипохондрия, психозлар).

#### **Коринда буладиган сурункали огрикларии киёсий урганиш тактикаси**

Аломатлар	Ичакларни таъсирланиши ортиши синдромлари	Ичакларни органик касалликлари
Ёши	-гача	дан юкори
Анамнез муддати	Ииллар	Ойлар
Огрик хусусияти	Диффуз, жойлашуви ва интенсивлиги узгариб ту-ради	Чегараланиб жойлашган хуружсимон тусда, киска ва тунги огриклар булиши

Огрик узгаришлари	Асаб омили билан ку-чайди	Овкат билан кучаяди
Дефекация	Эрталабда	Тунда
Ахлатда кон ва йиринг булиши	Йук	Булиши мумкин
Озиб кетиш	Иук	Булиши мумкин
Психовегетатив бузилиш-лар	Бор	Одатда йук
Кон анализи	Узгаришсиз	Анемия, ЭЧТ ортиши

Оператив даво талаб килинмайдиган корин бушлиги аъзолари, корин парда орти, корин девори касалликлари ташхиси ва киёсий ташхиси: уткир ва сурункали гастрит, Шенлейн-Генох касаллиги, буйрак касалликлари, Крон касалликлари, абдоминал пурпура, антикоагулянтларни назоратсиз кабул килиш, корин парда орти гематомаси, аорта аневризмасини ёрилиши, дисменореяни киёсий ташхиси. Тез ёрдам курсатиш. Госпитализацияга курсатмалар.

**Гастрит** - ошкозон шиллик каватининг яллигланишидир.

а)меъда деворида хлорид кислота ишлаб чикаришнинг бузилиши, харакат ва унинг эвакуатор вазифасининг, меъда деворида кон айланишнинг бузилиши ошкозонда узгаришларга олиб келади.

б)меъда ширасининг таркиби бузилади.

в)харакат ва эвакуатор вазифасининг бузилиши натижасида огрик, меъда ва ичак диспепсияси белгилари пайдо булишига олиб келади,

кетиши, тахикардия, коринда кучли огрик, анорексия, коринни пайпаслаганда мушакларнинг таранглиги, йўгон ичакнинг кенгайиб кетганлиги аникланади. Гавда вазни 10% дан кўпга йўкотилади. Кон таҳлилида кескин ифодаланган анемия, лейкоцитоз, ЭЧТ нинг ошган бўлади. Рентгенологик текширувда йўгон ичакда ҳаво борлиги, девори чўзилиб кетганлиги маълум бўлади. Колоноскопияда йўгон ичак шиллик кавати кизариб шишиб кетган, кўплаб яраларнинг тромб билан конланганлиги ёки улардан кон кетаётганлиги аникланади.

Даволаш. НЯК энгил кечганда сульфасалазинни кунига 3 - 6 гдан бериш уни ёки хук-на ёрдамида юбориш тавсия этилади. Кўшимча диареяга карши дорилар ҳам кўлланади. Сульфасалазинга алергик реакция бўлган холларда стероид гормонларни кўллаш мак-садга мувофик. НЯК ўртача огирликда кечганда беморларни албатта стационарда даволаш лозим. Парҳез оксил моддаларга бой (1 г/кг) бўлиши зарур. Диареяга карши препаратлар берилмайди, чунки токсик мегаколон ривожланиши мумкин. Стероид гормонлар, сульфа-салазин 1 - 3 г билан хўкна ёрдамида юборилади ва кунига 1 - 2 г ичиш тавсия этилади. Инфузион, гемостатик терапия, дезинтоксикацион ва оксил препаратлари, гемотрансфузия ҳам комплекс даволаш таркибига киради. Касаллик огир даражада кечганда кўпчилик беморларга консерватив даво наф бермайди. Беморларнинг аҳволи борган сари огирлашиб боради, токсик мегаколон ривожланиб, ҳаётга хавф солади. Парентерал оксил препарат-лари (1,5-2 г/кг), венага гидрокортизон 300 мг/сутка, клиндамицин 600 мг/кгдан кунига, тобрамицин 1,7 мг/кгдан ҳар 8 соатда, метронидазол, ампициллин 6 г/кг кунига белгиланади. Йўгон ичак узун найчалар билан интубация қилинади. Кўп микдорда суюкликлар билан инфузион-дезинтоксикацион терапияси ўтказилади. Агар ичакнинг кенгайиб кетиши, мушаклар таранглиги 24 - 72 соат ичида сакланиб турса ёки янада кўпроқ ифодаланса, колэктомия операциясини бажаришга тўғри келади. Радикал опера-ция огирлик қилинганда, илеостома кўйилиши ва ремиссия даврида колэктомия операциясини бажариш лозим.

## ИНТЕРФАОЛ УСУЛ

### “ЎРГИМЧАК” УСУЛИ иш ўйинини ўтказиш усули:

#### Кадамлар:

1. Дастлаб талабаларга утилган машғулот бўйича саволлар тайёрлашга вақт берилади.
2. Қатнашчилар айлана ҳосил қилиб ўтиради.
3. Қатнашчилардан бирига калава ип берилади, у эса тайёрлаган саволини айтади (талаба тайёрлаган саволининг жавобини тўлиқ билиши лозим) ип учини ушлаб калавани талабалардан бирига отади.
4. Калавани илиб олган талаба саволга жавоб беради (савол берган студент жавобга изох беради) ва яна саволлар эстефетаси давом этади. Қатнашчилар савол-жавобни ҳамма ўргимчак тўрига илингунча давом эттиришади.
5. Талабалар савол беришни тугатгандан сўнг калава ушлаган талаба калавани ўзига савол берган талабага беради ва ўзининг саволини ўнга айтади, калава бутунлай қайта ўралгунча яна савол жавоб бўлади.

**Эслатма.** Талабалар ҳар бир жавобга диққат билан эътибор бериб, уни тўлиқ ёки нотўлиқлиги баҳолашлари, калава кимга отилаётганлигини кузатиб боришлари лозим.



**11 – мавзу: Қабзият синдромида қиёсий ташхис (таъсирланган ичак синдроми, колитлар, йўғон ичак ўсмалари, дивертикулёз, долихоколон).  
Қабзиятларни даволаш. Мехнатга яроқлилигини аниқлаш.**

**11.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 7 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси	Қабзият этиологияси, патогенези, клиникаси Иситманинг клиник кечиш хусусиятлари. Диагностика ва дифференциал диагностика Ичак дисфункциясида даволаш.
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Қабзият билан кечувчи касалликларнинг қиёсий ташхисоти.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

**11.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси.**

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (10 дақиқа)	1. Аудитория тозалигини назорат қилади 2. Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	Тинглайдилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	Тинглайдилар Ёзиб оладилар
2 – асосий босқич (245 дақиқа)	1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради. <b>Интерфаол усул</b> <b>“МУАММОНИНГ ЕЧИМИ” иш ўйинини ўтказиш усули:</b> <b>Иш учун зарур:</b> 1. Алоҳида варақда чоп этилган топшириқ вариантлари ва вазиятли масалалар тўплами. 2. Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар сонига қараб, куръа ташлаш учун сонлар. 3. Ўйинни оғзаки ўтказиш мумкин. (ёзма ҳам ўтказиш мумкин.) Бу усл орқали талабаларни билиминини баҳолаш мумкин.. 4. Кўргазмали плакатлардан фойдаланади 5. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади 6. Даволаш ишларини олиб боради 7. Мавзулар асосида берилган маълумотларни	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар

	умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди	
3. Якуний босқич (45 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами 315 дақиқа 7 соат		

## Мавзу баёни

**Йугон иак таъсирланиш синдроми** ошкозон- ичак йули фаоллигининг бузилиши булиб, унинг пастки булимлари шикаситланиши билан намоён булади. Асосий белгилари- коринда огрик, кабзият, диарея. Клиникаси деярли ҳамма вақт бемор уйгоклигида ва стресс ҳолатида ёки овқат еяётганда пайдо булади.

### Учраши:

- ❖ Умумий популяциянинг 14-30% (болалар ва усмирларда кам учрайди)
- ❖ Касалликнинг усиши- йилига % 30-40 ёшларда касаллик энг кам учрайди.
- ❖ Купрок аёлларда учрайди (3:1)

**Этиологияси ва патогенези.** Ошкозон ичак йули силлик мушак хужайралари ёки нейрогуморал регуляцияда нуксонларнинг мавжудлиги.

### Клиник белгилари.

- Куп холларда диарея
- Кабзият ва коринда огрик
- Диарея ва кабзиятнинг навбатма-навбат келиши
- Кориндаги турли даражадаги огрик, овқат ейиш, стресс, жисмоний иш билан боглик, эрталаб ва кундузи пайдо булади. Дефекациядан ва газ чикиб кетгандан кейин огрик пасаяди. Уйку вақтида ва ётганда огрик интенсивлиги камаяди ёки умуман огрик булмайди.
- Ич келишининг бузилиши, кабзият, диарея ёки уларнинг кетма-кет келиши.
- Ахлатда шиллик булиши, кон йуклиги.
- Ичакнинг тулик бушамаганини хис килиш.
- Метеоризм
- Бош огриги
- Ноадекват асаб-вегетатив реакциялар ва улар билан боглик юрак уришининг кучайиши, чарчок, дармонсизлик, уйкусизлик, сержахллик, парестизия
- Депрессия, безовталаниш.

Лаборатория ташхиси. 1.Кон тулик тахлили. 2.Сийдик умумий тахлили. 3. Копрограмма.

**Махсус текширувлар.** Корин бушлиги УТТ. Ирригография. Зарурат булганда ФЭГДС. Колоноскопия- аппарат киритилганда ва хаво юборилганда купинча ичак спазми ва огрик пайдо булади. Кчсиз гиперимия ва анчагина шиллик борлигини аниклаш мумкин.

### Олиб бориш тамойили

- Бемор кутара олмайдиган махсулотларни истисно килган холда пархез.
- Беморга психоэмоционал таъсир курсатиш. Седатив препаратлар, транквилизи-торлар, антидепрессантлар.
- Ичак фаолиятини бузилишини коррекциялаш. Кабзиятда - усимлик клечаткасига бой пархез, етарли микдорда суюклик ичиш. Диарея синдромида- лоперамид аввал 4мг, кейин хар бир ичи суюк утганда 2мг ёки 2,5-5мгдан дифеноксилат-атропин.
- Огрик синдромида миотроп таъмир курсатувчи спазмолитиклар.

**Йугон ичак усмалари статистик маълумотлари.** Йугон ичакнинг узунлиги 2 м гача этади. У 4 қисмга ажратилади: куричак, чамбар ичак, сигмасимон ичак ва тугри ичак. Бу қисмларнинг саратон билан касалланиши бир хил эмас. Охирги маълумотларга кура, усма урта

хисобда 12% холда кур ичакда, 8% чамбар ичакда, 15% - сигмасимон ичакда ва 65%- тугри ичакда кузатилади. Дунёда йугон ичак саратони энг куп АКШ (хар 100 минг аҳолига 15 та бемор Данияда 96%) ва Бельгияда 71% учрайди. Ўзбекистонда йугон ичак саратони билан касаланиш курсаткичи нисбатан паст – 3,7% (1998 йил), лекин 1993 йилга нисбатан бир оз купайган – 3,3.).

**Касаллик сабаблари.** Усмаларнинг келиб чиқишига овкат ва сув билан ичакка тушган (минерал угитлардан (селитрадан) ичак бактериал флораси таъсирида) кучли канцероген моддалар (нитроза бирикмалари), ут кислоталари, ичак чикиндиларининг канцерогенлик хусусияти, оксиллар ва ёғларга бой булган овкатларни купрок истеъмол қилиш сабаб булади.

Иктисодий ривожланган мамлакатларда хайвон гушти ва сунъий қушимчаларга бой овкатларни куп микдорда истеъмол қилиш ҳам йугон ичак саратони билан касаланишга сабабчи булиши тасдиқланган. Витамин А ва С га бой булган усимлик клетчаткаси купрок истеъмол қилинганда эса бу аксинча, канцерогенезнинг сусайиши кузатилади. Саратон касаллигининг келиб чиқишида маълум даражада ирсий омиллар ҳам рол уйнайди. Яқин қариндошлар уртасида бу касалликнинг купрок кузатилиши бунга тасдиқлайди.

**Усма олди касалликлари.** Йугон ичак саратони купрок холларда полиплардан ривожланади. Полиплар шиллик парданинг безли эпителийси ва унинг остидаги қушимча толали туқимадан пайдо булади. Аденоматоз полиплар йугон ичакнинг усма олди касалликларига қиради. Улар думалок шаклда, оч-қизил рангда, юмшок консистенцияли, нозик ёки йугон асосли, текис ёки баҳмалсимон юзали булади. Бу полиплар аксарият холларда тугри ичакда, ундан кейин эса сигмасимон, кур ва пастга тушувчи чамбар ичакда учрайди. Полиплар бир ёки бир неча булиши мумкин. Уларнинг улчами бир неча миллиметрдан 3-4 см гача ва ундан ортиқроқ булади. Уларнинг улчами катталашини билан дисплазия даражаси ва хавфли усмага айланиш эҳтимоли ҳам орта боради. Диаметри 1 см гача булган полиплар камдан – кам хавфли усмага айланса, улчами 2 см дан катта булганлари 40%- холларга саратонга айланади.

Йугон ичакнинг облигат усма олди касалликларига диффуз (оилавий) полипоз касаллиги қиради. Бу касаллик купинча саратонга айланади. Касаллик наслдан-наслга утиб, ёш кишиларга ҳам полипоз сифатининг ёмонлашини ва хавфли усма пайдо булиши кузатилади. Йугон ичакнинг сургичли усмалари, ёлғиз полиплари, специфик булмаган ярали колит ва Крон касаллиги факультатив усма олди касалликларига қиради.

**Патоморфологик тузилиши.** Усиш шаклига қараб экзофит ва эндофит усмалар фаркланади. экзофит усмалар полип, тугун ёки сургичли шаклдаги тузилма булиб, гулкарамни эслатади ва ичак бушлигига ушиб қиради. эндофит (инфилтратив) саратон асосан ичак девори ичига усади.

**Клиникаси;** купчилик холатларда бу усмалар рентгенологик, эндоскопик текширишлар пайтида тасодифий топилмалар булиб клиник белгилари бул-майди. Полипларнинг хажмлари катта булганда, яраланиши, қонаши холларида нажасда қон ва шилимшиқ ажралади. Айрим холларда ичакларнинг тутилишини келтириб чиқа-риши мумкин. Аденоматоз полиплар облигат саратон олди касалликларига қиради ва 20% холатларда малгинизация. Факультатив усма олди касалликларига липома, гемангиома, дивертикуль, леомиома ва х.к қиради. Ташхис қуйиш; полипларнинг диагностикасида рентгенологик текширишларнинг ахамияит бекиёс булиб айланасимон, қирралари ва чегаралари текис мусбат туқима-хосиллари қуринади. Полипларнинг оёқчалари узун булганда сурункали инвагинацияга сабаб булади ва бу холатни рентгенологик текшириб аниқлаш мумкин. Полипларни текширишда ректорманоскопия, калоноскопия қилиниб гистологик текшириш учун биопсия, цитологик текшириш учун суртмалар олинади.

**Даволаш.** Полиплар асосан жаррохлик йули билан даволанади. Сигмасимон ичак полиплари асосан ректорманоскоп орқали олиндиб гистологик текшириш утказилади. Йугон ичакнинг бошқа булимларида полип ва полипиз булганда лапоратомия қилиниб, полиэк-томия, резекция айрим холларда (оилавий полипозларда ва сургичли- ворсинчатий полип-ларга) гемиколонэктомия операцияси бажарилади. Ноэпителиал хавфсиз усмалар; буларга фибромалар, миомалар, ангиомалар ва липомалар қиради. Бу усмаларнинг бошлангич дав-рида

клиник белгилари булмайди. Операция пайтида тасодифий хосилалар топилади. Ус-маларнинг хажми катталашганда, кечиктирилган даврларида ичакдан кон кетиш холлари ёки уткир тутилиши пайдо булади. Бу усмалар кам малигнизацияга учрайди. Даволаш асосан усмаларни жаррохлик йули билан олиб ташлаш, айрим пайтларда ичак резекцияси операцияси бажарилади.

#### **Хавфли усмалар.**

**Йугон ичак саратон касаллиги;** ошкозон ичак усмалари орасида 4-уринни эгал-лайди. Охирги 10 йилликларда бу касалликнинг усиши кузатилаяпти ва купинча кекса ёш-даги кишиларда, нисбатан аёлларда купрок учрайди. Йугон ичакнинг саратон касаллиги билан касалланиш чап томонда унг томонга нисбатан купрок учрайди. Сигмасимон ичакда 40% кур ичак сохасида 25% саратон касаллиги учрайди.

**Этиологияси ва пато-генези;** йугон ичакнинг кайси кисмида нажас куп ушланиб турса, шу кисмда саратон касаллиги куп учрайди. Нажас таркибида индол, скатол ва гуанидил сингари эндоген канцероген моддалар учрайди. Кабзиятга учраган беморларда нажаснинг ичак шиллик каватидаги контракт вакти купаяди, нажасида канцероген моддаларнинг шиллик каватга сурилиши купайиб усма трансформациясини чикаради. Сурункали колитлар, полипозлар усма олди касалликларига киради. Патологик анатомия; усма бошлангич боскичида полипсимон ёки замбуруксимон холатда булиб емирилиш (распад) бошланади ва усма чегаралари нотекис, юзаси улик (некроз) кулранг парда билан копланган ярага айланади. Хамма деворларига усганда ичак бушлиги торайиб ичакнинг тутилиши пайдо булади. Унг томон кундаланг – чамбар кисмларида асосан экзофит турлари, чап ярмида эса яралар – сизувчи тури купрок учрайди. Йугон ичак саратон касаллигини морфологик тутти-лишини караганда; Аденокарцинома – (60-70 %) , солидли – (10-12%) ва шилликли – (12-15%) учрайди.

**Клиникаси;** йугон ичак усмасининг клиникаси кайси касалликлардан сунг пайдо булганлигига ва ичакнинг кайси кисмида жойлашганлигига боглик. Куп вакт давом этган йугон ичак колитлари ва полипознинг белгилари саратон касаллигига утаётган пайтда анча кучаяди. Усма йугон ичакнинг унг томонида ва хусусан кур ичак кисмида булса, купинча интоксикация ва камконликга хос умумий белгилар юзага чикади. Сиг-масимон ичак усмаларида купинча махаллий белгилар ва тутилиши белгилари купрок учрайди. Клиник амалиётнинг курсатишича, йугон ичакнинг унг ярмида жойлашган усма-ларнинг намоён булиш даражаси чап ярмидагилардан фарк килади.

**Йугон ичак саратонининг эрта белгилари (%)**

<b>Белгилари</b>	<b>Ичакнинг унг ярми</b>	<b>Ичакнинг чап ярми</b>
Огрик	90,0	35,8
Иштаханинг юколиши	59,7	10,4
Кунгил айниши	40,7	9,4
Кекириш	21,8	6,6
Кусиш	6,3	1,9
Кориннинг дам булиши ва кулдираши	6,9	38,7
Кабзиятлар	9,2	46,2
Ич кетиши	4,1	8,5
Ич тутилиши	1,7	19,8
Ажралмалар (кон,шиллик)	-	30,2
Анемия	68,4	4,7
Иситма чикиши	18,9	16,0
Холсизлик	10,9	8,5
Озиш	2,9	7,5
Пайпасланадиган усма	10,2	0,9

Жадвалдаги маълумотларга кура, йугон ичакнинг унг ярми саратонида купчилик беморларда огрик, иштаханинг йуколиши, кунгил айниши, кекириш,кусиш, анемия, хол-сизлик ва пайпаслаб топиладиган усма учрайди. Бунда ичакдан конли ёки шиллик ажрал-ма келиши кузатилмайди. Саратон йугон ичакнинг чап ярмида булса, корин дам булиши ва кулдираши, кабзият, ич кетиши,ичак тутилиши, конли ёки шиллик ажралмалар ва озиш кузатилади. Иситма чикиш аломати одатда саратоннинг жойлашишидан катъий назар бир хилда учрайди. Йугон ичакнинг унг ярми саратони учун касалликнинг аста-секин зураи-ши хосил булиб, клиник белгиларининг сони ва ифодаланиши усиб боради. Чап булим усмаларида бундай конуният хам кам кузатилиб, купинча касаллик тусатдан ичак тутили-ши билан намоён булади.

Клиник манзарасининг хусусиятига караб йугон ичак саратони 6 хил клиник шаклга эга булади: токсик-анемик, энтероколит, диспептик, обтурацион, сохта яллигланиш ва усма.

**Токсик анемик шакли.** Нохушлик, холсизлик, тез чарчаш,иситма кутарилиши,тери копламларининг окимтирлиги ва кучайиб бораётган анемия ривожланиши билан намоён булади.

**Энтероколит шакли.** Доимий огрик, ич бузилиши, узок вакт гох кабзият, гох ич кетиши, кориннинг дам булиши ва кулдираши, ичакдан шиллик, конли ёки йирингли ажратма келиши билан ажралиб туради.

**Диспептик шакли.** Меъда ичак йулининг диспептик бузилишлари; коринда огрик, иштаханинг пасайиши, кунгил айниши, кекириш, вакти-вакти билан кайд килиш эпигаст-рал сохада огрик ва дам булиши билан фаркланади.

**Обтурацион шакли.** Эрта ичак тутилиши билан ифодаланади. Биринчи навбатда коринда дастлаб унча кучли булмаган,симиллаган, жойлашуви аник булмаган огрик пайдо булади. Вакт утиши билан улар кучайиб нажас ва газларнинг тутилиши билан кечадиган хуружлар кузатилади. Хуружларнинг кайталаниши ва уларнинг доимийлиги аста-секин усиб боради, кейинчалик сурункали ичак тутитилиши кузатилади. Хуружларнинг бирида бутунлай обтурацион ичак тутилиши юз беради.

**Сохта яллигланиш шакли.** Корин бушлигида яллигланиш жараёнини эслата-диган белгилар: унг томонда огрик,корин девори мускулларининг таранглашиши, харорат кутарилиши, лейкоцитознинг усиши ва эритроцитлар чукиш тезлигининг кучайиши руй беради.

Усма (атипик) шакли. Бошка клиник белгилар кам ифодаланган холда пайпаслана-диган усма борлиги билан фарк килади. Беморнинг узи ёки врач курик утказаётган чогида усмани тасодифан аниклайди. Анамнез йигиш пайтида, усма аникланишидан бир неча ой бурун бемор ахамият бермаган ичакка тааллукли шикоятлар борлигини аниклаш мумкин.

**Ташхисоти:** клиник текширишларга сураб-суриштириш, объектив текширишлар, тугри ичакни бармок билан текшириш, лаборатория ва рентгенологик текширишлар хамда ретороманоскопия ёки колоноскопия оркали биопсияга материаллар олиш киради.

**Сураб суриштириш.** Беморнинг шикоятлари ва анамнези батафсил урганиб чикилиши керак. Бунда симптомларнинг тавсифи, пайдо булиш вакти, кетма – кетлиги ва динамик ривожланишига эътибор берилади. Касаллик клиник манзарасининг хусусиятлари тахлил килинганда, сурункали ичак касалликлари бор беморларда саратон пайдо булиш эхтимолини хисобга олиш керак. Йугон ичак саратони борлигига шубха килинадиган «хавфли белгиларга»:

- коринда ёкимсиз хис пайдо булиши,унинг тулиб кетиши, дам булиши, огрик безовта килиши;

- кабзият ёки ич кетиши, дефекациядан кейин ичакнинг тулик бушамаганлик хисси, ёлгон чакирувлар;

- нажасда кон, шиллик ёки йиринг булиши;

- иштаханинг ёмонлашиши, холсизлик, кунгил айниши, анемия кузатилиши;

- сабабсиз иситма чикиши;

- пайпаслаганда усма борлиги;

**Объектив текширишлар** пайтида беморнинг териси ва куринадиган шиллик пардаларининг рангига эътибор берилади. Тери ва шиллик каватларнинг рангсизлиги йугон

ичакнинг унг ярми саратони туфайли ривожланган анемия борлиги фикр юритишга олиб келиши мумкин. Корин текшириб курилганда баъзида ичакнинг торайишдан юкори кисмининг купайган перистальтикаси кузга ташланади. Корин девори шалпайган булса, усма устидан шишни пайкаш мумкин. Перкуссия килинганда усма устига бугик товуш хамда корин бушлигида эркин суюклик борлигини аниклаш мумкин. Аускультация пайтида усма сохаси ва ундан юкорида аникланган кучайган кулдираш ичак стенозидан дарак бериши мумкин.

Усмага шубха килинганда беморни чалканча, унг ва чап ёнбошга ёткизган холда корни пайпасланади. Куричак, юкори ва пастга тушувчи чамбар ичакнинг усмаларини аниклаш энгилрок. Кундаланг, чамбар ва сигмасимон усмалари ушбу ичак булимлари-нинг кузгалувчанлиги туфайли пайпаслаш пайтида бармоқлар остига чикиб кетиши мумкин. Купрок экзофит усмаларни пайпаслаш мумкин. Эндофит усмаларда эса бунинг ило-жи камрок. Тугри ичакни бармоқ билан текшириш усули ичаклар фаолияти хар кандай бузилганда хам зарурий хисобланади.

**Лаборатория текширувлари.** Кон тахлили ва нажасни яшириш конга текшириш диагностик ахамиятга эга. Коннинг умумий тахлили эритроцитлар чукиш тезлиги кучайганлигини, гипохром анемия, баъзи беморларда эса ёндош яллигланиш жараёнлари борлигидан дарак берадиган лейкоцитозни аниклаб беради.

Конни саратон – эмбрионал антигенга (СЭА) текшириб куриш лозим.

Нажасни яшириш конга тахлил килиш йугон ичакда саратон касаллиги борлигини аниклаб беради. Яширин конга текширишнинг техник жихатдан осонлиги уни ахолии уртасида ёппасига профилактик куриклар утказишда имкон яратади.

**Ректороманоскопия.** Бу йул билан тугри ва сигмасимон ичакнинг бошлангич усмалари аникланиб, гистологик текширишга материал олинади. **Рентгенологик текшириш.** Хозирги вақтгача йугон ичак саратонига ташхис куйишда бу асосий усул булиб, кол-моқда. Текширишнинг максадларига караб хар хил усуллар кулланилади. Булар ичида етакчи усул ирригоскопия усули хисобланади. Йугон ичак саратонининг учта асосий рентгенологик белгиси бор: ичак барий билан тулдирилганда нуксон борлиги, чеккалари кутарилганлиги, уртасида чукурча борлиги, ясси нуксон хосил булиши, ичак бушлиги хаво билан кенгайтирилишга харакат килинганда ригид деворли ичакнинг циркуляр торайиб колиши.

**Колоноскопия** – йугон ичакни эндоскоп билан куриш усулидир.

**Сонография** – ультратовуш усули сунгги йилларда йугон ичак (купрок тугри ичак) саратонини аниклашда кенг кулланилмоқда. Сонография утказилиши усмани аник жойлашиши, ичакнинг узига ёки унинг ташкарисига таркалиши, жигардаги метастазлар, ичи-да рецидив (кайталаниш) пайдо булишини аниклаш ва даволаш самарадорлигини билиш-да ахамиятга эга.

**Компьютер томография.** Йугон ичани диагностик текширишга жуда мухим маъ-лумот беради. Жумладан, усма атрофидаги томирлар, тукумалар ва аъзолар билан касал-ликни бевосита муносабати, уларга усиб кириши, метастазлар борлиги ва бошкаларни бу усул аник куришга беради.

**Радионуклид –сцинтиграфия.** Йугон ичак саратонининг радикал операция килиш-дан олдин жигарда унинг метастазлари бор ёки йуклигини аниклашда яхши ёрдам беради.

**Бармоқ билан текшириш.** Бу – ичак деворининг курсаткич бармоқ билан пайпаслаб куриш усулидир.

Тугри ичакда хар кандай бузилишлар булганда хам албатта бармоқ билан текшириш зарур. Бу усул корин бушлиги касалликларида пайпаслаш ёки упка касалликларида аускультация килиб куришдек зарурий усул хисобланади. Бармоқ билан текширмасдан ташхис куйиш купол хато хисобланади. Йугон ичак саратонини поликлиника шароитида эрта аниклаш учун 40 ёшдан ошган кишилар текширилшга куйидагилар бажарилиши керак: анкета усули, ахлатни яширин конга тахлил килиш ва тугри ичакни бармоқ билан текшириш. Бу комплекс усул билан 40% гача йугон ичак ва тугри ичак саратон билан ог-риган беморларни аниклаш мумкин. Йугон ичак саратонининг якуний ташхиси патомор-фологик текширишсиз куйилмайди. Факат цитологик ёки гистологик тахлиллар асосида саратон борлиги тугрисида хулоса килинади ва

унинг ривожланиш боскичлари ва таснифи тузилади. **Даволаш:** Йугон ичак усмаларини даволаш асосан жаррохлик йули билан аникланади. Операция хажми, харкатори усманинг жойлашганлигига (жойига), таркалиш даражасига, морфологик пайтида абластика максатида, туткич ва корин пардаси ортидаги ёг клетчаткаси ва лимфа тугунлари билан биргаликда олиб ташлаш лозим. **Прогноз;** Ка-саллик вақтли аникланганда ва радикал операция килинганда якуний натижаси яхши. Радикал операция килинган бемор-ларнинг 60-70% и 5 йилдан куп яшайди.

**Тугри ичак усмалари: Хавфсиз усмалар;** Бу усмалар уз навбатида эпителиал ва нозэпителиал усмаларга булинади. Хавфсиз нозэпителиал усмалар асосан бириктирув-чи, мушак, ёг тукумаси, кон ва лимфатик тукумалардан усади. эпителиал хавфсиз усмалар ичакнинг шиллик каватидан усади. Хавфсиз усмаларни даволашда асосан жаррохлик усуллари кулланилади. (Эл.коагуляция, эл. иссечение, айрим холларда резекция операция-лари бажарилади).

**Тугри ичак саратон касаллиги.** Тугри ичак саратони касаллиги ичак усмалари-нинг 80% ини, бутун усмаларнинг 4-6%ни ташкил килади. Ёмон сифатли усмаларнинг 99% саратон касаллиги ва 1% ни саркома касаллиги ташкил этади. Юз минг ахолии орасида 7 нафари тугри ичак саратони касаллиги билан касалланади. Бу касаллик аёллар ва эркак-ларда бир хил учрайди ва кекса ёшдаги кишилар купрок касалланади, лекин бу касаллик ёшларда (20-30 ёш) хам учрайди.

**Патогенези;** Касалликнинг келиб чиқишида полипларнинг хусусан оилавий полипоз-ларнинг ахамияти катта. Бундан ташкари кабзиятнинг хам (хафтада 1-2 марта нажаснинг чиқиши) касаллик ривожланишига ахамияти катта. Нажаснинг ичакларда туриб қолиши, шиллик кават билан узок вақт контакта булиши (индол, скатол, гуанидин) ва бу модаларнинг шиллик каватга ва эпителиал хужайраларга таъсири усма патогенезида ахамияти катта. Бу модалар эндоген канцероген модалар хисобланади ва сурункали яллигланиш жараёнида, геморойда эпителиал хужайраларининг усма хужайраларига утишини таъмин-лайди (Злокачественная трансформация клеток). Усма олди касаллигига аденоматоз полиплардан ташкари, сурункали дизентерия ва проктитлардан кейинги яралар киради. Маълумотларга караганда яраларнинг 12% саратон касаллигига олиб келар экан. Орка чиқарув тешиги сурункали ёриклари анал сохаси саратон касаллигига олиб келади.

**Клиникаси;** Тугри ичак саратони касаллигини клиник куриниши усманинг жойлашган урни ва анатомик тузилишига (типига) боғлиқ. Бошлангич белгиларидан нажасда кон ва шиллик модалар пайдо булиши, шу билан бирга дефекия вақтидан сунг тулик коникиш хосил қилмаслик, ичакнинг тулик бушамаслигини сезиш белгилари хам илк белгиларига киради. Вақт утиши билан аста-секин кориннинг пастки қисмида, думгаза ва орка чиқарув тешиги сохасига оғрик пайдо булади. Шу билан бирга ичак бушлигини торайиши нажаси-да нажаснинг таматсимон шаклда булиши, тез-тез ташкарига чиқиш сезгилари учрайди. Нажасининг ичакларда утмай қолиши, кориннинг шишишига олиб келади. инфекция кушилиб проктит белгилари пайдо булади. Пастки ампуляр, урта ампуляр ва юкори ампу-ляр саратон касаллиги белгилари тасвирланган таблица курсатилади. Беморнинг умумий ахволи усманинг кечиктирилган даврларида, узок вақт кон кетиб камконлик булган холатларда, усманинг емирилиши нажасида тана харорати кутарилганда, инфекция кушилганда ва сурункали ичак тутилиши кушилганда оғирлашади. Бемор озий бошлайди, терилар оқаради, кулранг тусни олади.

**Ташхис қуйиш;** Шикоятларини аник йигиб тугри баҳолаш, нажас билан чиққан аралашмаларни куриб, тугри ичак усмасига гумон қилиб, бармок билан куриш, ректоро-маноскопия ва рентгенологик текширишлар уткази-лиши лозим. Курсаткич бармок билан тугри ичакнинг обдон текшириш 80% гача аник ташхис қуйишга ёрдам беради. Ичак ва корин бушлиги аъзолари томонидан дискомфорт сезадиган беморларнинг тугри ичагини бармок билан курмаслик шифокорнинг катта хатога йул қуйганидир.

Ректоро-маноскопия – бу усул усмани куз билан куришга бармок оркали олинган маълумотларни тасдиқлашга, юкори қисмда жойлашган усмаларни куришга, ичак шиллик

каватида булган бошка усмаларни топишга ва усмадан биопсия олишга имконият яратади. Ректоскоп аппарати билан сфинктерда 25-30 см.масофадаги ичак бушлигини куриш мумкин. Ректоскопияда беморлар махсус тайёрланади. Маъруза пайтида куриш хоналарида ректорманоскопия усуллари куз билан куриш, бармок билан текшириш ва ректоскопия тугрисида, унинг ахамияти тугрисида тухталиб утилади.

**Ирригоскопия ва ирригография;** усуллари тугри ичак усмаларининг ташхисида ахамияти катта. Ирригограмма усманинг чегараларини, контурларини, ичак бушлигини торайишини, полипларнинг бор йуклигини, бошка жойда жойлашган усма хосилларини куришга имкон беради. Усманинг сизувчи турларида, бу усулда тулиш дефектлари куришмайди, аммо ичак деворининг ригидлиги, шиллик кават рельефларининг текисланиши кузатилади.

**Даволаш;** Тугри ичак усмаларини даволашнинг асосий йули хирургик хисобланади.

Нур билан даволаш асосан кечиктирилган боскичларида паллиатив ва ясси хужайрали анал соха саратон касалликларида радикал даволаш усули сифатида кулланилади. Кимёвий дорилар билан даволашда фторурацил ва фторафур кенг кулланилмокда. Бу препарат асосан 0,5 ёки 1,0% ли эритма сифатида вена оркали томчи усули билан (5% ли глюкоза эритмаси 400 мл.) кунора юборилади. Даволаш курсига 25гр-30гр ишлатилади.

**Касалликни олдини олиш.** Йугон ва тугри ичак саратонинг бирламчи профилактика ситугри овкатланиш, яъни таркибида этарли микдорда овкат клетчаткаси, витамин А ва С га бой булган сабзавот ва меваларни истеъмол килишдир. Иккиламчи профилактикаси диффуз полипоз, сургичли усмалар, купчилик ва ягона полиплар, ярали полип ва сурункали касал-ликларга чалинган беморларни уз вактида аниклаш, даволаш ва диспансеризация килишдан иборат.

### **Интерфаол усул**

**“МУАММОНИНГ ЕЧИМИ” иш ўйинини ўтказиш усули:**

**Иш учун зарур:**

1. Алохида варақда чоп этилган топширик вариантлари ва вазиятли масалалар тўплами.
2. Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар сонига қараб, куръа ташлаш учун сонлар.
3. Ўйинни оғзаки ўтказиш мумкин. (ёзма ҳам ўтказиш мумкин.)

**Ишнинг бориш тартиби:**

1. Гуруҳдаги барча талабалар куръа ташлаш йўли билан ҳар бирида 3(2) талабадан бўлган 3 (4) кичик гуруҳга бўлинади.
2. Ҳар бир кичик гуруҳ алохида стол атрофига ўтиради
3. Варақда сана, гуруҳ сони, факультет, мазкур кичик гуруҳ иштирокчи – талабаларининг исми, фамилияси ва иш ўйинининг номи ёзилади.
4. Кичик гуруҳлар иштирокчиларидан бири қонвертдан топширик вариантини олади ва бу топширик барча кичик гуруҳлар учун қўлланилади.
5. Вақт тугагандан сўнг оғзаки равишда жавоб берадилар.
6. Ўйиннинг барча иштирокчилари натижаларни муҳокама қиладилар, энг тўғри бўлган ечимни танлайдилар ва ўнга максимал балл қўйилади.
7. Муҳокамага 15 дақиқа ажратилади.
8. Талабалар жавоб учун баллни машғулотнинг назарий қисми учун ажратилган рейтингдан оладилар.
9. Энг тўғри жавоб берган кичик гуруҳ машғулотнинг назарий қисми учун ажратилган максимал баллдан – 100% ни, 2 – ўрин олган кичик гуруҳ рейтингнинг 80% ни, 3- кичик гуруҳ рейтингнинг 60% , 4-ўринни олган гуруҳ эса 40% ни олади.
10. Жавоб варақларида ўқитувчи балларни ва ўзининг имзосини қўйади.
11. Талабалар томонидан олинган балл машғулотнинг жорий баҳосини қўйишда эътиборга олинади.
12. Жарийданинг пастки бўш қисмида иш ўйинининг ўтказилганлиги ҳақида белгиланади ва гуруҳ сардори имзо қўяди.
13. Талабаларнинг ишлари ўқитувчида сақланади.



**12 – мавзу: Гепатомегалия. Жигарни метаболик зарарланиши. Коновалов - Вильсон касаллиги. Гемохроматоз. Гепатомегалия. Унг коринча етишмовчилигида, Бадди-Киари синдромини киёсий ташхиси. Киёсий даволаш усуллари. Мехнатга яроклилигини аниклаш. Клиника. Ташхис. УАВ тактикаси. Профилактика.**

**12.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулоти вақти – 5 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулоти шакли	Кириш-ахборотли машғулоти.
Машғулоти режаси	Гепатомегалия тушунчаси, унинг сабаблари Гепатомегалия билан кечувчи касалликлар Гепатомегалия турлари, уларнинг диагностикаси Коновалов-Вильсон касаллиги Унг коринча етишмовчилигида Бадди-Киари синдромини киёсий ташхиси Гепатомегалияда УАВ тактикаси
Ўқув машғулоти нинг мақсади:	Гепатомегалия синдроми билан кечадиган касалликларнинг киёсий ташхисоти. Клиника. УАВ тактикаси ва профилактикасини батафсил урганиш
Таълим бериш усуллари	Кўргазмалар, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

**12.2. Амалий машғулоти нинг технологик картаси.**

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи (15 дақиқа)	1. Аудитория тозаланишига назорат қилади 2. Талабаларни машғулоти га тайёрлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	Тинглайдилар
1. Ўқув машғулоти га кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	Тинглайдилар Ёзиб оладилар
2 – асосий босқич (150 дақиқа)	1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради. <b>«Ручка-стол марказида» иш уйинини ўтказиш усули.</b> Бутун гуруҳга топшириқ берилади. Ҳар бир талаба вазифани ёзади ва ёнидаги талабага узатади, ручкани стол ўртасига қуяди. Ўқитувчи талабани текширади ва талабалар тўғри жавобларни ўз дафтарларига кўчирадилар, бунда талабанинг назарий билими баҳоланади. 2. Кўргазмалар плакатлардан фойдаланади	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар

	3. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади 4. Даволаш ишларини олиб боради 5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди	
3. Якуний босқич (45 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами (225 дақиқа) (5 соат)		


### Мавзу баёни.

Гепатомегалия – жигар улчамларининг катталашуви булиб, клиник жихатдан у куйидаги бир канча касалликларнинг сабаблари булиши мумкин.

Гепатомегалия сабаблари:

- Жигарнинг ёгли дистрофияси (гепатозлар)
- Уткир ва сурункали гепатитлар
- Жигар циррози
- Жигар фибрози
- Жигар кисталари
- Жигар паразитар касалликлари (эхинококкоз ва альвеококкоз)
- Жигар усмалари
- Унг қорича етишмовчилиги

Расм №1



Сурункали гепатит – 6 ойдан кўпроқ давом этадиган жигарнинг полиэтио-логик диффуз яллигланиш жараёни билан характерланади.

(Рим, 1988; Лос-Анджелес, 1994 –гастроэнтерологларнинг Европа ва Бутун-жаҳон конгресслари)

Таркалиши ҳар 100 000 аҳолига -60 кишини ташкил қилади. Катта ёшли аҳоли орасида 5%ни ташкил қилади. □Сурункали гепатитлардан улим 15-25%ни ташкил қилади. Дунёда 300 000 000 дан ортик гепатит В вирусини ташувчилар бор.

**Классификация 1994 йил Лос-Анджелес  
1-антитрипсин етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган**

Этиологияси	Активлик даражаси	Фиброз даражаси
1. сурункали гепатит В	Минимал активликдаги сурункали гепатит	Фиброз йук
2. сурункали гепатит С		Суст ривожланган фиброз
3. сурункали гепатит D	Суст ривожланган активликдаги сурункали гепатит	Уртача ривожланган фиброз
4. сурункали аутоиммун гепатит		Огир даражали фиброз
5. дорили гепатит		Жигар циррози
6. криптоген гепатит	Уртача ривожланган сурункали гепатит	
	Огир даражали сурункали гепатит	

**Жигарнинг сурункали касаллиги**

Оксил метаболизмнинг аутосом-рецессив типдаги бузилишига олиб келадиган кон зардобида α-антитрипсин ферментининг етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган жигарнинг сурункали касаллиги ҳисобланади.

**Сурункали гепатит В**

Уткир ВГВ соғлом одамлар орасида 5-10% ҳолатларда сурункали формага утади.

Иммунитетида узғариш булган одамлар орасида бу курсаткич 20-% ни ташкил қилади.

Сурункали гепатитнинг 30-40% и жигар циррозига утади.

Диагностикаси:

Кон зардобида гепатит В вирусининг маркерлари:

HBsAg – юза (superficialis) оксил-антиген;

HBcAg (HBcoreAg) – факат гепатоцитлар ядросида жойлашадиган ва конда аниқланмайдиган антиген аниқланади.

**Сурункали гепатит D** Сурункали гепатит D вирусининг гепатит В маркерлари ташувчилар уткир вирусининг гепатит D билан касалланган пайтида суперинфекция куринашида кечади. HDV-нинг сурункали формага утиш частота 60-70% ни ташкил қилади.

Сурункали гепатит D циррозоген хусусияти купрок (14-15%), ва ВГВ га нисбатан 10-15 олдин ривожланади. ВГD огир утади, раққа айланиш эхтимоли камрок, чунки леталлик курсаткичи юкори, купчилик беморлар касаликнинг раққа утгунига қадар яшамайди.

Имунология: Т-супрессорлар сони камаяди, иммуноглобулинлар микдори ортади. Кон зардобида анти-HDV IgM топилади.

Морфология: некроз, лимфоид инфильтрация.

УЗИ и радиоизотоп текшириш жигар ва талокнинг диффуз катталашуви **Сурункали гепатит С** Уткир вирусининг гепатитнинг сурункали формага утиши 75-80%ни ташкил қилади.

Дунёда HVC билан инфекцияланган кишилар аҳолининг 10% ни ташкил

килади. □ Сурункали гепатит С купинча латент ва симптомсиз кечади. Циррозга утиши 20-25%, гистологик текширувларда % . Белгилари чарчаш иштаха пастлиги ва ориклаш

Иммунология: Т-супрессорларнинг камайиши, иммуноглобулинлар ва конда айланиб юрувчи иммун комплекслар ошади. HCV-инфекция маркерлари: HCV-РНК, анти-HCVcoreIgM топилади.

УЗИ ва радиоизотоп текширувда гепатоспленомегалия аникланади.

### **Сурункали вирусли гепатитларнинг диагностик критерийлари (B, C, D)**

#### **Цитолитик синдром**

А) Клиник белгилари

Иситма, ориклаш, жигар хиди келиши, тери ва склера саргайиши

Б) Лаборатор белгилари

трансаминазаларнинг ошиши (АлТ, АсТ), албумин ва протромбин камайиши, билирубиннинг ошиши

#### **Мезенхимал-яллигланиш синдроми □**

А) Клиник белгилари:

иситма, артралгия, васкулит, спленомегалия, лимфоаденопатия

Б) Лаборатор белгилари:

γ-глобулин, иммуноглобулин А, М, G, LE – хужайра пайдо булиши

Холестатик синдром

А) Клиник белгилари:

сариклик, тери пигментацияси, тери кичиши, ксантелазма,

Б) Лаборатор белгилари:

холестерин, билирубин (конюгирланган), ишкорий фосфатаза

#### **Геморрагик синдром □**

А) Клиник белгилари:

терида геморрагиялар, милқдан ва бурундан кон кетиши

Б) Лаборатор белгилари:

тромбоцитопения, кон ивиш факторлари синтези камайиши

#### **Астеновегетатив синдром**

Тез чарчаш, холсизлик, ориклаш, иш кобилиятининг пасайиши, невроз ва ипохондрия белгилари

Диспептик синдром

Кунгил айниши, иштахасизлик, эпигастрал сохада огрик, кекириш, корин дам булиши, кабзият.


**Аутоиммун гепатит** Аёлларда куп учрайди 1:3нисбатда, ёш буйича 10-30 ёшда куп учрайди.

#### **Аутоиммун гепатитнинг диагностик критерийлари**

- ✓ кучли астено-вегетатив белгилар.
- ✓ сариклик.
- ✓ геморрагик тошмалар.
- ✓ гепатоспленомегалия.
- ✓ жигар хужайра етишмовчилиги
- ✓ лимфа тугунларнинг катталашуви жигардан ташкари аутоиммун зарарланишлар (пневмонит, васкулит, ярали колит, гломерулонефрит, тиреоидит, миокардит, артралгия, синдром Рейно, синдром Шегрена, эндокрин бузилишлар).
- ✓ урта ёшдаги аёллар куп касалланади.
- ✓ анемия, тромбоцитопения, лейкопения, СОЭнинг жуда баланд булиши.
- ✓ жигар хужайра етишмовчилиги, цитолиз, ва яллигланиш белгиларининг яккол намоён булиши.

- ✓ Т-супрессорларнинг конда ошиши □ зардобда антителлар аникланиши: (ANA), (анти-LKM), (SLM), (SLA) (LP), (LM).
- ✓ HLA A1, B8, DR3 ва DR4.нинг аникланиши
- ✓ глюкокортикостероидлар ва иммунодепрессив терапиянинг самарадорлиги. вирусли
- ✓ гепатит маркерларининг йуклиги.

### Жигар катталаниши булган беморларни текшириш дифференциал диагностика дастури



- ✓ α дан хафтада 5-7 марта ёки по 10 млн МЕ дан хафтада 3 марта, даво курси 4-6 ой. дори воситаси мушак орсига ёки тери остига юборилади
- ✓ Реаферон 3 млн МЕдан хафтада 3 марта 3-4 хафта давомида
- ✓ Видарабин – суткасига 7,5-15 мгдан 3 хафта давомида
- ✓ Рибавирин - суткасига 1000-1200 мг (2 марта ичиш учун) 3-4 хафта давомида

#### Самарали даволанганлик критерийлари

- гепатита В маркерларининг йуколиши;
- конда трансаминазаларнинг нормаллашуви
- жигар гистологик картинасининг яхшиланиши

#### Карши курсатма

- ✓ декомпенсация боскичидаги жигар циррози
- ✓ кандли диабет
- ✓ огир буйрак упка ва юрак кон-томир касалликлари
- ✓ алкоголизм.

#### Иммунодепрессив терапия

1. Глюкокортикостероид препаратлар.
2. Ногормонал иммунодепрессантлар (цитостатиклар).
  - ✓ Преднизолон бошлангич дозаси суткасига 20-30 мг дан 3-4 хафта кейинчалик дозаси хар 7-10 кунда 2,5 мгдан камайтириб борилади

- ✓ Глюкокортикоидлар ва цитостатиклар комбинацияси - преднизолон азатиоприн билан бирга берилди. преднизолон 15-25 мг ва азатиоприн -100 мг суткада, кейинчалик саклаб турувчи дозаси 10 мг ва мг. Делагил – иммунодепрессив препарат 0,25–0,5 мг дан 10-15 мг преднизолон билан бирга берилди. Кейинчалик преднизолон 5 мг гача камайтирилади ва охирида факат делагил берилди. Курс давомийлиги 1,5 - 6 ой

### **Диспансеризация**

1 йилда 4 марта курик

Гастроэнтеролог и онколог куриги курсатма билан.

Функционал проблар (билирубин, холестерин, АЛТ, АСТ, умумий оксил,) 1 йилда 1 марта УЗИ, маркерларни текшириш – курсатма билан

## **Жигар циррози**

Жигар циррози – жигарнинг сурункали диффуз, полиэтиологик усиб борувчи касаллиги булиб, гепатоцитлар сонининг камайиши, усиб борувчи фиброз, жигар цитоархитектоникаси ва ангиоархитектони-касининг бузилиши ва окибатда жигар етишмовчилиги ва портал гипертензия келиб чиқиши билан характерланадиган патологик ҳолат.

### **Этиологияси**

- ✓ Вирусли гепатитлар
- ✓ Сурункали алкоголь интоксикацияси
- ✓ Моддалар алмашинувининг генетик бузилиши ( $\alpha_1$ -антитрипсин, галактозо-1-фосфат-уридилтрансфераза, амило-1,6-глицозидаза еишмовчилиги)
- ✓ Гемохроматоз ва гепатоцеребрал дистрофия
- ✓ Химиявий токсик моддалар ва дори воситалари
- ✓ Жигардан ташқари ва жигар ут йулларининг обструкцияси
- ✓ Жигарда узок веноз димланиш

### **Жигар циррози классификацияси (А. С. Логинов, Ю. Е. Блок, 1987)**

Этиологик вариантлари

Морфологик вариантлари (макро ва микронодуляр)

Портал гипертензия стадиялари

Жигар хужайра етишмовчилиги босқичлари

Активлик фазалари

Кечиши

Асоратлари курсатилиши керак

#### **Жигар циррози асоратлари**

- Жигар комаси ва энцефалопатия
- Кизилунгач ва ошқозон веналаридан профуз кон кетиш
- Гемороидал веналардан кон кетиш
- Дарвоза венаси тромбози
- Иккиламчи инфекция кушилиши (пневмония, сепсис, перитонит).
- Усиб борувчи ЖХЕ.
- Жигар ракига трансформацияси

#### **Даволаш уз ичига олади:**

Этиологик даво (вирусга қарши воситалар)

Даво режими

Диетотерапия.

Гепатоцитлар метаболизмни ошириш.

Аутоиммун жараёнларни секинлаштириш (патогенетик даво).

Преднизолон бошланғич дозаси 15-20 мг, юқори активликда – 20-25 мг. Максимал доза 3-4 ҳафтада бошланади. Преднизолон дозаси аста-секин камайтирилади, ҳар 14 кунда 2,5 мг дан

1,5-2,5ойдан кейин саклаб турувчи дозага (7,5-10 мг) утилади. Даво давомийлиги 3 ойдан бир неча йилгача. Аутоиммун циррозда преднизолон 30-40 мг дан бошланади, фуросемид (лазикс), 40 мгдан бир марта хафтада 2-3 марта , хар куни 100-1 мг альдактон билан бирга берилади. Дезинтоксикацион терапия АКБ ва пульс назорати остида берилади (1-1,5л суткасига) 5%ли глюкоза ва 0,9% натрий хлорид. Дарвоза венасига босимни камайтириш учун нитропрусид натрий (нанипрус) берилади.

#### **Госпитализацияга курсатма:**

- 1.Кизилунгач ва гемороидал веналардан кон кетганда
- 2.Жигар комаси ва энцефалопатияси
- 3.Биринчи марта пайдо булган асцит
- 4.Амбулатор даво фойда бермаса

#### **Диспансеризация**

УАВ врачлари томонидан 1 йилда 4 марта курилиши керак. Курсатма билан гастроэнтеролог, нарколог, невропатолог, инфекционист куриги. Умумий кон анализи, биохимиявий анализлар 1 йилда 2 марта, курсатма булганда купрок. Жигар УЗИ текшируви 1 йилда 1 марта.

### **ИНТЕРФАОЛ УСУЛ**

#### **. “РУЧКА –СТОЛ МАРКАЗИДА” иш ўйинини ўтказиш усули:**

##### **Иш учун зарур:**

- |     |                                       |
|-----|---------------------------------------|
| 245 | Алоҳида варақларда босилган саволлар. |
| 246 | Тоза қоғоз варақлари, ручкалар.       |
| 247 | Иш дафтари.                           |

##### **Ишнинг бориши:**

15. Жами талабалар қуръа бўйича 4 та кичик гуруҳга 2-3 тадан бўлиб бўлинадилар.
16. Барча кичик гуруҳ вакиллари алоҳида столга ўтириб, тоза варақ ва ручка тайёрлайдилар.
17. Қоғоз варағида сана, гуруҳ рақами, факультет, талабаларнинг Ф.И.Ш. (иш ўйининг номи) ёзилади.
18. Ҳар бир гуруҳга аниқ бир саволга жавоб бериш шarti қўйилади.
19. Ҳар бир талаба варақда ўз фамилияси ва 1 та тўғри жавоб варианты ёзиб қўшнисига узатади, ўз ручкасини эса стол марказига суриб қўяди.
20. Педагог кичик гуруҳ ишини ва талабалар қандай қатнашаётганликларини назорат қилади.
21. Тўғри жавоб вариантини берган талабалар оғзаки қисм учун мах. рейтинг баллининг 100% - 100 олади,  
2 – ўринни эгаллаган талабалар 80%-80 балл.  
3 – ўринни эгаллаганлар 60% -60 балл оладилар.

**13 – мавзу: Гепатомегалияларнинг кийёсий ташхиси (гепатомегалия билан кечувчи сурункали ва уткир инфекцион касалликлар: Боткин касаллиги, вирусли гепатит Е, С, лептоспироз, сарик иситма, инфекцион моноклеоз, тифопаратифоз инфекциялар, безгак) ва сурункали гепатитлар, циррозлар.**

**13.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 7 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси	Гепатомегалия тушунчаси, унинг сабаблари Гепатомегалия билан кечувчи касалликлар Гепатомегалия турлари, уларнинг диагностикаси Вирусли гепатитлар (А, В, С,Е) Тиф-паратифоз инфекциялар
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Гепатомегалия билан кечувчи сурункали ва уткир инфекцион касалликлар: Боткин касаллиги, вирусли гепатит Е, С, лептоспироз, сарик иситма, инфекцион моноклеоз, тифо-паратифоз инфекциялар, безгакларнинг клиникасини такрорлаш.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

**13.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси.**

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи 10 дақиқа	1. Аудитория тозалигини назорат қилади 2. Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	Тинглайдилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (15 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш	Тинглайдилар Ёзиб оладилар
2 – асосий босқич 245 дақиқа	1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради. <b>ИНТЕРФАОЛ УСУЛ</b> <b>“МУАММОНИНГ ЕЧИМИ” иш ўйинини ўтказиш усули:</b> <b>Иш учун зарур:</b> 1.Алохида варақда чоп этилган топшириқ вариантлари ва вазиятли масалалар тўплами. 2.Хар бир кичик гуруҳдаги талабалар сонига қараб, куръа ташлаш учун сонлар. 3. Ўйинни оғзаки ўтказиш мумкин. (ёзма ҳам ўтказиш мумкин.) Талабаларни шу усул орқали	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар



	баҳолаш мумкин. 2. Кўргазмали плакатлардан фойдаланади 3. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади 4. Даволаш ишларини олиб боради 5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди	
3. Якуний босқич (45 дақиқа)	1. Якунловчи хулоса қилади 2. Мустақил иш беради 3. Уйга вазифа беради	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами 315 дақиқа 7 соат		

### Мавзу баёни.

**Вирусли гепатит А** - пикановируслар оиласига мансуб вируслар чакирувчи, асосан нажас-оғиз механизми орқали юқувчи, клиник жигар биохизми бузилиши билан тавсифланадиган ўткир юқумли касалликдир. Вирус А (HAV)- ўзида РНК сақловчи, жуда майда (25-28 нм) сферик бўлакчадан иборат бўлиб, ўзининг кўп физикавий ва кимёвий хоссаларга кўра энтеровируслар гуруҳига яқин туради. А вирус фақат бир хил антиген сақлайди. Бу антиген унинг ташқи қобиғи билан боғлиқ бўлиб, оқсилли хоссага эга. Зикр этилаётган антиген ўзи алоҳида, вирусдан ажралган ҳолда учрамайди. У фақат вирус билан бирга (жигар хужайра плазмаси, қон зардоби ва бошқаларда) учрайди. Бемор организмида бу антигенга қарши иккита антитело (анти HAV IgM, анти HAV IgG) ишлаб чиқарилади. IgM анти ВГА клиник кўринишнинг бошланғич даврида пайдо бўлади ва 6 ой муддатда сақланади. Бу ВГА ташхисотининг асосий маркери бўлиб ҳисобланади. IgG анти ВГА касалликнинг тузалиш даврида пайдо бўла бошлайди. Бемор организмида умрининг охиригача сақланади ва иммунитет кўрсатгичи ҳисобланади. **Клиникаси.** Касаллик кечимини ифодаловчи бир қанча тансифлар мавжуд. Бугунги кунда қуйидаги тансиф кенг қўлланмоқда. У гепатитнинг барча турларига бир хил таалуклидир.

Вирусли гепатитлар таснифи:

А.Этиологияси бўйича:

- а) вирусли гепатит А (ВГА); б) вирусли гепатит В (ВГВ);
- в) вирусли гепатит Е (ВГЕ); г) вирусли гепатит С (ВГС);
- д) вирусли гепатит дельта (ВГД).

Б. Клиник белгиларнинг ривожланиши бўйича:

а) сарикли, сариксиз, ноаниқ (билинар-билинемас белгили), сарикли холестатик компонентли, холестатик;

б) клиник белгиларсиз (инаппарант).

В. Давомийлиги бўйича: а) ўткир; б) давомли; в) сурункали.

Г. Касалликнинг кечиши:

а) енгил; б) ўртача оғир; в) оғир; г) ўта оғир, яшинсимон.

Д. Асоратлари:

а) ўткир жигар энцефалопатияси: ЎЖЕ I-II (прекома), III-IV(кома);

б) зўриқиш (клиник, ферментатив);

в) ўт йўли фаолиятининг бузилиши ва яллиғланиши.

Е. Оқибати бўйича:

а) соғайиши; б) қолдиқ оқибатлари: гепатомегалия, чўзилган соғайиш;

б) вирус ташувчанлик; г) сурункали интегратив гепатит; д) сурункали репликатив гепатит;

е) жигар циррози; ж) жигарнинг бирламчи хавфли ўсмаси.

Вирусли гепатит А кечишида яширин, бошланғич, сарғайиш (ёки касалликнинг авж олган даври), касалликнинг белгиларини орқага қайтиш ва реконвалесцент (касалликдан тузалиши)

давралари кузатилади. **Яширин даврининг** давомийлиги 14- кунни ташкил қилади. Касалликнинг **бошланғич даври**. Касаллик одатда тўсатдан ўткир ёки аста-секин бошланади. Кўпчилик беморларда хасталик худди гриппга ўхшаб ривожланади: беморнинг аъзойи бадани зиркираб оғрийди, лоҳас бўлади, боши оғрийди, тумов бўлади. (йўталади, бурнидан сув оқади, баъзан аксиради), томоғи қуриб, ачишади. Касаллик катталарга нисбатан болаларда кўпроқ гриппсимон бошланади. Кўпинча болалар бу даврида 3-5кун иситмалайди. Бунда тана ҳарорати 39-40 С гача кўтарилади, боши оғриб, ҳолсизланади, аммо юқорида айтилган тумов аломатлари кузатилмайди, бу ҳолат кўпинча врачларни Қорин тифи тўғрисида ўйлашга ундайди.

Кўпчилик беморларда касаллик шиддатли диспептик аломатлар билан бошланади. Беморнинг иштаҳаси пасаяди (баъзан мутлақо бўлмайди), оғзи қақра бўлиб қолади, кўнгил айнийди, баъзан қайт қилади, қабзият кузатилади ёки аксинча ичи суради. Булардан ташқари, қорин қапчийди, меъда соҳасида ҳамда жигар соҳасида оғирлик, баъзан оғриқ сезилади, жигари катталашади.

Баъзида гепатитнинг бу даври астеновегетатив синдроми аломатлари билан кечади. Бунда бемор жуда лоҳас бўлади, кундан кунга тинка мадори қурийди. Иш қобиляти пасаяди, атроф муҳитга мутлақо бефарқ бўлиб қолади. Бемор бош оғриши ва бош айланишидан шикоят қилади. Салга жаҳли чиқиб, қизишадиган, бўлар-бўлмасга йиғлайдиган бўлиб қолади, яхши ухлай олмайди, кайфияти тушиб кетади. Бу синдром ҳам ўзи камдан-кам учрайди, бундай ҳолатларда касалликни аниқлаш жуда ҳам мушкул бўлади.

Касалликнинг бошланғич даврида эртароқ ташхис қўйиш учун бизга лаборатория усуллари ёрдам беради. Жумладан, бемор қонида оқ қон таначалари бир оз камаяди (лейкопения), қон зардоби таркибида жигар тўқимасининг жароҳатланганлигини кўрсатувчи ферментлар (айниқса, АлАТ, АсАТ) фаоллиги анча ортади. Бу даврнинг охирига келиб сарғайишга сабаб бўлувчи пигментлар (билирубин) миқдори орта бошлайди.

Гепатит А нинг бошланғич даври болаларда ўрта ҳисобда 5-7 кун, катталарда 1-2 кун давом этади. Бу давр охирида бемор сийдиги тўқ жигар рангга айланади (пиво рангига ўхшайди). Нажаси рангсизланиб, лимонсимон тус олади. Шундан кейин сарғайиш даври бошланади.

**Ташхисоти.** Вирусли гепатитлар ташхиси клиник-эпидемиологик қўйилиб, лабораториявий тасдиқланади. Лабораториявий ташхисот усуллари иккига бўлиш мумкин: а) умумклиник ва биокимёвий;

б) хусусий ташхисот усуллари.

Периферик қон таҳлил қилинганда лейкопения, лейкоцитоз қайд қилинади. Эритро-цитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) кўпинча пасаяди, баъзи беморларда аутоиммун гемолитик анемия кузатилиши мумкин. Вирусли гепатитлар билан касалланган беморлар сийдигида асосан уробилиноген ва ўт кислотлари (ўт пигментлари) аниқланади. Бемор нажасининг ранги оқарган, нажасида стеркобилин аниқланмайди. Бошқа кўрсаткичлар томонидан деярли ўзгаришлар кузатилмаслиги мумкин.

Ҳозирги пайтда гепатобилиар системасида бўладиган ўзгаришлар синдром принципи асосида ўрганиланади ва қуйидаги синдромлар:

1. цитолитик синдром; 2. гепатодепрессив синдром; 3. мезенхимал-яллиғланиш синдроми; 4. холестатик синдроми; 5. портокавал шунт синдроми тавофут қилинади.

Цитолитик синдром индикаторлари жумласига аланинаминотрансфераза (АлАТ), аспартаминотрансфераза (АсАТ), лактатдегидрогеназа (ЛДП), алдолаза ферментлари ки-ради. Ўткир вирусли гепатитларда юқоридаги ферментларнинг фаоллиги ошади.

Гепатодепрессив синдром индикаторлари ўз ичига жигарнинг ютиш-ажратиш функциясини кўрсатувчи (бром сульфалеин, индометацинли синамалар) проагуляторлар ва қон ивишига қарши компонентлар, оқсил синтезига боғлиқ (қондаги альбумин) липидлар алмашинувига боғлиқ (холестерин) индикаторларини олади.

Амалиётда кўпинча қон кўрсаткичлари фибриноген, протромбин индекси, про-конвертин, фибринолитик фаоллик, оқсил синтезига боғлиқ альбумин ҳамда липидлар алмашинувини кўрсатувчи холестерин аниқланади. Ўткир ва сурункали вирусли гепатитларда юқоридаги

кўрсаткичларнинг синтези камайганлиги хос бўлади. Камайиш даражаси касалликнинг кечиш оғирлигини белгилайди.

Мезенхимал-яллиғланиш синдроми глобулин, тимол ва сулема синамалари, IgM, IgA, IgE каби индикаторларни ўзига бирлаштиради. Ўткир ва сурункали гепатитларда уларнинг кўрсаткичи сезиларли даражада ўзгаради. Бу синдром индикаторлари касалликни ташхислашда, касаллик даври ва патологик жараённинг фаоллигини аниқлашда, даволаш тахминини баҳолаш учун қўлланилади. Тимол синамаси ВГ билан оғриган беморларда юқори бўлади, сулема синамаси эса камаяди. Сулема синамасининг 1 мл ва ундан паст кўрсаткичи ўтказилган циррозларга хос бўлади.

Қон зардободаги глобулинлар жигар ҳолатини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардандир. У глобулинларнинг миқдорининг ошиши гуморал иммунитет фаоллашганини кўрсатади. Бу кўрсаткич ВГВ билан касалланган беморлар қон зардобода юқори бўлади.

Ўт димланиш синдроми, билирубин (умумий, бевосита, билвосита), ишқорий фосфатаза, 5-нуклеотидаза, ГГТФ ферментлари, ўт кислоталари, холестерин, В-ЛП ва триглицерид каби индикаторларни ўз ичига олади.

Вирусли гепатитларда пигмент алмашинуви томонидан чуқур ўзгаришлар кузатилади. Қондаги гипербилирубинемия бевосита билирубин фракцияси ҳисобидан бўлади. Ишқорий фосфатаза ферменти фаоллиги фақатгина гепатобилиар система касалликларида эмас, балки суяклар шикастланиши, рахит касаллигида, бирламчи гиперпаратиреоидизм каби касалликларда кузатилади.

Жигар ва ўт йуллари касалликларида ишқорий фосфатаза фаоллиги ошиши ўтнинг димланишидан дарак беради. 5-нуклеотидаза ферменти фаоллигининг ошиш қонунияти ишқорий фосфатазага нисбатан сезгирроқ бўлади. Қон зардободаги холестерин миқдори жигар ости ўт димланишида ҳам ошиши мумкин. Унинг кўпайиш даражаси ўт димланиши даврийлигига боғлиқ.

Портокавал шунт синдроми индикаторлари бўлиб аммиак, фенол, индол, скатол ва бир неча аминокислоталар (триптофан, метионин) хизмат қилади. Бу кўрсаткичлар миқдори ўткир жигар энцефалопатияси, жигар комаси ва жигар циррозларида ошади.

Вирусли гепатитлар кўзғатувчисининг антиген ва антителолари чуқур ўрганилиб, уларни қон зардобиди ва бошқа биологик муҳитларда аниқлаш такомиллаштирилмоқда. XX асрнинг охирида вирусли гепатитларнинг этиологик тизимини ўрганиш учун амалиётга иммунофермент таҳлил (ИФТ), занжирли полимераз реакцияси (ЗПР) татбиқ этилиши ижобий натижа берди. ИФТ услуги ёрдамида вирусли гепатит Анинг ташхисий маркери- IgM антиНАV, ЗПР услуги ёрдамида бунга кўшимча вируснинг РНК си мавжудлиги ўрганилади.

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ Е.** Гепатитнинг бу тури, асосан сув орқали тарқалувчи махсус вируслар томонидан чақириладиган ўткир юқумли касалликдир. Кўпроқ сув орқали тарқаладиган бўлганлиги учун кенг ёйилиб, эпидемиялар бериши мумкин. Асосан катталар касалланади, айниқса хомиладор аёлларда оғир ўтиб, кўп ўлим беради.

**Этиологияси.** Касалликни чақирувчи гепатит Е вируси калицивируслар оиласига мансуб. Унинг геноми бир занжирли РНКдан иборат. Касалликнинг учта маркери: вирус РНК си, анти НVE, IgM анти НVE, IgG мавжуд бўлиб, антиНVE IgM ташхисот учун қўлланилади.

**Эпидемиологияси.** GE - ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган, нажас -оғиз механизми орқали юқадиган вирусли инфекция. Кейинги 30 йил мобайнида Осиё, Африка ва Марказий Американинг 27 давлатларида дан зиёд GE эпидемиялари қайд қилинган. Ўрта Осиёда GE нинг бир неча катта эпидемиялари кузатилган. 199-10 йил ва 1984 йил Қирғизистон, 1984-85 й. Тошауз вилоятида, 1986 йил Қаршида. GE эпидемияларига 8-10 йилда қайтарилиш хос. Спорадик касалланиш йил бўйи учрайди. Касалланиш мавсуми ёз-куз ойлари. Асосан 15-30 ёшдагилар касалланади. Инфекция тарқалишида нажас билан ифлосланган ичимлик суви катта роль ўйнайди. Кейинги ўринни алиментар йўл эгаллай-ди, маиший мулоқот йўли хос эмас.

**Клиникаси.** Яширин даври 14 кундан 60 кунгача, ўртача 40 кун бўлади. Касаллик-нинг бошланиш даври: касалликнинг бу турида ҳам касаллик секин-асталик билан ривожланади. Бемор ҳолсизлик, қувватсизлик, кўнгил айниш, қусиш, иштаҳа пасайиши ва ўнг қовурға ёйи

остида оғриқ каби аломатларга шикоят қилади. Қориндаги оғриқ баъзан кучли бўлиб касалликнинг бирламчи белгиси сифатида намоён бўлиши мумкин. Тана ҳароратининг кўтарилиши камдан-кам бўлади. Айрим ҳолларда сийдик ва нажас рангининг ўзгариши касалликнинг бирламчи белгиси бўлиши мумкин. Бу даврнинг давомийлиги 1-9 кун, ўртача 4 кун бўлади. Бу даврнинг асосий лаборатор белгиси - аминотрансферазаларнинг ошишидир.

Авж олган даври. Тери ва шиллиқ қаватларининг сарғайиш даражаси 2-3 кун (баъзан 10 кунгача) ортиб боради. Худди В гепатитдагига ўхшаб, бунда ҳам касалликнинг бошланғич давридаги аломатлар сариқлик даврида ҳам давом этиши мумкин. Кўпчилик беморларда ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши каби белгилар кузатилади. Қусиш олдинги давридагига нисбатан кам бўлади. Тана ҳароратининг ошиши, бадан қичиши жуда кам учрайди. Корин оғриғи (айниқса, ўнг қовурға остида) 5-6 кун давом этади. Бу даврнинг асосий белгиларидан бўлиб қолиши мумкин. Кўпчилик беморларда жигар анчагина (3-6 ёшгача) катталашган, каттиқлиги ортган ва оғриқли бўлади. Талоқнинг катталашуви фақат 25% касалларда кузатилади. Умумий заҳарланиш белгилари кўпчиликда кучсиз бўлиб, 3-6 кун давом этади. Аммо қувватсизлик анча вақтгача сезилиб туради. Кўпчилик ҳолларда сариқлик 1-3 ҳафта ўртача икки ҳафта давом этади. Айрим беморларда сариқлик узок (4-6 кун) давом этиб, гепатитнинг холестатик турига хос барча белгилар намоён бўлади.

Гепатитнинг бу тури асосан энгил ва ўрта оғирликда кечади. Ҳомиладор аёлларда эса, айниқса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида жуда оғир кечиб, кўп (3-16, 4%) ўлим билан тугайди. Ҳомиладор аёлларда касалликнинг энгил кечиши фақат 3,9% да, оғир кечиши эса 28,2% да кузатилади. Хасталикнинг оғир кечиши ҳомиладорликнинг иккинчи ярми, бевосита туғруқдан кейинги давр, ҳамда аёлларнинг эмизикли давларида кузатилади. Кўпинча сариқлик даврининг 4-6 кунларида бемор аёлнинг аҳволи оғирлашиб, ниҳоятда ҳолсизланади, кўнгил айниб, тез-тез қусади. Беморнинг юрак уриши сусайиб, томир уриши тезлашади. Жигар юмшоқланиб, ҳажми кичрайиб кетади. Бемор оғиздан ҳам жигарнинг ҳиди кескин сезилиб туради. Бемор аёлларда туғруқ (чала туғиш ёки бола ташлаш) содир бўлганда ҳам 1-3 чи кунда касалликнинг кечиши кескин оғирлашади.

Касаллик оғир кечганда беморларнинг деярли ярмида буйрак фаолиятининг ўткир бузилишини аломатлари кузатилади. Касалликнинг ҳалокатли кечишида анурия ривожланиши мумкин. Бемор сийдигида қон (гематурия) бўлиши бу тур гепатитнинг оғир кечиши-нинг асосий белгиларидан ҳисобланади ва у ривожланган беморларнинг ҳаммасида куза-тилади.

Гепатит Е нинг яна бир оғир асорати геморрагик синдром бўлиб, бунда беморнинг бурнидан, оғзидан, ичагидан, бачадонидан кўп (бир неча литргача) қон кетиб, ўлимга са-баб бўлиши мумкин. Гепатитнинг бу турида ўлим 0,4 % ни ташкил қилади. Қондаги био-кимёвий ўзгаришлар касаллик энгил ва ўрта оғирликда кечганда, юкорида айтганимиздек А ва В гепатитларидан фарқланмайди. Тимол кўрсаткичи ҳамда β- липопротеидларнинг ортиши жуда кам бўлади. Касаллик оғир кечганда эса кескин гипербилирубинемия (билирубиннинг иккала фракцияси ҳам ортади) ва гиперферментемия кузатилади. β -липопротеидларнинг ва айниқса сулема кўрсаткичи кескин камаяди (1,4-1,2 мл гача). Биокимёвий ўзгаришларнинг меёрлашуви жуда секин боради.

Ташхисоти. Биокимёвий текшириш усуллари худди ВГА никидек. ИФТ услуги ёрдамида вирусли Е гепатитида IgM антиHEV аниқланса, ЗПР услуги ёрдамида буларга қўшимча вируснинг РНК си топилади.

Профилактикаси. Касалликнинг олдини олиш тадбирлари худди ВГА никидек.

### **ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С**

**Этиологияси.** Гепатит С вируси бир занжирли РНК сақлаган флави- вируслар оиласига мансубдир. Вирион диаметри 30-60 нмга тенг бўлиб, оксил липидли ташқи мембрана билан қопланган. Инфекция маркёрлари бўлиб вирус РНКси ва анти HCV ҳисобланади. Таш хисот учун анти HCV катта аҳа ми ят касб этади. Вируснинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг гене тик хилма-хиллигидадир. Ҳозирги кунда вируснинг 6 та генотиби ва 11 субтиплари мавжуд. С гепатитида инфекция манбаи касалликнинг турли клиник шакллари бошидан

ўтказаетган беморлар ҳисобланади. Касалликнинг эпиде-миологик хусусиятлари гепатит Вниқига мос келади. ГС вирусининг юқиши турли парентерал йўллар орқали амалга ошади. ГС вируси кўпроқ қон ва қон махсулотлари-ни қуйиш, ҳамда тиббий муолажалар ўтказишда юқиб қолади. Касалликнинг юқишда жинсий йўл ҳам катта аҳамият касб этади. Инфекциянинг кечиш даврлари, касаллик шакллари. ВГСнинг асосий хусусиятларидан бири касалликнинг латент-субклиник ке-чиши, узоқ муддатда аниқланмаслигидир. Шу билан бирга аста-секин ривожланиб, кейинчалик жадаллашиб жигар циррози ва жигарнинг бирламчи ўсмаси билан тугал-ланиши мумкин. ВГС касаллиги узоқ йиллар чўзиладиган касалликдир, касалликнинг манифест шакллари аниқлаш учун бир неча йиллар (баъзида 10 йил ҳам камлик қилади) керак бўлади.

**Ўткир гепатит.** Касалликнинг манифест шаклида лоҳаслик, камқувватлилик, ишта-ҳа пасайиши, ўнг қовурға соҳасида оғирлик ҳисси каби белгилар қайд қилинади. Беморни кўриқдан ўтказганда жигар ўлчамларининг бироз катталашгани, унинг консистенцияси юмшоқлиги аниқланади. Касаллик паст даражали умумий заҳарланиш белгилари билан енгил кечади. Беморларда сариқлик пайдо бўлиши ташхисни осонлаштиради. Сариклик паст даражада намоён бўлади. Ташхис асосан вирус маркерлари HCV-РНК аниқланиши ва АлАТ фаоллиги ошиши асосида қўйилади. Касалликнинг ўткир даври баъзи ҳолатларда соғайиши билан тугайди. Қолган ҳолатларда жараён сурункали тус олади. Латент даври. Бу даврда клиник белгиларсиз вирусемия сақланиб қолади. ВГВ дан фарқли бу давр сурункали жараёнга ўтиш босқичи ҳисобланади. Латент даври 15-20 йилгача давом этади. Бу даврда кўпчилик беморлар ўзларини соғлом сезадилар, баъзиларини тез чарчаш, лоҳаслик безовта қилади. Кўриқ пайтида жигар ўлчамлари бир оз катталашгани аниқланади. Камчилик беморларда АлАТ фаоллигининг 1,5-2 баробар ошганлиги, тўлқин-симон характерлиги қайд қилинади. Кўпчилик беморларда эса АлАТ фаоллиги меъёрида бўлади. Бу давр сурункали вирус ташувчи давр ҳисобланади. Қайта фаоллашиш даври ўз ичига сурункали гепатит, жигар циррози ва гепатокарциномани олади.

Сурункали гепатит. HCV-инфекциясининг асосий клиник шакли ҳисобланади. Бу шакл кўпинча катта ёшдагиларда қайд қилинади. СГС клиник тавсифи жихатидан САГ нинг енгил кечишига ўхшаб кетади. Беморларда субъектив ва объектив белгилар намоён бўлмасда, гиперферментемия доимий ёки даврий кузатилади, астения белгилари: тез чар-чаш, лоҳаслик, уйқу бузилиши, меҳнат қобилиятини сусайиши кузатилади. Иштаҳа пасай-иши, вазн йўқотиши хос бўлиб, объектив кўрганда жигар катталашган ва қаттиқлашган бўлади.

Қорин тифи - нажас оғиз механизми билан юқувчи, одамда учрайдиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, иситма, бактериемия, умумий заҳарланиш, лимфоид аппаратининг зарарланиши ва ингичка ичакда яралар, терида розеолёз тошмалар тошиши билан тавсифланади.

“Тиф” сўзи “тутун” маъносини билдиради, бу атама Гиппократ замонидан маълум. Ам-мо қорин тифи касаллигини тифлар гуруҳидан алоҳида хасталикка ажратиш фақат XIX аср ўрталарида рўй берди. Бу воқеага Bretonnea ва lans олиб борган изланишлар асос бўлди. Қорин тифи касаллигини ўрганишдаги асосий сана 1880 йил ҳисобланади, бу давр-да хасталикнинг кўзгатувчиси Эберт томонидан топилган. Тиф-паратифларда клиника-нинг намоён бўлиши ва патологик жараёнлар етарли даражада аниқ ифодаланган даврий-лик қонуниятларга қараб юз беради. Шунга асосланиб Қорин тифи ва паратифларнинг кечишини қуйидаги даврларга ажратиш қабул қилинган:

- биринчи, бошланғич белгилар ортиб бориш даври St. incrementi.
- иккинчи, касалликнинг авж олиш даври 2 - қисмдан иборат: касалликнинг тўлиқ ривожланиш даври, оғирлик жараёнлари энг юқори кучга эга бўлган даври (St. acmae).
- учинчи - клиник манзарасининг сўниш даври (st. decrementi).
- тўртинчи - реконвалесценция ёки соғайиш даври. Ҳар бир даврнинг давомийлиги тахминан 1 ҳафта давом этади.

Яширин давр 14 - 21 кун давом этади, лекин у 3-5 кунгача, ҳатто икки кунгача қисқариши ва 23 кунгача узайиши мумкин. Даврнинг энг охирига келиб продромал белгилар пайдо бўлади. Улар сабабсиз лоҳаслик, ҳолсизланиш, апатия, иштаҳанинги йўқолиши, бош

оғриғи, серзарда бўлиб қолишларда ифодаланади ва 1-3 кун давом этади. Қорин тифи кечишининг типик ҳолатларида, жараён қуйидагича ривожланади: касаллик кўпинча аста-секин бошланади ва беморлар кўп ҳолларда касаллик бошланган кунни кўрсатиб бера олмайдилар. Биринчи кунларни улар оёқда туриб ўтказадилар. Лекин аҳвол кундан - кунга ёмонлашади: ҳолсизлик ортади, чарчаш кучаяди, бош оғрийди, иштаха йўқолади.

Ҳарорат аста - секинлик билан кўтарилади, поғона- поғона бўлиб 3-5 кун ичида энг юқори рақамларга етиб, шу даражада ўрнашиб қолади. Уйқу бузилади, чанқоқ пайдо бўла-ди, тил ўртаси юпқа оқ қараш билан қопланади, қорин оз-моз шишган, ич кетиш бузилган кўпинча ичи тутилиб қолади. Биринчи давр охирига келиб жигар ва талоқ катталашishi мумкин.

Иккинчи даврда (2-3ҳафта) юқорида кўрсатилган белгилар юқори ривожига етади. Бемор овқатни рад этади, уни чанқоқ безовта қилади, боши оғрийди, гоҳо қоринда оғриқ кузатилади. Тана ҳарорати 39-40С етади ва юқори рақамларда касаллик авжи даврида уш-ланиб туради. Кечки ва сахарги ҳарорат ўртасида озгина фарқ бўлади. Кейинги кунларда ҳароратлар ўртасидаги фарқ янада сезиларлироқ ифодаланади. Айниқса, касаллик авжи даври охирида улар яхши кўзга ташланади. Беморнинг ҳолати кундан - кунга ёмонлашиб боради. Биринчи кунлари мадорсизлик, апатия кузатилиб, айрим ҳолларда тифоз ҳолат билан алмашиши мумкин.

Бунда турли даражадаги гарангсираб қолиши, тўхталиб қолиш (аклий камҳаракат-лик), онгни ўтмаслашуви ва алаҳсираш кузатилади. Кундузи уйқу босиш, кечаси эса уй-қусизлик пайдо бўлади. Гоҳида сопор ёки кома ҳолати ривожланиши мумкин. Бемор бунда тушунарсиз, ўзига-ўзи гапиради ёки қаттиқ алаҳсирайди, гоҳо ўрнидан туриб кета-ди. Тери юзаси оқарган, иссиқ, қўл текизилганда қуруқ, юзи шишинқираган, кўкрак, қо-рин терисида 5-8-кунлар розеолали тошма пайдо бўлади, бу тошмалар гоҳида (даврий) вақти-вақти билан токи иситманинг охиригача давом этиши мумкин (2-расм). Лаблар, оғиз бўшлиғи, тил шиллик қобигининг қуруқлиги кучаяди. Тил қалин кўкиш қараш билан қопланади. Четларида ва тил учида тиш изи кузатилиб, қизарган бўлиши мумкин. Қорин салгина шишган, ўнг қовурға остида оғриқ бўлади ва майда қулдираш аниқланиши мумкин. Жигар ва талоқнинг ҳажми энг катта даражага етади. Ич кетиш ёки қабзият ёки ичи суyoқ (2 - 5 марта суткасига) кетиши кузатилади. Учинчи даврда - ҳарорат пасая бошлайди. Эрталаб ремиссиялар пайдо бўла бошлайди ва ҳатто эрталабки ҳарорат орасидаги фарқ 2 – 3 Сга етади.

Иситма қорин тифида ўзига хос хусусиятларга эга. Тўлқинсимонлик бутун жараённи кечишига мувофиқ келади, унинг тебранишлари (кўтарилиб - тушиб туриши) белгилар-нинг гоҳ заифлашишига, гоҳ кучайишига параллел тушади. Кўпинча ҳарорат аста - секин кўтарилади. Унга поғонама - поғона бўлиб кўтарилиш характерли бўлиб, касаллик авжи даврида доимий юқори ҳарорат ушланиб туриб, касалликнинг пасайиш даврида аста - секин камайиб боради. Қорин тифига хос ҳарорат чизиги уч фазага, баъзи оғир ҳолларда 4 - фазага бўлинади.

Биринчи - ҳароратнинг кўтарилиши одатда 4 - 5 кун, гоҳо 7 кун, давом этиб бошлан-гич даврга тўғри келади. Ҳарорат чизигининг иккинчи фазаси касалликнинг авж олган давридир. Бу даврда иситма кўп ҳолларда узлуксиз бўлади, яъни эрталабки ва кечки ўрта-сида кичкина ремиссиялар, одатда 1-да- ража атрофида бўлади. Кўпроқ бўладиган эрта-лабки ремиссиялар ижобий белги ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида 0,2 - 0,3 кенгликка эга 40 градусли ҳароратни монотермик чизиги касалликнинг оғир кечишидан далолат беради. Иситманинг бу фазаси 1,5 - 2 кам ҳолларда 3 ҳафта давом этиши мумкин. Ҳарорат чизигининг сўнгги фазаси ортга ривожланиш даврини акс эттиради. Ҳароратнинг литик тушиш давомийлиги тахминан 5 - 8 кун бўлади.

Қорин тифида ҳарорат чизигининг қуйидаги нусхалари мавжуддир:

1. Кўп тўлқинли, Боткин чизиги, яъни юқори температура билан нисбатан паст температуранинг галма-гал келиши;
2. Вундерлих нусхаси, бир тўлқинли бунда ҳароратнинг аста - секин кўтарилиши ва тушиши кузатилади;
3. Кильдюшевский бўйича, бунда ҳарорат тезроқ кўтарилади, 3 кун ичида, кейин литик тушади. Мана шу 3 та ҳарорат чизигининг варианты Қорин тифи учун хос ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Қорин тифини ўткир бошланиш ҳоллари кўпайиб қолди.

Сўнги йилларда касалликнинг қисқа, абортив кечиши кўп учрамоқда, бунда иситма даври 3-5 кунни ташкил этади. Шубҳасиз иситманинг қисқаришида профилактик эмлаш-лар ва антибиотикларни қўлланиши муҳим рол ўйнайди.

**Паратифларнинг умумий клиник тавсифи.** Паратифлар ўзининг симптомокомп-лекси ва кечишига қараб Қорин тифини эслатади. Шунга қарамай, паратифлар ва айниқса паратиф “ В ” бир қанча клиник лаборатория хусусиятларига эга бўлади. Бу хусусиятлар уларни Қорин тифидан ажратиб туради.

**Паратиф “ А ”** - нинг ривожланиши ва клиник кечиши Қорин тифидан биров фарк қилади. Паратиф “ А ” инфекциясида касаллик ўткир бошланиб, кўпинча томоқ ва конъюнктива шиллик қаватини зарарланиши кузатилади. Бошланғич давр клиник манзарасида юз гиперемияси, склера инъекцияси, енгил конъюнктивит, тумов, йўтал, лаблар ва бурун канотларида герпес, кам ҳолларда бурун қонаши аниқланади. Тана ҳарорати ёки нотўғри, ёки реммитенс характериға эга. Баъзи ҳолларда ҳарорат кўтарилиши қалтираш билан кузатилади, пасайиши эса терлаш билан ўтади. Тифоз ҳолати фақатгина жуда оғир ҳол-лардагина ифодаланади. Розеола тошмаси худди паратиф “ В ” сингари эрта пайдо бўлади ва ўзининг кўп хиллилиги билан ажралиб туради. Гоҳо тошма тошиши мумкин. Асо-ратлар паратиф “ В ” га нисбатан кўпроқ учрайди. Паратиф инфекциясини ташхис қилишда қон, нажас, пешобни бактериологик текшириш катта аҳамиятга эга.

**Паратиф “ В ”.** Касаллик ўткирроқ ва қисқа вақт ривожланадиган патологик жараён, ҳамда энг юқори даражада намоён бўладиган токсикоз ва кескин ифодаланган меъда-ичак бузилиши билан характерланади. Умуман, паратиф “ В ” ўзининг енгилроқ кечиши ва камроқ қайталаниши билан ажралиб туради. Яширин даври 5 - 10 кунга тенг бўлади, лекин то 16 кунгача узайиши мумкин. Касаллик (бирдан) ўткир бошланади, қалтираш (худди совуқ қотгандай), мушакларда оғрик, терлаш бўлади. Паратиф “ В ” ни бошланғич даврда умумий захарланиш белгилари (қалтираш (озноб), бош оғриғи ҳарорат кўтарили-ши) ўткир меъда - ичак бузилишлари (ич ўтиши, қориндаги оғрик, қайт қилиш) билан биргаликда келади. Кўпинча катарал ҳодисалар кузатилади. Булар: қуруқ йўтал, юз гиперемияси, хирилдоқ (бўғик) овозлардир. Бир қисм беморларда лабда герпес пайдо бўлади. Юқорида кўрсатилган белгиларга касалликни биринчи кунлариданоқ МАТ зарар-ланиш белгилари (мадорсизлик, уйқу босиши, беҳаловатлик, ваҳимали тунги уйқу, ортиб борувчи рангпарлик) қўшилиши мумкин.

Паратиф “ В ” клиник кечилишининг хусусиятларидан бири, бу қисқарок иситмадир. У кўпинча нотўғри нусхада, гоҳида субфебрил бўлади. Розеола тошмасини тошиши эрта юз беради (3 - 6 кун) ва ҳар хил, кўп тошади, талокнинг эрта ва анча катталашуви аниқланади. Периферик қон томонидан кўпинча нейтрофил лейкоцитоз кузатилади. Енгил кечиши билан бир қаторда паратиф “ В ” узок давом этадиган ҳарорат реакцияси, септик белгилар ва асоратлар билан оғир ўтиши мумкин.

**Асоратлари.** Қорин тифида асоратлар сони ва таркиби кенг доирада бўлиши мумкин. Махсус - яъни қўзғатувчи ва унинг захари таъсирида юзага келадиган асоратларни тафо-вут қилинади. Қорин тифининг махсус асоратлари ичида оғир кечадиганларидан ичакдан қон кетиши, ҳамда Қорин тифи яраларининг тешилиши ҳисобланади. Булар 2-3 ҳафта охирларида ва 4 - ҳафта бошларида пайдо бўлади.

Унинг юзага келишига тўшакда ётиш тартибининг бузилиши, пархездаги хатолар, метеоризмни кучайиши, суюқ ич кетиши, кўпгина анатомик ўзгаришлар, шунингдек қон ивишининг пасайиши, тромблар ҳосил бўлишини секинлашуви сабаб бўлади. Қон кетиш бошланиши билан касаллик манзарасида энди захарланиш эмас, балки қон йўқотиш белгилари доминант роль ўйнайди. Бемор ҳожатхонага борганда, агар қон оқиш нисбатан яқинда бўлган бўлса тўқ қонни кўради, агар вақт ўтган бўлса, қатронсимон тавсифга эга нажасни кўради.

Ичакнинг тешилиши клиник намоён бўлиши кўпинча касалликнинг асосий белгилари остида қолиб кетади. Ўткир қориннинг белгилари заиф ифодаланган бўлиш мумкин, қоринда бирдан ўткир оғрик пайдо бўлмаслиги ҳам мумкин, шунинг учун, ҳат-токи қориндаги салгина оғрик врач эътиборини тортиши керак. Муҳим белги бўлиб қорин деворининг таранглиги ва Щеткин-Блумберг белгиси хизмат қилади. Кўпинча, тахикардия, ҳароратнинг тушиб кетиши ва

кейин гипертермия билан алмашилиши кузатилади. Лекин бу белгиларни аниқлашда, тўғри ичак орқали бармоқ билан текширилганда аниқланадиган тос туби деворида оғрик бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Перфорацияни кечроқ пайдо бўладиган белгиларидан: ортиб борувчи метеоризм, жигар устида бўғиқ овознинг йўқолиши, қорин аускультациясида ичаклардаги шовқин бўлмаслиги, чапга силжиш билан гиперлейкоцитоз, қориннинг чет қисмларида суюқликнинг тўпланиб қолиши, кўп қайт қилиш ва ҳикичоқ тутишлари киради. Ичаклар перфорацияси кўпинча коллапсга олиб келади. Яра тешилгандан сўнг 6-12 соатгача ичида операция қилинса, соғайишига умид боғласа бўлади.

Юрак қон-томир системаси томонидан миокардит, соғайиш даврида коллапс, тромбофлебитлар, нафас олиш тизими томонидан зотилжам, плеврит, ўпка инфаркти каби асоратлар қайд қилиниши мумкин.

## **ИНТЕРФАОЛ УСУЛ**

### **“МУАММОНИНГ ЕЧИМИ” иш ўйинини ўтказиш усули:**

#### **Иш учун зарур:**

1. Алохида варақда чоп этилган топшириқ вариантлари ва вазиятли масалалар тўплами.
2. Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар сонига қараб, куръа ташлаш учун сонлар.
3. Ўйинни оғзаки ўтказиш мумкин. (ёзма ҳам ўтказиш мумкин.)

#### **Ишнинг бориш тартиби:**

1. Гуруҳдаги барча талабалар куръа ташлаш йўли билан ҳар бирида 3(2) талабадан бўлган 3 (4) кичик гуруҳга бўлинади.
2. Ҳар бир кичик гуруҳ алохида стол атрофига ўтиради
3. Варақда сана, гуруҳ сони, факультет, мазкур кичик гуруҳ иштирокчи – талабаларининг исми, фамилияси ва иш ўйинининг номи ёзилади.
4. Кичик гуруҳлар иштирокчиларидан бири қонвертдан топшириқ вариантини олади ва бу топшириқ барча кичик гуруҳлар учун қўлланилади.
5. Ҳар бир кичик гуруҳ талабаларидан бири вараққа топшириқни кўчириб оладилар
6. Кичик гуруҳнинг ҳамма талабалари биргаликда топшириқни муҳокама қиладилар, сўнг улардан бирортаси унинг ечимини ёзади.
7. Топшириқ ечимига 15 дақиқа вақт ажратилади.
8. Ўқитувчи ишнинг боришини кузатиб боради.
9. Вақт тугагандан сўнг оғзаки равишда жавоб берадилар.
10. Ўйиннинг барча иштирокчилари натижаларни муҳокама қиладилар, энг тўғри бўлган ечимни танлайдилар ва ўнга максимал балл қўйилади.
11. Муҳокамага 15 дақиқа ажратилади.
12. Талабалар жавоб учун баллни машғулотнинг назарий қисми учун ажратилган рейтингдан оладилар.
13. Энг тўғри жавоб берган кичик гуруҳ машғулотнинг назарий қисми учун ажратилган максимал баллдан – 100% ни, 2 – ўрин олган кичик гуруҳ рейтингнинг 80% ни, 3- кичик гуруҳ рейтингнинг 60% , 4-ўринни олган гуруҳ эса 40% ни олади.
14. Жавоб варақларида ўқитувчи балларни ва ўзининг имзосини қўйади.
15. Талабалар томонидан олинган балл машғулотнинг жорий баҳосини қўйишда эътиборга олинади.
16. Жарийданинг пастки бўш қисмида иш ўйинининг ўтказилганлиги ҳақида белгиланади ва гуруҳ сардори имзо қўяди.
17. Талабаларнинг ишлари ўқитувчида сақланади.



**14 – мавзу: Сарикликларнинг қиёсий ташхиси. Сариклик. Таснифи. Сабаблари. Гемолитик сариклик билан кечувчи касалликларнинг қиёсий ташхиси: Минковский-Шаффар касаллиги, наслий микросфероцитоз, наслий стомацитоз, 6-глюкозофосфат дегидрогеназа дефицитли наслий гемолитик камқонлик, талассемия, тунги пароксизмал гемоглобинурия, аутоиммун гемолитик қамқонлик. Конституционал сариклик билан кечадиган касалликларни қиёсий ташхиси: Жильбер синдроми, Криглер-Наяр синдроми, Дубин-Жонсон синдроми, Ротор синдроми. УАВ тактикаси. Мутахассислар маслахатига кўрсатмалар. Касаллигига қараб қиёсий даволаш. Стационарда даволашга кўрсатма.**

#### 14.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти – 5-соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси	Сариклик синдроми билан кечувчи (гемолитик ва конституционал сариклик) касаллик билан касалланган беморларни олиб бориш тактикаси Сариклик синдроми билан кечувчи (гемолитик ва конституционал сариклик) касалликларнинг клиник кечиш хусусиятлари. Уларнинг ташхиси ва қиёсий давоси Сариклик синдроми билан кечувчи (гемолитик ва конституционал сариклик) касалликларда УАВ тактикаси.
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Сариклик синдроми билан кечувчи (гемолитик ва конституционал сариклик) касаллик билан касалланган беморларни олиб бориш тактикасини талабаларга ургатиш. Сариклик синдромида УАВ тактикасини аниқлаш
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, дарслик, маъруза матни, проектор, компьютер
Таълим бериш шароити	Методик жиҳатдан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки назорат: савол – жавоб.

#### 14.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси.

Иш босқичлари ва вақти.	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи 15 дақиқа	1. Аудитория тозалигини назорат қилади 2. Талабаларни машғулотга тайёргарлигини текширади 3. Давоматни назорат қилади	Тинглайдилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш 3. Фанни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар	Тинглайдилар ёзиб оладилар

(15 дақиқа)	рўйхатини ишлаб чиқиш	
2 – асосий босқич 150 дақиқа	<p>1. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, мавзу бўйича саволларни беради.</p> <p><b>”АҚЛИЙ ҲУЖУМ” усули сценарийси</b></p> <p>Талаба ўз фикрини билдириш, турли ҳолатларда оптимал қарорлар қабул қилишни ўз ичига олади. Асосий қоидалари танқидий фикрлаш, эътирозларсиз ғояларни кадрлаш, кўпроқ таклифларни ўрганиш ва ғояларни такомиллаштиришни ўз ичига олади.</p> <p>Талабаларга мавзу бўйича барча ғоялар, фикрларни, қарашларни имкони борича кўпроқ ёритиш имконияти берилади. Улар фикрлари ўзаро тўлдирилади, янги, замонавий қарашлар тингланади. Талабалар мавзу бўйича касалликнинг этио-патогенези, таснифи, клиникаси, диагностикаси, ташхисни асослаш, замонавий текшириш усулларини ёритишади, даволаш принципларига ёндашишади. Бу усул барча талабаларнинг машғулотда фаол иштирокини таъминлайди</p> <p>2. Кўргазмалар плакатлардан фойдаланади</p> <p>3. Слайдлар, мультимедиалардан фойдаланади</p> <p>4. Даволаш ишларини олиб боради</p> <p>5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди, фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди</p>	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Томоша қиладилар Қатнашадилар Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар
3. Якуний босқич (45 дақиқа)	<p>1. Якунловчи хулоса қилади</p> <p>2. Мустақил иш беради</p> <p>3. Уйга вазифа беради</p>	Тинглайди Ёзиб олади Ёзиб олади
Жами 225 дақиқа 5 соат		

### Мавзунинг баёни

Сариклик синдроми билан кечувчи касалликлар амалиёт врачлари фаолиятида муҳим ўрин тутди. Сариклик-конда билирубин концентрациясининг ошиши туфайли тери ва шиллик каватларнинг сарик ранга буялишидир. Сариклик билирубин хосил булиш тезлиги, унинг экскрецияси ва эллиминацияси тезлигидан юкори булганда ривожланади. Кондаги билирубин микдори 34-43мкмоль/л булганда тери ва склера саргаяди. Склера эластинга бойлиги туфайли, билирубинни узига тез сингдириб олиб, терига нисбатан эрта саргаяди.

Сариклик табиий ёруғликда яхши кури-ниб, яккол сарикликда бир қисм били-рубин оксидланиб биливердинга айланиши туфайли тери ранги яшилроқ ранга буялади. Бу купинча, жигар циррозида кузатилиб, уни каротинодермиядаги тери ранги саргайишидан фарқлаш керак. Каротинемия куп микдорда сабзи, ковок, манго ва папай истеъмол қилганда ва гипотериоз билан огриган беморларда кузатилади. Каротинемияда склера ранги узгармайди.

Сарикликнинг энг куп учрайдиган сабаб-лари:

Вирусли гепатит А,В ва С.

УТ-тош касаллиги.

Ошқозон ости беши раки.

Жигар циррози.

Панкреатит.

Дори препаратларининг ножуя таъсири.

*Сариклик билан кечувчи хавфли касалликлар:*

Сурункали актив гепатит билан касалланган беморларда кузатиладиган жигар хужайраси раки, кари ешдаги беморларда ошказон ости беши раки.

Сепсис, пневмония ва операциядан сунги холсиз беморларда паренхиматоз сариклик кузатилади.

Унг ковурга остида огрик, сариклик ва тана харорати кутарилганда холангитга гумон килиш керак.

Ёшларда уткир гепатит белгилари билан кечганда Вильсон касаллигини хисобга олиш керак. Бу ирсий кам учрайдиган касаллик булиб, неврологик симптомлар (тремор, харакат бузилишлари) билан кечади. Куз тиркишли лампа билан текширилиб, кон зардобиди церулоплазминнинг концентрацияси аникланади (95% беморларда пасаяди), жигар биопсияси килинади.

15 ешгача булган болаларда кам, лекин хавфли асоратларга олиб келадиган вирусли инфекциялар(грипп) ва салицилатларни ишлатгандан сунг келиб чикадиган Рейе синдромида(энцефалопатия, уткир жигар егли дистрофияси ва жигар етиш-мовчилиги) кузатилади.

Инфекциялар(сепсис, холангит,гепатит).

Кам учрайдиган сабаблар (Вильсон касаллиги, Рейе синдроми ва хомиладорларда жигар егли дистрофияси.)

Нотугри ташхислаш манбалари:

✓ Кариларда ут-тош касаллигининг огриксиз формасида.

✓ Унг ковурга остида огрик ва сариклик белгилари юрак етишмовчилигида хам кузатилади. Сурункали юрак етишмовчилигида бу белгилар аста-секин, уткирда жуда тез ривожланади.

*Жуда кийин ташхисланадиган касалликлар:*

✓ Дубин-Джонсон ва Ротор синдромлари –гепатоцитлар экскретор функцияси бузилиши билан кечади.

✓ Гемохроматоз(кандли диабет, жигар етиш-мовчилиги) .

✓ Сурункали актив гепатит.

✓ Бирламчи билиар цирроз.

✓ Бирламчи склерозланувчи холангит.

✓ Гемолитик анемияга характерли эритроцитлар хаётийлигининг кискариши ва спленомегалия.

✓ Сариклик психоген характерда булмайди. Зарарли одатлар ва наркомания сариклик билан кечувчи касалликлар хавфини оширади.

Билирубинни аниклаш усуллари:

Кон зардобидидаги ут пегментлари Ванден-Берг реакцияси оркали аникланади Бу реакция оркали богланган ва богланмаган билирубинни фарклаш мумкин. Сийдикда билирубинни чизикли тест оркали ёки пробиркадаги сийдикни чайкатиш натижасида хосил буладиган купик рангига караб аникланади. Нормада купик ок рангда, билирубинурияда сарик рангда булади. Канчалик сийдикда билирубин концентрацияси юкори булса, шунчалик купик сарик рангга буялади. Баъзан рангини фарклаш кийин булганлиги туфайли, соглом одам сийдиги билан солиштирилади.

✓ Сийдик рангининг тук булиши бошка касалликларда хам кузатилади.

✓ Сульфасалазин, рифампицин ва тиамин кабул килганда сийдик тук сарик рангга буялади. Порфириянинг баъзи турларида, гемоглобинурия, миоглобинурия ва феназопиридин кабул килганда сийдик кизил ранга буялади. Алкаптонурия ва меланомада сийдик ранги тук жигар ёки кора рангга буялади.

Ташхисот

Тулик йигилган анамнез сарикликни киёсий ташхислашда асосий уринни эгалайди:

✓ Бундан олдин сариклик билан огриганмисиз?

- ✓ Сийдик ва ахлат ранги узгарганми?
- ✓ Яқинларингиз сариклик билан огриганми?
- ✓ Сариклик билан огриган беморлар билан мулоқотда булганмисиз?
- ✓ Сизга қон қуйилганми?
- ✓ Узингизга татуировка қилдирганмисиз?
- ✓ Қайнатилмаган сув қабул қилганмисиз?
- ✓ Сизни жинсий партнёрларингиз қимлар?
- ✓ Каерда тугилгансиз?(баъзи мамлакатларда гемолитик анемия ва вирусли гепатитлар тарқалганлиги сабабли).

Симптомлар тахлили:

- ✓ Унг қовурга остида оғрик:

1. Ут-тош қасаллиги.
2. Уткир гепатит(доимий оғрик).
3. Холецистит.

- ✓ Иштаха йуқолиши, сийдик ранги тукла-шиши, тана ҳароратининг қутарилиши:

1. Вирусли гепатитлар.
2. Жигарнинг алкоғолдан зарарланиши.
3. Дориларнинг ноқуя таъсири.

- ✓ Тери қичиши: холестаз.

Физикал текшириш

Холестаз учун қичиш изларининг булиши, жигар циррозида қалтнинг қизариши, геморрагик тошмалар, томирли юлдузчалар, мушаклар ва тухумдон атрофияси, гинекомастия қузатилади. Жигар етишмовчилигининг оғир даражасида оғиздан (сладоқватый) хид қелади ва астериксис қузатилади.

Лаборатор текширувлар:

✓ Сариклик билан огриган ҳамма беморларда вирусли гепатитларни инқор қилиш мақсадида, серологик текширув ва қонни биохимиявий тахлили олиб қорилади.

✓ Сариклик синдромида қон зардобадаги боғланган ва боғланмаган билирубин қонцентрациясини текшириш шарт.

✓ Вирусли гепатитларга таххис қўйишда ҳар бир турдаги гепатитнинг маркерларини: ВГАда қон да IgM анти НАV ; ВГВ да қонда HBs, HBe антиген ва уларга қарши антители аниқланади. ВГС да IgM анти HCV ва анти HCV аниқланиш.

✓ Сурункали аутоиммун гепатитда ва бирламчи биллиар циррозда иммунологик текширилади.

✓ Йугон ичак рақининг жигарга метастаз берганига шубха қилинганда, қон зардобини рақ эмбрионал антигенга текширилади.

- ✓ Қон зардобадаги темир ва ферритин микдорини текшириш (гемохроматозда ошади).

✓ Қон зардобадаги @-фетопротеинни микдорини текшириш (жигар хужайраси рақида ошади).

- ✓ Қон зардобадаги церулоплазмин микдорини текшириш (Вильсон қасаллигида пасаяди).

Инструментал текширувлар.

1. Рентгенография-қорин бушлигини.
2. УЗИ-қорин бушлигини.
3. Холесцинтиграфия.
4. КМТ.
5. Тери- жигар орқали холангиография.
6. Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография.
7. Гепатоцинтиграфия.
8. Жигар биопсияси.

Сариклик синдроми билан қечувчи қасалликлар билирубин алмашинуви бузилишига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаганлигига асосан икки гуруҳга бўлинади. Билирубин алмашинуви

боғлиқ сарикликни қиёслаш жуда мураккабдир. Амалиёт шуни кўрсатадики, 10–15% ҳолатларда тошли ва тошсиз холецистит вирусли гепатит ташхиси билан касалхонага тушади. – 60 ёшли беморларда вирусли гепатитларни ўсма касалликларидан қиёслаш анча муҳим. Врач беморда сарикликни кузатганда, албатта биринчи навбатда жигар усти, жигар ости ҳамда паренхиматоз сарикликларни қиёслаб, клиник ташхис қўйиб, даво чораларини белгилаши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки эритроцитлар 3-4 ой фаол хизмат қилиб, кейин емириладилар. Эритроцитлар гемолизи натижасида глобин ва гемин моддалари ҳосил бўлади. Геминдан темир моддаси ажралиб чиқади, қолганига сув қўшилиб билирубинга айланади. 1г гемоглобиндан 40 мг ўт пигментлари ҳосил бўлади. 1 г пигментдан 0,9 г билирубин пайдо бўлади.

Бир кеча-кундузда ҳамма эритроцитларнинг 1% емирилади. Бунинг натижасида 6-7 г гемоглабин ажралади. Ундан 200-2 г билирубин ҳосил бўлади. Билирубин осонгина тўқималарга, жумладан марказий нерв системаси тўқимасига ўрнашиб олади. Бу билирубин организмдаги суюқликларда, шу жумладан қонда эримайди. Билирубинга осонгина оксил моддалари, жумладан альбумин бирикади. 1 г альбумин 15 - 16 мг билирубинни бириктира олади. Қондаги альбумин билан бириккан билирубин тери ости тўқималарида ўрнашиб ололмайди.

Билирубиннинг келгуси ўзгаришлари гепатоцитлар фаолиятига боғлиқ. Гемоглобиндан ҳосил бўлган ва ҳали бошқа моддалар билан қўшилмаган эркин билирубинни гепатоцитлар ютиб олади. Гепатоцитларда билирубин глюкурон кислотаси билан бирикади ва билирубин глюкуронид ҳосил бўлади. Билирубин глюкуронид ўт капилярларига тушиб, сўнгра ўт йўллари ва ductus choledochus бўйлаб 12 бармоқли ичакка тушади. Билирубин алмашинуви тизмаси

Ретикулоэндотелий хужайраларига гемоглобин парчланиши натижасида билирубин ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган билирубин эркин билирубин бўлиб сувда эримайди, парчаланмайди, бўйрак фильтри орқали сийдик билан чиқмайди (ўт алмашинувининг I фазаси). У жигарнинг синусоид бўшлиғида тўпланиб гепатоцитлар томонидан актив ушлаб олинади (II фаза). Жигар хужайраларида эркин билирубин боғланган билирубинга айланади. Глюкуронилтрансфераза таъсири натижасида билирубин глюкуронил кислота билан қўшилиб боғланган билирубинга ўтади (III фаза). Боғланган билирубин сувда эрийди ва сийдик билан ажралиши мумкин. Боғланган билирубин ўт капилярлари бўшлиғига экскреция қилинади (IV фаза) ва 12 бармоқли ичак бўшлиғига куйилади (V фаза). Ингичка ичакда боғланган билирубин уробилиноген ва стеркобилиногенга айланиб, нажас массаларини кўнғир рангга бўйяйди.

Сариклик турлари.

✓ Сариклик синдромида боғланган ва боғланмаган билирубин концентрацияси мутаносиблигини аниқлаш жуда зарур. Билирубин алмашинуви бузилиш механизмига қараб:

1. Ҳосил булишнинг бузилиши.
2. Камраб олишнинг бузилиши.
3. Конъюгациянинг бузилиши.
4. Ут билан экскрецияси бузилиши.

Сарикликни факатгина патогенезига қарабгина эмас, балки этиологиясига қараб ҳам классификацияланади:

1. Гемолитик сариклик.
2. Паренхиматоз сариклик.
3. Механик сариклик.

Бу классификация тасдиқланган булса ҳам, одатда сариклик ривожланишида бир нечта механизм иштирок этади.

Пигментли Жильбер гепатози ташхисоти мезонлари.

- Айниқса ўғил болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган ёш йигитлар касалланадилар.
- Ирсий мойиллик кўрсатмаси.
- Вақти-вақти билан ноинтенсив сариклик, асосан кўз склераси субиктериклиги.
- У ёки бу касаллик ва чарчовга боғлиқ ҳолда сариклик юзага келиши ёки кучайши.
- Бирламчи сарикликни болалик йилларидаёқ пайдо бўлиши;

- Ўнг коворға остида доимий бўлмаган оғирлик ҳисси.
- Билинмас гепатомегалия;
- Эркин фракция ҳисобидан 3-4 марта оралиғида кўтарилган гипербилирубинемия.
- Тўлик ёки қисман очликда қондаги билирубин микдорининг ошиши, фенобарбитал қабул қилгандан сўнг пасайиши;

- Билирубинуриянинг бўлмаслиги.
- АлАТ кўрсаткичлари меъёрда.

Ирсий микросферацитоз ташхисот мезонлари

Умумий анемия белгилари ( ҳолсизлик, бош айланиши, ҳансираш, тахикардия);

Тери ва склерада лимон рангли сариклик;

Гепатоспленомегалия, чап ва ўнг коворға остида оғрик;

Гемолитик криз пайтида тана ҳароратининг 39 - 40 С гача кўтарилиши, анемиянинг кучайиши;

Уробилинурия ва нажас плейохромияси (ранги қорайиши);

Периферик қонда турли ўлчамли эритроцитлар, рецикулоцитоз;

Турли ривожланиш аномалиялари ( ғилайлик, коворға деформацияси, гумбазсимон калла ва бошқалар).

Аутоиммун гемолитик анемиянинг ташхисот мезонлари.

Тана ҳарорати ошиши билан ўткир бошланиши;

Анемиянинг умумий белгилари;

Тери ва кўринарли шиллик қаватлар (склера) сариклиги;

Гепатоспленомегалия;

Билвосита билирубин ҳисобида гипербилирубинемия;

Периферик қонда эритропения, гемоглобиннинг ўртача микдори ошиши, ЭЧТ тезлашиши;

Сийдикда уробилин, оксил аниқланиши.

**Жильбер ва Криглер-Найяра синдромлари**да ташхис куйиш кийин. Бунда кон зардобида глюкоронил трансфераза ферменти етишмовчилиги натижасида боғланмаган билирубин ҳисобида сариклик келиб чиқади. Жильберг синдромида билирубин микдори 3мг% дан ошмайди, сариклик инфекцион касалликлар(грипп) ва очлик пайтида ривожланади. Жильберг синдромининг оқибати яхши бўлиб, даво талаб қилмайди. Криглер-Найяра синдроми Жильбергга нисбатан кам учраб, оғир кечиши билан характерланади.

## **ИНТЕРФАОЛ УСУЛ**

### **”АҚЛИЙ ҲУЖУМ” усули сценарийси**

**Мақсад:** ўз фикрини билдириш, турли ҳолатларда оптимал қарорлар қабул қилишни ўз ичига олади. Асосий қоидалари танқидий фикрлаш, эътирозларсиз ғояларни кадрлаш, кўпроқ таклифларни ўрганиш ва ғояларни такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Талабаларга мавзу бўйича барча ғоялар, фикрларни, қарашларни имкони борича кўпроқ ёритиш имқонияти берилади. Улар фикрлари ўзаро тўлдирилади, янги, замонавий қарашлар тингланади. Талабалар мавзу бўйича касалликнинг этио-патогенези, таснифи, клиникаси, диагностикаси, ташхисни асослаш, замонавий текшириш усулларини ёритишади, даволаш принципларига ёндашишади. Бу усул барча талабаларнинг машғулотда фаол иштирокини таъминлайди. Бу усулни барча машғулотларда қўллаш мумкин.

**15 – мавзу: Холестатик (механик) сариқлик билан кечадиган касалликларнинг киёсий ташхиси:**

- **жигардан ташкари:** холангит, холедохолитиаз, ут йули стриктураси, ут йули раки, ошқозон ости беши бошчасининг раки, ут пуфаги раки, аскаримоз.
- **жигар ичи:** дорили холестази, бирламчи жигар циррози, иккиламчи жигар циррози, жигар хосилалари. УАВ тактикаси. Мутахассислар маслаҳати учун курсатмалар. Касаллик турига қараб киёсий даволаш. Шифохонага ётқизиш учун курсатмалар.

**15.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

Машғулот вақти – 7 соат	Талабалар сони : 9 – 10 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли машғулот.
Машғулот режаси	Сариқлик синдроми билан кечувчи (холестатик сариқлик) касаллик билан касалланган беморларни олиб бериш тактикаси. Сариқлик синдроми билан кечувчи (холестатик сариқлик) касалликларнинг клиник кечиш хусусиятлари. Уларнинг ташхиси ва киёсий давоси. Сариқлик синдроми билан кечувчи (холестатик сариқлик) касалликларда УАВ тактикаси.
Ўқув машғулотнинг мақсади: 1. Холестатик (механик) сариқлик билан кечувчи касаллик билан касалланган беморларни олиб бериш тактикасини талабаларга ургатиш. 2. Сариқлик синдромида УАВ тактикасини аниқлаш	Холестатик (механик) сариқлик билан кечувчи касаллик билан касалланган беморларни олиб бериш тактикасини талабаларга ургатиш. Сариқлик синдроми да УАВ тактикасини аниқлаш.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмалар, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
